


R 496

Guliston

2013/2



313
№ 2



АЁЛГА ЭҲТИРОМ МИЛЛАТГА ЭҲТИРОМДИР

Ҳар бир сўзнинг хотирага ўрнашган суврати бўлади. «Аёл» сўзини эшитсак, руҳиятимизга хотиржамлик, вужудимизга ҳарорат қуюлганга ўхшайди. Қулогимизда жонбахш алла овозлари янграгандек бўлади. Уни тандир бошида юзлари ловуллаб нон ёнаётган кўринишида, қошларига ҳафсала билан ўсма тортаётган, гўзаллик истагидан гўзаллашган қиёфада тасаввур этамиз. Далада, бугдойзорда, боғда... Қаерда бўлмасин, аёл сувратида ҳаракат бор, бедорлик, беоромлик бор. Шунинг учун Аёлни жамиятнинг ёруғлик буржи, ҳарорат, меҳр-муҳаббат буржи деб атаймиз.

Шунинг учун қайси мамлакатда гўзалликка, меҳр-муҳаббат, бунёдкорлик, яратишга эҳтиром бўлса, энг аввало, аёлга эътибор кўрсатадилар.



Истиклол йилларида юртимизда аёлларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Халққа озодлик нима учун керак? Нега дунё халқлари жону жаҳонини тикиб мустақил бўлишга интиладилар? Чунки ҳуррият инсонга, шу жумладан, Аёлга ҳам кадр беради. У ўзининг одам боласи эканлигини, кўп яхшиликларга ҳақи борлигини англай бошлайди. Ана шу яхшиликлардан бири саломатликка эътибордир. Президентимиз, ҳукуматимиз она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш ишига заруриятлар ичра зарурият сифатида қарагани учун ўтган йиллар давомида оналар ва болалар ўлими уч барабарга камайди. Аёлларнинг ўртача умри 67 ёшдан 75 ёшга узайди. Туғруқ ёшидаги аёлларнинг ҳар йили мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиши, даволанишига эҳтиёжмандлари учун муолажалар тайинлаши, боз устига, саломатлик борасидаги тарғиботнинг кучайиши аҳолимиз орасида тиббий маданиятнинг юксалишига олиб келди. Соғлом наслин вужудга келтириш мақсадида ишлаётган скрининг марказлари, «Саломатлик» дастурлари – барча-барчаси замирида миллатни соғломлаштириш ғояси ётади.

2011 йил пойтахтимизда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусида ўтказилган Халқаро симпозиумда тиббиёт соҳасида, айниқса, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берилди.

Соғлом турмуш тарзини вужудга келтирувчи яна бир ишончли омил, шубҳасиз, спортдир. Халқда «Тил учига келиб турган сўз» деган ибора бор. Одамларнинг эҳтиёжи бўлиб турган янгиликлар тез оммалашади. Шунинг учун аҳолимиз аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, оилавий спортни оммалаштириш, аёл мураббийларни рағбатлантириш каби жараёнларни хурсандчилик билан қабул қилишди. Спорт билан мунтазам шуғулланадиган 6-15 ёшдаги болалар сони 8 баробарга ошди. 1991 йилда спорт билан шуғулланувчи болалар сони 199626 нафарни (улардан 72326 нафари кизлар) ташкил қилган бўлса, 2012 йилнинг 9 ойига келиб, бу кўрсаткич 1842104 (улардан 912170 нафари кизлар) нафарни ташкил қилди.

Бугунга келиб, барча спорт иншоотларида 1 млн. 797 минг 446 нафар кизлар спортга жалб қилинган. Бу рақамлар салмоғи йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ҳар бир рақам ортида соғлом яшаш истаги ва бу истак рўёби учун каттик интилиш бор.

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir
vazifasini bajaruvchi:
Jalolbek YO'LDOSHBKOV
Bosh muharrir o'rinbosari:
Manzura SHAMS
mas'ul kotib:
Komil JONTOYEV
fotomuxbir:
Mashrab NURINBOYEV
sahifalash va dizayn:
Azamat FAYZULLAYEV
Nigina QODIROVA
navbatchi muharrir:
Ahmad TO'RA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi

Fotih JALOLOV
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirining birinchi o'rinbosari

Mahmud ISMOILOV
O'zbek milliy akademik drama teatri direktori

Suvon Najbiddinov
"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori

Abduvahob NURMATOV
Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Murod RAJABOV
"Muqimiy" nomidagi O'zbek Davlat musiqiy teatri direktori

Baxtiyor Sayfullayev
O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV
Pedagogika fanlari doktori, professor

Azamat HAYDAROV
"O'zbeknavo" estrada birlashmasi
Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@mail.ru

Ushbu sonda:

Dilfuza
Ona allasida Vatan madhi

Mahmud YO'LDOSHEV
So'z va o'z birligi

Muyassar TILOVOVA
So'nggi ko'z yoshlar

Feruza QURBONOVA
Qo'g'irchoq teatrida rejissorning o'rni

Xosiyat RUSTAMOVA
Kundalik

Hayitboy SULTONOV,
Farida TOSHPO'LATOVA,
O'g'iloy DONASHEVA
Tasvirlarda tovlangan jilo

Muqovada:

1-bet: O'zbekiston Davlat konservatoriyasi 1- kurs talabasi Duniyozoda Ahmedova.
4-bet: QVZning "Dugonalar" jamoasi

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. "Guliston" jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84_{1/8}. Buyurtma №47. Adadi: 2257 nusxa. Hajmi 6 b.t. Bosmaxonaga 10.04.2013- yilda topshirildi. Bosishga 10.04.2013- yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41- uy. Tel: 233-25-66, 233-27-94.

**Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8- uy.**



*Онам! Сенинг иссиқ, азиз жонингни,
Заррадек чоғимдан бошлаб биламан,
Ўзим ҳам зарра-ю, лекин қонингни
Янгилаб жисмингдан ўзни узганман.*

*Сен гул жувон ҳали мендан беҳабар,
Булутдай гўдаклар тортди ҳавасинг,
Энди мен сен десам қайноқ, муаттар
Ҳоврин ҳис қиламан илиқ нафасинг...*

Зулфия

Ҳар бир миллат ҳаётида ҳал қилувчи даврлар бўлади. Бу даврларда Ватан юкига аёл, эркак баравар елка тутиши даркордир. Истиклолга эришгач, бизда ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш даври бошланди. Ва бу аёллар ижтимоий фаолият майдонларининг кенгайишига сабаб бўлди. Аёл фақат баркамол авлод тарбиячиси – Она ёки оила хотиржамлигини таъминлайдиган бека бўлибгина эмас, сиёсатчи, тадбиркор сифатида ҳам ҳаёт марказига чиқди.

2009 йилнинг декабридаги сайлов якунига кўра, 33 нафар аёл Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланди. Бу депутатлар умумий сонининг 22 фоизини ташкил этади.

«Аёл – сенатор», «Аёл – депутат» атамалари бошқача бир оҳангларда жаранглайди. Чунки бу дегани аёл қувонч-ташвишлари, оила эҳтиёжлари аёл воситасида баланд минбарларга этиб боради, дегани. Ахир, «Қуш тилини қуш тушунади», деган нақл бор. Кейинги йилларда Парламентимизда она ва бола саломатлигини асраш, аёл ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилиш юзасидан қабул қилинган катор Қонунлар бу фикримизни тасдиқлайди. Аёлларга яхши яшаш ва иш шароити яратиб бериш бўйича энг катта ютуқларга эришган 125 та дунё давлатлари орасида Ўзбекистоннинг борлиги бизда уларга кўрсатилаётган эҳтиромни яна бир қарра намён этади. Ўрни келганда яна бир ҳақиқатни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, иш фақат даромад манбаи, фақат тирикчилик воситаси эмас. Иш аёлни маиший иқир-чиқирлардан баландга кўтаради. Иш орқали аёл жамиятга боғланади, фуқаро сифатида юксалади. Иш – кадр. Аёл меҳнати орқасидан рағбат кўради. Бу рағбат унга болалари, турмуш ўртоғи, яқинлари орасида ўз-ўзидан қониқиш, ўзини ўзи ҳурмат қилиш ҳиссиётларини бахш этади. Яна у ишлай бориб, меҳнат самарадорлигини ошириш учун изланади, малакаси, билимини оширади.

Шумаънода, истиклол даврида опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Касаначиликнинг ривожланиши, уй бекаларининг оила юмушларидан узилмаган ҳолда ишлаши учун шароит хозирлаш, оилавий бизнес ҳаракатига тушганларга имтиёзли кредитлар бериш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш (улар учун семинар-тренинглар ташкил этиш, хориж тадбиркорлари иш тажрибаларини ўрганиш учун сафарлар уюштириш, турдош ёки бир-бирига боғлиқ корхоналар орасида шартнома тузишга ёрдамлашиш) ишлари кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Ўзбек аёлининг қўли – гул, ҳаёли – гул. Бармоқлари тупроққа тегса, чечаклар унади. Ҳаёлида доим «болам, оилам, элим, юртим» деган орзулар яшайди. Ўзбек аёли хонанишинликни, ёлғизликни севмайди. У жамият бағрида, меҳнат бағрида ўзини бахтиёр, хотиржам ҳис этади. Шунинг учун рақобатни ҳам бир сакраб ўтиши

зарур бўлган тўсик деб эмас, билганидан ўрганиш, билмаганига ўргатиш имкони деб тушунади. Турли жабҳаларда ўтказилаётган «Ташаббус», «Энг яхши ҳунарманд», «Йил аёли», «Фаол аёл», «Намунали оила бекаси», «Намунали келинчак» тарзидаги катта-кичик мақомлардаги танловлар опа-сингилларимизни яна ҳам чархламоқда. Улар фақат яратибгина қолмай, яратганини намён қилишни ҳам ўрганмоқдалар. Чарос чаросдан ранг олади, деганларидай бу мусобақалар голибларидан андоза олмақдалар.

Ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини юзага чиқариш – хотин-қизларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир кўриниши, десак хато бўлмайди. 1999 йилда Президентимиз ташаббуслари билан адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида алоҳида ютуқларга эришаётган қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган эди. Бу мукофот қизларимиз орасида ижобий маънода бир тўлқин яратди. Юртимизнинг чекка-чекка шахру қишлоқларидаги қизлар ҳам бу нуфузли мукофотга эришиш учун ҳаракат қила бошладилар. Ўзига хос овозли шоиралар, санъаткорлар, спорт юлдузлари, мусаввирлар, ёш тадқиқотчилар кашф этилди. Бугун Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари 196 нафарга етди. Дастлабки лауреатлар орасидан фан номзодлари, чемпионлар, таниқли шоиралар етишиб чиқди.

Энг муҳими, улар ҳаётда, жамиятда мустаҳкам ўринга эга бўлишмоқда. Ҳар бахтиёр аёл – жамиятнинг бир ёруғ нуқтаси. Дунё аёл қувончининг шуълаларидан ёришади. «Келажак овози», «Нихол» каби танлов ва мукофотлар ҳам ёшлар учун тарбия йўллари, камолот йўллари бўлмоқда... Албатта, ҳаётда нур билан соялар ёнма-ён яшайди. Она бахтидан қанча суюнсак, улар билан боғлиқ юзага келаётган муаммолардан оғрик ҳис этамиз. Ҳануз, «аёл жинойатчилиги» атамасидан бутунлай узоқлашиб кета олмаётганимиз, аёлнинг табаррук исми ёнида баъзан «енгилтабиат», «фирибгар» каби дилга хиралик солувчи сифатларнинг туриши, оз бўлса-да, жамиятдан ажралиб қолаётган, ўзини ночор ҳис қилаётган хотин-қизларнинг борлигидан дарак беради. Жамият, қонун бу муаммолар билан курашмоқда. Яна бир ҳақиқат борки, Аёл – кўнгил одами. Уни суяган, уни суйган сайин у яхшиланади. У меҳрталаб зот. Ўзи меҳрдан яралса-да, меҳр истайверади, истайверади. Агар оталаримиз, оғаниларимиз, ўғлонларимиз қудратли, айни дамда, бу заиф жонга муҳаббат ва яна кўпроқ муҳаббат берсалар, уларнинг ор-номусига ҳимоячи бўлсалар, бугун бизни кийнаётган муаммолардан тезроқ халос бўламиз. Зеро, она бағрида бутун бир миллат, халқ камолга етади.

*Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими*



Sumalak ta'mi

Ховлимизнинг бокка чикадиган ташқи эшиги бўларди. Ушбу эшик орқали нафакат боғимизга, балки Уста ака деган кишининг ховлисига ўтиш мумкин эди.

1950 йилларнинг баҳорида Уста ака кираверишдаги хонадаги супада бугдой ундира бошлади. Унинг ёлғиз ўғли 4-5 яшар бўлиб, менинг тенгдошим эди. У билан бирга ўйнаб юрардик. Биз бошқача қизиқиш билан унаётган бугдойни ҳар куни бир кўриб кўярдик. Бир куни ховлимизда хотин-халаж, кампирлар кўпайиб кетишди. Уларнинг сумалак, сумалак деган гапларини эшитиб хайрон қолдим. Мен сумалак деганда кўпроқ киш пайтлари томларда осилиб турадиган сумалакларни тушунганман-да. Уруш тугаганидан сўнг кўп вақт ўтмаган бўлгани учун ҳам одамлар хали сумалак қилишмаган ва мен сумалакни кўрмаган, таъмини ҳам билмас эдим. Бизларнинг ички ховлимиздан ташқарида, Уста акаларнинг уйига яқин ерга иккита ер ўчоқ қилиниб, маҳалланинг чўян қозонлари келтирилиб ўрнатилди. Сумалак деганлари дарровда пиша қолмас экан. Вақт алламаҳал бўлганда аямлар мени ухлагша ётқизиб кўйганлари ёдимда. Аямнинг «Сумалак эрталаб пишади», деган гапидан кейин хотиржам

бўлиб ухлагандим ўшанда. Эрталаб кўзимни очиб, сумалакка қараб югурдим. Иккала қозон ҳам бўм-бўш эди. Аямларнинг қайфиятлари яхши эмас. Маълум бўлишича, очарчиликлар, йўқчиликлар сабаб маҳалламиздаги ушбу қозонларнинг биттаси 10 йиллардан бери ишлатилмаганлиги учун дарз кетган экан. Маҳалладошлар қозоннинг дарз кетган ерига бир нарса суртибми, ёпиштирибми бизникига олиб келишган. Неча йиллардан бери бу тансиқ таом пиширилмагани учун, унинг дарагини эшитганлар етти маҳалладан бир сикимдан бўлса ҳам ун, ёғ келтиришганди. Сумалаклар димлаб кўйилганда, майиб қозоннинг таги ўпирилиб тушиб, бир қозон сумалак қулга оқиб кетади. Катта бувим «Халқдан ҳижолатга қолдим энди», деб юм-юм йиғлаб қолган бир қозон сумалакни маҳаллага тарқаттирадilar. Қариндош-уруғларга сумалақдан бир ялашлик насиб қилади. Аямлар: «Ўғлим уйғониб, мендан сумалак сўраса нима бераман?», – деб пиёланинг тагида бир ялам сумалакни яшириб олиб қоладilar. Ҳанузгача ушбу сумалакнинг таъми оғзимдан кетгани йўқ. Бу катта ховлимиз, катта бувим сумалакларининг таъми эди...

Мансур ТОИРОВ

Bahor kelsa, gul bo'ladi bu bog'lar



Кишнинг охирлари эди. Бир майин, бир саррин шабада елиб ўтди. Биров билди, биров билмади, бу эпкин куртакларни уйғотиб кетди. Очилишга шайланган куртак гўзал бўлди. Ғумбагидан ийманиб чиқиб келган япроқ гўзал бўлди. Узоқлардан бургут кийкиригини эшитган Момо яна бир кўкламга етказганига шукур, дея сандикдан ёзлик кўйлагини чиқариб кўйди. Кўй хайдаб кетган невараси икки дона бойчечак билан бир сиким ялпиз топиб келди. Момо ялпизни олиб омонлик-омонлик дея кўзларига сурди. “Омонлик”нинг маънисини ҳар йили сўрайвериб, ҳар йили эшитавериб, маънисини уққан-уқмаган неваралар яна Момони бир-бир ўраб келаверди. Момо кишга олиб кўйилган туршак-майизлар тугаб, кўк унишини, тут пишигини кута-кута кўкка етмай кетган тўрт оғасини, уч опасини гапириб берди. Шунданми, тут пишганида Момо аввало еттита тутни етти жигари учун омонлик қилиб, бирин-бирин оғизга олади. Кенжа дея авайлаб, борини унга тутган ота-онаси бир шу кишга эга бўлиб, эрта кетган фарзандлари доғида бирин-кетин оламдан ўтишади. Ўтган асрнинг урушини ҳам, очлигини ҳам, катағону, қайта қуриш деган балоларини бошидан ўтказиб, хур ва обод кунларга омон етгани учун омонлик қилишини Момо қайта сўзлаб беради. Баҳорлардан айланай, дейди момо. Бола бўлиб болалик кўрмаган, ҳусни дала ишларида тўкилиб кетган, умрдоши “ўзбеклар иши” қурбони бўлиб кетган Момо бу обод кунларга, бу озод кунларга омон етгани учун омонлик дейди. Невара-эваралар узун, охири яхшилиқ билан тугайдиган эртак эшитиб тин олгандек, бир-бир тарқаб кетади. Момо ғалвирни олиб ғаллахонга йўл олади. Бу ёғи сумалакка тадорик...

Қулоғига зумрад зирак тақиб, эғнига гулдор кўйлак кийиб, сепини далаларга, тоғларга, адирларга, боғларга бир-бир ёйиб, ўзининг дарагини бериб, келинчак баҳор келади. Ташрифига кўз тиккан жон борки, атрофга боқиб, қувнайди. Баҳор... Бу сўзни эшитибок, ажиб туйғу бутун вужудимизни титратиб ўтади. Кўклам яшариш, янгилиши фасли. Шу боис, унинг ҳар бир нафаси, ҳар бир жилваси гўзал. Эрта сахардан қушчаларнинг чуғур-чуғури, майин эсаётган шабада, ариқлардаги тиник, зилол сувлар, дарахтларда ниш отган ним пушти куртакчалар, яшиллиги билан заминни коплаётган майсаларга боқиб, кўнгилларайрайди. Тиникосмондаарғамчи солиб ўтаётган турналарнинг овозида кўклам нафаси, армонларнинг қордай эриши, орзуларнинг янгидан туғилиши бордай гўё. Баҳорни бойчечак заминнинг бағридан олиб чиқар, эҳтимол. Уни қайтаётган қушлар қанотларидан тўкиб ўтар, эҳтимол. Балки биз аҳамият бермаган қайсидир сонияда, кишнинг қиличи қайрилиб кетиб, биз кутган барча байраму сайллар, гуллару қушларни олдига солиб қайтандир кўклам.

Мана, яна заминга Наврўзи олам ўз сепини ёйди. Элимизнинг муроду максadini куйлаган, юртимизнинг орому осойишини ўйлаган, бағрига бениҳоя эзгу муҳаббат жойлаган, яхшилиқларни бошлаган байрамдир бу.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида янги йил байрами шоҳ Жамшид номи билан боғланади. Жумладан, Жамшид

юртга яхшилиқ қилиш мақсадида одамларга касб ўргатади, темир эритиб, қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, иморатлар барпо этади, табиблик сирларини очади, кема ясайди, боғ бунёд қилади. Ниҳоят, “ишлари гуркираб берганда мева” бир куни тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилади. Ушбу афсонага кўра худди шу куни Наврўз нишонланган

Наврўзнинг дунёга келиши чуқур илмий асосланган коинот ва табиат қонуниятлари, яъни Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, тун ва куннинг тенглашуви, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланишнинг бошланиши билан боғлиқ бўлган. Шу сабаб йил айна шу кун бошланган бизда. Наврўзнинг Йилбоши аталиши ҳам шундандир. Ҳозир эса йил қачон бошланишидан қатъий назар Наврўз уйғониш байрами сифатида нишонланади.

Қишнинг баҳор билан алмашилиши жараёнини худди эзгулик билан ёвузликнинг ўзаро курашига менгзаймиз. Қаҳрли қиш қолида қолган охириги қорларини қоқиб, заминни музлатишга ҳаракат қилар экан, баҳор қуёшининг заррин нурлари музларни эритиб, кўнгилларга иликлик улашади гўё.

Бу байрам она заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан завқ олишга, оппоқ гуллаган ўрик шохлари-ю, қоқигулларнинг зарғалдоқ гунчаларидаги бекиёс гўзалликни дилга жо этишга ўргатади. Йилбоши ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр ям-яшил қирлар бағрига қизғалдоқлар алвон бўлиб сочиладиган фарахбахш кунлар кўз олдимишга келаверади. Бободехқонларимиз мўл ҳосил олиш ниятида она еримизга барака уруғи қадайдиган, чўпон-чўлиқлар эса кўклам ёмғиридан баҳра олиб яшнаган серўт ўтлоқларга қўй-қўзиларини ёядиган саодатли кунларни етаклаб келади бу айём.

Олис қишлоқларда гўзал бир анъана бор. Йил боши арафасида қишлоқдаги ёшу қари, қўни-қўшнилар ҳар хил баҳор таомларини тайёрлашиб, адирга тўплашилади. Барча биргаликда егуликлардан танаввул қилишади. Эркақлар кураш, аркон тортиш сингари ҳар хил қизиқарли спорт беллашувларини ўтказишса, қизлар, аёллар аргамчи учивади, кўшиқ айтиб, рақсга тушишади. Аскиябозлик, қизиқчилик авжига чиқиб, чор атрофга ялла, “Ёр-ёр”, келин саломларнинг акс-садоси эшитилиб туради. Йилбоши шўх-шодон қулғулар остида қизигандан қизийди, ҳамма катнашчилар яйрашиб,

ховурлари чикқунича ўйин-қулғу қилишади. Шу куни қишлоқ отахони илк дехқончиликни бошлаб беради. Бу ўзига хос дуо бўлиб, қутилажак ҳосил баракали бўлсин, дегани.

Шу улуғ айём меҳмоннавозлик, одамшавандалик каби инсоний фазилатларни ўзида яққол намоён қилади. Қариндош-уруғ, дўст-биродарлар бир-бирлариникига ташриф буюришади. Ёшларнуроний отахону онахонларга баҳорий таомларни олиб боришади. Наврўз кунларида беморларни бориб кўриш, етим-есир, бева-бечораларни йўқлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади.

Халқимизнинг яна бир ажойиб фазилати – Наврўз кунларида фарзанд кўрган оилалар фарзандларини пок қалбли, дилга хурсандчилик бағишловчи, гўзал, элпарвар, меҳнатсевар бўлиб вояга етишсин, дея Наврўзбек, Наврўза, Озод, Озода, Бахтиёр, Навбахор, Лола, Баҳора каби чиройли исмлар билан атайдилар. Асли бу одатлар замирида ҳам эзгулик ва эзгу орзулар тажассуми мужассам.


Асрлар оша сайқал топиб, бойиб бораётган Наврўз туфайли миллий анъаналар – умумхалқ хайрия хашарларини уюштириш, сумалак сайллари, баҳор таомларидан қўни-қўшниларга улашиш, ялпиз терими каби удумлар маҳаллаларда инсоний фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.


Бу фаслда ҳаво мусаффо ва мўътадил бўлиб, ариқларда тўлиб-тошиб сувлар оқади, тупроқ ҳам қиш қарахтлигидан уйғонади. Дехқон боболаримизнинг ишлари кўпаяди. Баҳорги дала ишлари ўлкамизда Наврўз кириши билан авж паллага чиқади. Дехқон ҳисоб-китобини Наврўз асосида юритади. Зеро, улар етиштираётган маҳсулотлар нафақат халқимиз дастурхонларини безайди, балки эртанги кундан кўнгил тўқ бўлишини ҳам таъминлайди.

Бу байрам – қишдан димикиб чикқан кўнгиллар байрами. У ёрқин юракли барчага бирдек тегишли миллатию машғулотида қатъий назар. Шундай экан, Наврўз Республикамизда яшовчи барча миллатлар, одамлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамловчи байрам сифатида нишонланади...

Баҳор дилларга бир олам шодлик, орзу-умидларнинг рўёбинини олиб келсин.

Дилфуза КЕНЖАЕВА





Буюк саркарда Амир Темурнинг оламшумул ишлари, унинг пароканда давлатларни бирлаштириб, кудратли салтанат барпо этгани, Тўхтамиш ва Йилдирим Боязиддек забардаст ракиблари билан охиригача муроса қилишга интилгани, лекин уларнинг ўз айблари сабабли иш тўкнашувгача етиб боргани ва ракибларнинг тиз чўктирилгани тарихдан маълум. Соҳибкироннинг зафарли ҳарбий юришлари, улуғ авлиёларнинг мозорларини обод қилгани, фатҳ этилган ўлкаларда адолат билан сиёсат юритгани ҳақида ҳам кўп гаплар айтилган.

Биз Амир Темур ҳаётининг яна бир жиҳати – унинг ҳаётида юз берган мусибат-йўқотишлар ва бу йўқотишлар вақтида унинг руҳий-маънавий ҳолати қандай бўлганига, бир инсон сифатида бу мусибатларни қандай қабул қилганига назар солмоқчимиз.

1370 йилда Темур аввалда дўсти ва қайноғаси (Соҳибкироннинг хотини Ўлжой Туркон оғонинг акаси) бўлган, кейинчалик душманга айланган Амир Ҳусайнни енгиб, уни асир олади. Беклар ва саркардалар катъий туриб Амир Ҳусайнни ўлдиришни сўрайдилар. Амир Темур Ҳусайннинг аввалги дўстлиги ва вафот этган аёли Ўлжой Туркон оғони эслаб йиғлайди, калби изтиробда қолади.

1376 йилда Соҳибкироннинг йигирма ёшли ўғли Жаҳонгир Мирзо бетоб бўлади. Фарғонада ҳарбий юришда бўлган Амир Темур улуғ авлиёлардан бўлган шайх Бурҳониддин Қилични бир кеча тушида кўриб, ундан: “Ўғлим Жаҳонгир Самарқандда бетоб эди,

унинг ҳақиқа дуо қилинг”, деб ўтинади. Шайх унга: “Худо билан бўл”, дейди ва бошқа сўз айтмайди. Амир Темур уйғонгач, ўғлидан айрилганини кўнгли сезади. Фарғонадан қайтиб, Самарқандга яқинлашгач, Самарқанддаги бузруклар ва уламолар мотам либосида шаҳардан чиқиб, уни кутиб оладилар ва Жаҳонгирнинг вафоти хабарини айтадилар. Саркарда тушининг ростга дўнганини билади ва калби ғам-андухга тўлади. Бирок “Худо билан бўл” деган ўғитга амал қилиб, ўғлининг ўлимига сабр қилади.

Амир Темурнинг Султонбахт бегим ва Тағайшоҳ бегим исми икки кизи бўлиб, уларнинг кенжаси Тағайшоҳ бегимни бошқача меҳр билан яхши кўрар ва “Ака Беги” деб эркатларди. 1381-82 йиллар оралигида Тағайшоҳ бегим қаттиқ касал бўлиб, вафот этади. Қизнинг жасадини Кешга, акаси Жаҳонгирнинг ёнига дафн этишади. Соҳибкирон бу мусибатдан шу қадар озурда бўладики, дунё ишидан бутунлай қўлини тортади. Вилоятлардан турли нотинч хабарлар кетма-кет келиб турса ҳам, севикли қизининг ўлими туфайли кўзига олам кўринмас эди. Охири беклар ва саркардаларнинг ёлборишларидан сўнг Соҳибкироннинг суюкли опаси Қутлуғ Туркон оғо кириб, укасига шундай насихат қилади: “Худонинг тақдирига чора йўқ. Ғам чекиш фойда бермайди. Сен бунчалик тушкунликка тушсанг, мамлакат паришон, салтанатинг пароканда бўлади. Ўзингни кўлга ол!”. Бу сўзлардан кейин Соҳибкирон ўзига келиб, кўшинни йиғади ва исёнчиларни бартараф қилиш учун йўлга чиқади.

Sohibqironning irodasi

1383 йил ёзида Соhibқироннинг рафикаси Дилшод оғо вафот этади ва бир неча кундан сўнг суюкли опаси Кутлуғ Туркон оғо ҳам дунёдан ўтади. Амир Темур опасини ўзгача меҳр-муҳаббат билан кадрларди. Кетма-кет жудоликлар туфайли Соhibқироннинг дунё ишларидан бутунлай кўнгли совийди. Саййид Барака, Шайхзода Соғаржий каби улуғ шайхлар ва уламолар Соhibқирон олдиға кириб, унинг кўнглиға тасалли бериб, халқ ғамини еб, адолат билан ҳукм юритиш энг афзал иш эканини айтиб, насихатлар қилишганидан сўнгиға унинг кўнгли яна салтанат ва лашкар ишиға мойил бўлади.

Амир Темур ўғли Умаршайхни Форс вилоятиға хоким қилиб тайинлаган эди. 1394 йилда Соhibқирон Миср ва Шомға юриш қилганда Умаршайхни ҳам бу юришға чақиради. Умаршайх Мирзо отасининг олдиға кўшин билан кетаётиб, Курдистондаги Хурматур деган қалъанинг олдида тўхтади ва томоша қилиш учун қалъаға яқинроқ бориб қолади. Шу вақтда қалъадан отилган ўқ қирқ ёшли Умаршайхнинг жон жойиға тегиб, у шаҳид бўлади. Умаршайхнинг ўғли Пирмухаммад ва беклар фарёд чекадилар.

Соhibқирон бу хабарни эшитиб, тоғдек сабр билан йиғламай туради ва мусибат пайтида айтиладиган дуони ўқийди. Саркардалар ва беклар Соhibқироннинг сабриға лол қоладилар.

Амир Темур Анқара жангида Йилдирим Боязид кўшинини энгиб, султоннинг ўзини асир олади.

Соhibқирон ўз асирига ҳурмат билан муомала қилиб, унинг сўровларини бажаради. Асирликда бўлган Боязид 1403 йил 9 март куни нафас қисиш касали билан оламдан ўтади. Амир Темур бу воқеадан қаттиқ мутаассир бўлади. Чунки Соhibқирон Рум юртини тўлиқ забт қилгандан кейин Йилдирим Боязидни яна тахтға ўтқизиб қайтмоқчи эди.

1403 йил март ойида Соhibқирон навбатдаги юриши вақтида невараси Муҳаммад Султон (мархум Жаҳонгир Мирзонинг ўғли) қаттиқ бетоб бўлади. 11 март куни шаҳзоданинг касали кучайиб, тилдан қолади. Соhibқирон неварасининг боши устида ўзи ўтиради. Икки кун ўтиб, йигирма тўққиз ёшли шаҳзода бобосининг қўлида жон беради. Йигирма ёшида дунёдан кетган ўғлидан қолган зурриёднинг ҳам йигит ёшида вафот этиши буюк саркардани оғир қайғуға чўктиради. Бутун кўшин қора қийиб аза тутуди ва йўлда отларини минмай пиёда боради. Бир неча кундан кейин Амир Темур таъзия либосларини ечиб, мотамдан чиқишни буюради.

Соhibқироннинг умр йўлиға назар солсак, унинг ҳаёти фақат ғалабалар нашидаси ва қувончларидан иборат бўлмаганини, балки бошқа оддий инсонлар каби мусибат ва йўқотишларға ҳам омукта эканини кўраимиз. Унинг хикмати бу мусибатларни фақат соhibқиронғагина хос матонат билан энгиб ўтолганида намоён бўлади.

Акрам ДЕҲҚОНОВ,
ЎЗМУ доценти



Миллатнинг тарихи шавкатли солномаларида жамулжам бўлиш баробарида тилида ҳам акс этади. Тилнинг лексик қатлами замонлар ўтиши билан ўзгариб бораверади. Истеъмолдан чиқаятган сўзлар ўрнига янгилари кириб келаверади ва орадан асрлар ўтгач, қўлёзмалардагина қолган ўша архаик сўзларнинг маъносини топишга қийналамиз. Оқибатда, турли чалкашликлар, тусмоллашлар юз беради, матнлар маъноси бузилади.

Бугун Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асаридаги сўзларни қай даражада биламиз? Ваҳоланки, ўша замонларда туркийлар отни 72 хилга ажратган, тилимизда биргина шамолнинг 30 га яқин атоғи бўлган. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам соф туркий сўзлар эмас, лекин аксарияти тилда фаол ишлатилади. Мана, шамолни англатадиган сўзлар: шамол, шабада, шарпа, бўрон, бода, буюк, гармсел, гирдибод, довул, ел, елвизак, елпинчок, изғирин, насим, учок, сабо, самум, тайфун, тўзон, тўфон, талғағ, тўпи, қасирға, уорма, эол, эсин, эпкин, қуюн, қаз.

Маълумки, “ясо” сўзи Қадимги Римда “yusun”, (хозирги “юстиция” сўзи шундан келиб чиққан) шаклида учрайди ва у урф-одатларга асосланган оддий ҳуқуқни англатади. Бинобарин, ушбу сўзни “ясоқ” шаклида ёзиш хатодир. Бу ҳақда турк олими Садри Мақсудий туркий халқларнинг ҳуқуқий билимларига бағишланган бир китобида анча-мунча маълумотлар келтиради. “Ясо” сўзининг тарқалиш жуғрофияси кенглигидан ҳам қадим замонларда туркий давлатларнинг Ғарбу Шарқ билан маданий алоқалари юксак даражада ривожланганини билиб олса бўлади. Бу сўзни сохибқирон бобомиз Амир Темир ҳам фаол қўллаган.

Бир китоб таржимаси жараёнида бурят ва ўзбек тилларининг бир-бирига ўта яқинлигига амин бўлдик. Бу икки тил нафақат лексик бойлиги, (саршари, кора-хара, мерган-миргин ва шу қабилар) қолаверса, грамматик хусусиятлари билан ҳам бир-бирига жуда яқин турар экан.

“Куда-анда” деган жуфт сўзни ҳаммамиз ишлатамиз. Албатта, “куда” – муайян маъно ташийдиган таниш сўз. Лекин “анда”-чи? Уни худди “пичок-мичок”, “таёк-паёк” сингари жуфт сўзларнинг иккинчи бўлаги сингари ҳеч бир маъно англатмайдиган қалом ўрнида қабул қиламиз. Лекин халқ даҳоси ҳеч бир сўзни ноўрин ишлатмайди.

“Анда” сўзига 1981 йили З.М.Маъруфов таҳрири остида нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳеч бир изоҳ берилмаган. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриётида чоп қилинган 5 томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса унга “Қадимги турк-мўғул халқларида тутинган ака-ука” деб таъриф берилади.

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарида “анд” – “онд”, “онт”, “қасам” сўзлари

учрайди. Биз бурят тилидан ўгираётган “Мўғулларнинг махфий китоби”да эса унинг 5 томлик луғатдагига яқин маъноси берилади: “Анда – икки кишининг бир-бирига совға-салом бериб ва танасининг бир жойидан қон чиқариб, конини қўшиб дўстлашиши”. Бу ўзига хос маросим бўлган. Бинобарин, ушбу сўз ўзбек тилидаги қуда-андачилик, қон-қариндошликни билдиради ва андалашиш эса қон-қардошлик, дўстлашишнинг алоҳида бир туридир.

Луғат бойлигимиздаги баъзи сўзларнинг илдизини бегона тиллардан кўра, қардош тиллардан излаб кўриш яхши натижа бериши мумкин. Масалан, бурят, мўғул, қолмиқ ва бошқа тилларда одам “хун” сўзи билан ифодаланади. Бу сўз ўзбек тилидаги баъзи ибораларда ҳам шу маънода қўлланади. Масалан, қадимда ўлдирилган одам учун хун пули тўланган. Изоҳи форсча “қон” сўзига боғлаб келинган бу тўлов қонсиз ўлдирилган одам ҳақида ўринсизроқдай. “Хун”ни одам, “хун пули”ни “одам пули” тарзида қабул қилиш эса ҳар қандай ҳолатни қамрай олди. Бизнингча, қадим хунларнинг аталиши ҳам айни сўз билан боғлиқ.

Бурят ва бошқа туркий халқлар тилининг бир-бирига яқинлигини исботловчи бошқа мисоллар ҳам мўл. Масалан, бурят халқининг қадимий эпоси бўлмиш “Гэсэр”да Ошар, Алте, Эренса, Айдуре, Аламжи, Хараасиғе, Буха, Нурманхан, Ботир сингари исмлар учрайди.

Гэсэр – Кўктангри Хурмаснинг ўғли. Хурмас эса асл маъно жиҳатидан бизнинг ўтмишдаги оташпарастликка оид тарихимиз бўлмиш “Авесто”да тилга олинган тириклик ва ҳаёт асосчиси Ормуз (Хурмуз) – Ахурамаздага бориб тақалади.

Ҳар бир сўзнинг тарихи ва тақдири бор. Бу айни пайтда Зангиота номи билан машҳур, асл оти Ойхўжа ибн Тошхўжа исмли авлиё кунясига тааллуқлидир. Бизнингча, ул зотни “Занги”, “Занжи” эмас, Зангги деб ёзиш мақсадга мувофиқдир. “Зангиота” асл туркий сўз “занг” ўзагидан ясалган ва у ток танасининг асосий қисмини, бош бўғинини англатади. Яна унинг “асосий”, “қатга”, “улуғ”, “мағрур” ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб маънолари бор. Агар тилимиздаги “ўта мағрур одам” маъносини англатувчи “қаттазанг” сўзини эсга олсак, бу тахминимиз унчалик ҳам эҳтимолдан йироқ эмаслиги ойдинлашади.

Бурят, мўғул, тува, қолмиқ ва бошқа туркий тилларда “занги” сўзи тарихда “уруғбоши”, “қабилaboши” ёки “қуйи мансабдор шахс” маъноларини ҳам англатган. Ушбу сўз шу маънода Россия фанлар академиясининг “Бурятские летописи” китобида ҳам учрайди: “...хоринские роды имели главного нойона – занги, и в каждом кочевье имелись предводители – шуленги, засулы и зайсаны”. Кейинроқ “занги” сўзига алоҳида таъриф берилади: “Занги – невысокий чин..., управитель... начальник уртона (почтово-курьерской станции), начальник караула, командир эскадрона”.

Қизғи шундаки, бу сўз Авестода ҳам тилга олинади ва олимларнинг билдиришича, бугунги кунда “занту”, “занги”, “зангги”, “зангупати”, “зангги” – “уруғбоши”, “пати-падре ота” – “уруғбоши ота” шаклларида, “қабилa”, “қабилa бошлиғи” маъносида ишлатилади. Демак, бу асл туркий сўзнинг форс тилидаги “зан” – “аёл” ёки араб тилидаги “занжи” – “қора танли”, “негр”, “хабаш”

маъносидаги сўзлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Шу ўринда суғд тили ҳақида ҳам фикр юритишни жоиз деб билдик. Маълумки, суғд тили қадимда маҳаллий туркий халқларнинг тили бўлиб хизмат қилган. Аммо бу тилнинг кўпгина намуналари ўта форсийлашган кўринишда бизгача етиб келган. Шунинг учун бўлса керак, кўпгина мутахассислар уни форс тилига яқин деб ҳисоблайди. Лекин бундай қараш, бизнингча, асоссиз. Чунки ўрта асрларда туркий тилда ҳам форсий ва арабий сўзлар ниҳоятда кўп қўлланилиши учун уни форсий ёки арабий тиллар оиласига мансуб деб бўлмайди-ку! Ушбу мулоҳазани давом эттириб, қадимги туркий тилдаги “орий”, “орийлар” сўзига ҳам муносабат билдириб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз.


Маълумки “ор”, “орлар”, “эр”, “эрлар” сўзлари то ҳозирги кунгача туркий тилларда у ёки бу шаклда қўлланиб келади. Улар халқ тили ва дostonларда кўп учрайди. Хоразм воҳасидаги “аранлар”, дostonлардаги “эранлар” ҳам “эрлар” маъносида қўлланади, лекин бу сўз форс тилида учрамайди. Чунки у тилда “эркак” маъносида “мард” сўзи қўлланади. Бинобарин, “арий” (“орий”) – “эр” сўзи ҳам қадимда ҳам, бугун ҳам фаол ишлатилаётган туркий сўздир.

Туркий тилларда яна бир тез-тез учрайдиган сўз “гўр”дир. У ўзбек тилида “қабр” маъносидан ташқари “нур” маъносида ҳам ишлатилади. Марказий Осиёда “гўр” билан боғлиқ кўшлаб топоним ва гидронимлар бор. Афғонистондаги Гўр вилояти, Гўрийлар сулоласи, Гўрируд (Нурли дарё) дарёси, Хоразмдаги Гўргон, Гурлан, Урганч (нурли тупрок), ҳозирги Жиззах вилояти худудларидаги Гўрдасой булоқлари, Намангандаги Гўртепа, Нуротадаги Гўрхонасой ва бошқалар шулар жумласидандир. Наҳотки, ота-боболаримиз жой номларини фақат қабр билан боғлаб айтиб келган бўлса?

Ушбу сўз тарихи Ў.Сулаймоновнинг “Шумернома”сида ҳам учрайди. У “қуёш”, “нур” маъносидаги “гўр” сўзининг келиб чиқишини чуқур таҳлил қилади. Асли келиб чиқиши туркий бўлган бу сўз суғд тилига, зардуштий динига эътикод қилган бошқа халқлар тилларига ўтган. Кейинчалик этрусклар тилида “геркле”, “гер” (“ўғил”), юнон тилида “геракл”, латин тилида “геркулес”, туркий эпосларда Гўрўғли шаклини олган. “Гўр” сўзи исмларга бирикиб, “ўғил”, “қуёш ўғли”, балки “Зардушт ўғли” маъносини берган, “нурли”, “қуёшли” маъносида жой номларига кўшилган. Шу маънода, Баҳромгўр форсийлар талқинидаги ёввойи эшак, Қабрбаҳром, Баҳромқабр эмас, аксинча, Нурбаҳром, Баҳромнур бўлиб чиқади. Шунингдек, Гўрўғлининг оти Фирот нима маънони англатишини билмаймиз. Юқоридаги фикрларга таяниб айтадиган бўлсак, Фирот Гўрот, Нурот бўлиб чиқмайдими?

Хуллас, биз узок йиллар давомида туркий халқлар тарихига оид билимларни бошқалардан олдик. Тува, қолмиқ, хакас ва бошқа туркий тиллардаги тарихий манбаларни рус тили орқали ўрганганимиз учун улар тилидаги талаффуз товланишларидан бебаҳра бўлиб келдик. Энди тарихимизни асл манбалардан ўқиш имконига эга бўлдик. Ўзимиз қиладиган ишни келажак авлодларга ташлаб қўйишимизни эса ҳеч ким, айниқса, вақт кечирмайди.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ



Ona allasida Vatan madhi

Она алласида қалбнинг чуқур қатламларидаги эзгу туғёнларни жунбушга келтирувчи сеҳр бор. Шу туйфайли ҳали дунёни англаб улгурмаган мурғак вужуд ҳам бу сеҳр оғушида оромга чўмади. Унинг нафис оҳангини тинглаган катталар ҳам мунис оналарнинг орзу-армони, меҳр-мухаббати коришиқ бу куйсиз кўшиққа маҳлиё бўлади. Кўнгилнинг қайсидир пучмоқларида тиниб ётган туйғуларини уйғотади. Зеро, алла нафақат ухлатувчи, қанчалар мантисиз туюлмасин, аммо уйғотувчи, эзгуликка чорловчи мужда ҳамдир. Она алласи шунчаки куй, кўшиқ эмас, балки ўзлимизни, аждодларимиздан

етиб келаётган кадриятларимиз, урф-одатларимизни англаувчи миллий меросимиздир.

Биз меҳр-мухаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам – Она. Шу боис, токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар она сиймоси олдида доимо таъзим қилади.

Шу маънода, 2013 йилнинг юртимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор, деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда

қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Шу йилнинг 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрида Алла ижрочиларининг Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 14 гуруҳга бириккан 168 нафар иштирокчи қатнашдилар. Барча вилоят иштирокчилари ўз жойларининг гўзал анъанаси бўлган аллани ажойиб чиқишларида намоён этдилар.

Ушбу кўрик-танлов Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда “Камолот” ЁИХ Марказий Кенгашининг “Она алласида ватан мадҳи” мавзуида алла ижрочиларининг Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Қўшма қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси



хамда Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

“Обод турмуш йили”га бағишланган “Она алласида ватан мадҳи” мавзuidaги алла ижрочиларининг Республика кўрик-танловини ўтказишдан асосий мақсад, ёш оилаларга халқимизнинг қадимий кадриятлари, урф-одатлари, удумларидан бири бўлмиш алла айтиш санъатини ўргатиш, ёшларга халқ оғзаки ижодиёти замирида ётган ўзбекона маънавиятни етказиш, мазкур санъат орқали ўзлигимизни бугунги ёшларга англаштириш, ёшларнинг алла айтиш санъатига бўлган меҳрини ошириш, йўқолиб бораётган алла айтиш санъатини чуқур ўрганишдан иборат. Шунингдек, алла айтиш билан боғлиқ бўлган урф-одат, анъана, маросимларни санъаткорона равишда саҳнага олиб чиқиш ҳамда бастакор ва шоирларнинг Ватан, меҳр-садоқат, мустақилликни тараннум этувчи энг яхши замонавий кўшиқлар ижроларини аниқлаб, уларни кенг тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Танлов иштирокчиларининг ижодий чиқишларини Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими мудир, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Маматқул Жўраев, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Нозимжон Қосимов, шоир Нуриддин Аминжонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Абдуазимова, Республика Алла марказининг раҳбари Мунаввар Ёқуббекова каби хакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

Ғолибларга танлов таъсисчилари ва хомийларининг диплом, фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Дилфуза





ISMI... GUL

Бошқа халқлардаги сингари ўзбек исмлари ҳам қадим тарихга, тарихий тараққиётга эга. Улар қайси жинсни аташига кўра иккига бўлинади:

- 1.Эркалар исмларини англатувчи номлар;
- 2.Аёллар исмларини билдирувчи номлар.

Ушбу мақолада хотин-қизлар исмларидаги ясовчи элементлар тўғрисида фикр юритамиз. Албатта, исмлар бир-бирдан фарқлангани каби хотин-қизлар исмлари эркалар исмларидан шаклланиши ва маънолари билан фарқланади. Агар топонимлар таркибидаги ясовчи элементларнинг топоформант дейилишини эътиборга олсак, исмлар, хусусан, хотин-қизлар отидаги ясовчи элементларни ном-исм ясовчи маъносида номаформант дейиш мумкин. Улар жумласига қуйидагилар қиради:

Хон – Билолхон, Бибихоним, Вафохоним;

Биби – Бибимайрам, Бибимарям, Бибихоним, Бибигул, Бибиражаб;

Ба – Башорат;

Ой – Бекой, Давлатой, Давроной;

Ойим – Гулойим, Мохларойим, Бегойим;

-сум – Гулсум;

-ия – Алавия, Алфия, Аслия, Аклия, Ахдия, Ахлия, Бахрия;

-а – Адиба, Азима, Акифа, Алима, Амина, Амира, Анвара, Аниса, Арзия

Исмнинг охиридаги “-а” кўшимчаси исми шакллантирадиган ясовчи кўшимчалардан бири. Дилноза (форсча) ишвали, нозли қалб эгаси, нозик, нафис, дил сохиби деган маънодаги қизлар исми. Дилфуза (форсча) дилни ёритувчи, шодлик берувчи қиз маъносини билдиради. Бу сўз Дилфируз ёки Дилфируза исмларининг ўзгарган шакли.

“-нисо” кўшимчаси ҳам анча кенг тарқалган. Масалан, Меҳринисо (арабча) аёлларнинг қуёши ёки аёлларнинг энг меҳрибони, шафқатлиси маъносини англатади. Бу исм ўтмишда олийнасаб авлодларга мансуб аёлларнинг ўзига хос унвони бўлган.

“-о” эса икки сўз ўртасида қўлланиб, биринчи сўзнинг охириги ва иккинчи сўздаги биринчи ундошни бириктириш учун қўлланиладиган восита бўлиб, одатда кўшма исм ҳосил қилади. Ушбу восита хусусиятлари форсча “Диловар” (жасур, кўркмас, довюрак, паҳлавон, қахрамон қиз деган маънони ифодаловчи исм)да яққол намоён бўлади.

“-ат” кўшимчаси эса ўзидан олдинги сўзнинг охириги ҳарфи хусусиятига кўра “-ят” шаклига ҳам эга. Анзират (форсча) исми тенгсиз, беназир, нодир, ноёб ёки доривор ўсимликлардан бирининг номини англатади. Кейинчалик у тўлақонли отга айланиб, киши исмини англатадиган бўлган. Аслият арабча сўзлардан бири бўлиб, аслик, хақиқийлик, соф, бенуксон қиз деган маънони билдиради.

Исм ясовчилар орасида “-и” кўшимчасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ганжи (форсча) ганж, хазина эгаси, тенгсиз, бебаҳо қиз деган маънони англатади.

Эркалар исмида қўлланиладиган “-жон” воситаси аёллар отини ясашда ҳам кенг ишлатилади. Масалан, Аммажон (арабча) марҳум аммасининг исми билан аталган ёки аммасининг уйида туғилган қиз маъносини ифодалайди. Бекажон (ўзбекча) - беклар авлодига мансуб жон каби азиз қизни англатади. Хоразм тарафларда яна бошқа айрим жойларда қизлар исмларга -жон кўшимчаси кўпроқ қўшилади. Бувижон, Гулижон, Шакаржон каби исмлар шу жойларга мансуб.

Шунингдек, ўзбек адабий тилидаги исмларда гул, ой билан бошланадиган ёки гул, ой билан тугайдиган исмлар жуда кўп.

Исмларнинг маълум жойларга, вақтларга, жамиятдаги ўзгаришларга қараб янгиланиши, янги исмларнинг кириб келиши алоҳида мавзу. Номларни, шу жумладан, исмларни ҳосил қилувчи ясовчи элементларнинг баъзилари бугунги ўзбек хотин-қизлари исмларида анча фаол ишлатилади. Ушбу унсурларнинг асосий хусусияти хотин-қизлар исмларини эркалар исмларидан фарқлашида кўринади.

Гулҳаё ПИРНАЗАРОВА

Yallachilik san'ati xususida



Ўзбек халқининг сермазmun ва ранг-баранг миллий кўшиқларида турфа мавзулар, жумладан, халқнинг эзгу истақлари, асрий орзу-умидлари ва ҳасрат-надоматлари бадий ифода қилинади. Шу ўринда олима Музайяна Алавиянинг кўшиқ тушунчасига берган таърифи эътиборлидир: “Халқ шеъриятининг лирик марваридлари бўлган кўшиқ шакли қисқа, образлари ёрқин, иборалари ўткир бўлади. Шунинг учун тез эсда қолиб, тез тарқалади. Енгил оммабop бўлган кўшиқларнинг яна бир хусусияти куй-оҳанг билан айтилишидир. Халқ кўшиқнинг куйланишинигина эмас, ўйин билан ижро этилишини ҳам истади”. Бу фикрлар кўшиқнинг яллачилик жанрига ҳам тегишли.

Яллалар банд ва нақаротдан ташкил топган шаклий тузилиши, нисбатан ривожланган куй-оҳанглари ҳамда ракс жўрлигида ижро этилиши билан кўшиқлардан фарқланади. Яллалар икки асосий кўринишда – яккахон ва ансамбл томонидан ижро этилади. Ижрода асосан доира, шунингдек, баъзан чолғу ансамбли жўрлиги қўлланилади.

Бунда банд ва ракс яккахон, нақаротлар эса жўровозлар томонидан ижро этилади. Шу тариқа яккахон билан жўровозлар навбатма-навбат куйлайдилар.

Яллачиликнинг Наманган анъанасида жорий бўлган катта турларида эса ўйинларни алоҳида раққоса ижро этади. Бу турдаги яллалар тўйларда, сайлларда, турли маросим ва шу каби оммавий тадбирларда куйланади.

Яллачи аёллар базм ва тўйларда иштирок этганларида икки-учта бўлиб юрадилар. Дастлаб бир маромда раvon характерларга асосланган “Келдим”, “Қизил гул”, “Зарпечак”, “Бозорга баққол” сингари катта яллалар айтилади. Сўнгра тезлашиб борувчи рақсбop яллалар: “Ўйнасин”, “Ўзи билса, билсин”, “Омон-ёр”, “Гўзаллар”, “Айланай”, “Йигит”, “Ўйна” кабилар бирин-кетин ижро этилади.

Ҳозирда Наманган шаҳрида фаолият юритиб келаётган “Ёр-ёр” ва “Дил наво” ансамбллари қадимий яллачилик анъаналарини давом эттириб, шу асосда янги-янги айтим намуналари (ялла, лапар, кўшиқ, ҳазил-мутойиба айтимлари) билан дастурларини бойитиб келмоқдалар.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни ҳам келтириб ўтиш ўринли. Масалан, Наманган вилоятининг айрим худудлари бўйлаб ўтказилган мусикий-фольклор экспедициялари жараёнида шу нарса маълум бўлдики, жойлардаги фольклор жамоалари ва яллачиларнинг аксарияти қадимий ялла ва лапарларни яхши билмайдилар. Шу боисдан хотираларида сақланиб қолган бир банднигина куйлайдилар, холос. Гоҳо билган куй-оҳанглирига янги шеър матнларини солиб ҳам айтадилар. Бунинг натижасида кейинги даврларда кўплаб яллаларнинг асл кўринишлари маълум ўзгаришларга учрамоқда.

Халқимизнинг ўтмиш ва бугунини ўзида бадий ифодалаган, миллий мусикий қадриятларни ўзига хос кўркемликда мужассам этган яллачилик санъати намуналарини сақлаб қолиш учун, авваламбор, вилоятнинг барча туман ва қишлоқлари мусикий фольклорини атрофлича ўрганиш, маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган урф-одат ва анъаналар ҳақида батафсил маълумотларни жамлаш ҳамда уларни назарий таҳлилдан ўтказиш лозим. Назаримизда, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун мунтазам равишда кенг миқёсда (шаҳар, вилоят, республика) яллачиларнинг кўрик-танлов ва фестивалларини ўтказиш, ғолиб-ижрочилар санъатини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Насиба ТУРҒУНОВА,
тадқиқотчи

Кўшиқчи укам, Жасур! Мени маъзур тутасиз, нимагадир кейинги пайт мақолаларимга сизнинг кўшиқларингиз сарлавҳа бўлиб қоляпти. “Жумагул” кўшиғингиз эфирлардан хиргойиларга, ундан ҳар хил муносабатларга кўчди. Мен ёшлар тарбиясидаги хавотирли жиҳатлар ҳақида мақола ёзмоқчи бўлиб юрганимда шу кўшиғингизга ишланган клип мазмуни ниятимни жадаллаштириб юборди. Пичокни ўзинга ур, деб аввал қизларимиз ҳақида ёздим. Йигитларимиз ҳақида ҳам ёзмоқчи бўлиб турганимда “Дардим эшит, дардим, оғалар” деган кўшиғингизни айтибсиз. Кўшиғингизнинг мазмунига унчалик тушунмадим-ку, чақириғини “ўғирлаб” олдим. Мана, йигитлар тарбияси, ўзини тутиши, юриш-туриши ҳақидаги мақоламга яна мавзу топиб бердингиз.

Мен йигит сўзини паноҳ, тоғ, ишонса, суянса бўладиган қавм деб биламан. Ўғлимда, ўзбек йигитларида етук, оиласининг, керак бўлганда юртнинг шаънини химоя қила оладиган комилликни кўргим келади.

Бу гапларни нега айтаяпман? Қадди баланд, қадри баланд зотга биз Ҳаввонинг қизлари эргашгимиз, суянгимиз келади. Аслида шундай яратилганмиз ҳам. Бизни суягучи тоғлар бўлмаса, киммиз? Қачонлардир кўрганим бир кўрғазмада нотаниш рассомнинг иши хотирамда муҳрланиб қолган. Суратда бир одам аёлини ёмғирли кунда соябон тагида олиб кетаяпти. Соябон тагидаги аёлнинг эркин ҳаракати, бахтли киёфаси билиниб турибди. Уларнинг ортида ёлғиз аёл соябон тагида кетаяпти. Унинг узун кўйлақларини шамол торткилаётгани, соябони ёмғирнинг мўллигидан эгилиб тургани чиройли акс эттирилган эди. Аслидаям, паноҳи бор аёл бахтиёр. Паноҳи бор аёлни шамол ҳам, бўрон ҳам четлаб ўтади. Мана, нима учун биз эркак зотига – оталаримиз, акаларимиз, бош эгаларимиз, ўғилларимизга юкунамиз. Биз, бугуннинг аёллари эркаклар билан елкама-елка туриб, жамиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораяпмиз. Бу миннат эмас. Азборойи ёнингизда борлигимизни, сизга ҳамқадаму ҳамфикрлигимизни айтиш, холос.

Биз эркак зотини ҳар ишга қодир, эртақлардаги пахлавонлар каби аҳлини, оиласини, Ватанини асраш учун жонинида фидо қила оладиган одамлар, деб биламиз. Уларга шу нуқтаи назардан туриб қараймиз.

Жасурбек! Бу гапларни айтаётганимнинг боисини, кўшиғингизнинг йомини сарлавҳага олиб чиққаним сабабини айтишга энди гал келди. Ҳар куни ишга келишда марказий ерости йўлакларидан ўтаман. Бир гал пастки зиналарга яқинлашарканман, 18-20 ёшлардаги бир **йигит** менда гапи бордек, нимадир сўрамоқчидек бўлиб келаверди. Унга сари борар эканман, ўта “замонавий” кийими диққатимни тортди. Эгнида олабўжининг сурати туширилган енгсиз футболка ҳамда калта, гулдор иштон, оёғида ёзлик шиппак, кўлида телефонми, кичкина радиомми, билмадим, унинг арқони қулоқларидалиги ёдимда. Мендан соатми, бирор жойнинг манзилиними

сўрар, деб ўйлагандим. Битта қулоқчинини олиб, Чирчиккача етиб олишга пул сўради! Мен ҳам асл максадни билиш учун “Юр, Чирчикнинг мошинасига ўтказиб юбораман”, дедим. У эса астойдил жаҳл қилиб, мендан пул талаб қилди. Хайрни насиё қилиб, ишга жўнадим. Уни яна бир-икки марта кўрдим. Бир гал “Ҳамон Чирчикқа ета олмадингизми?” деб сўраб ҳам кўйдим. Унинг йигит ғурури билан ошкор тиланчилик қилганидан ҳам, кийиниши ғашимни келтирди. Ахир, гулдор кийимни аёллар киймасмиди! Олабўжи, бош суяги, ваҳший хайвонларнинг ўқираётгани сингари суратли кийимлар ҳам йигит ҳуснига қандай зеб? Улардаги ёзувлар ҳам алламбало: “Killer”, “USA”, “Bars”. “Holland”...

Биз йигитларимиздан Ватан химоячилари, эртамиз эгаларини кутаяпмиз. Улар кийимларида акс этган сўзларнинг тарғиботчилари, қолаверса, шинавандасига айланиб қолмайдими? Энг ёмони, бунақа кийимлар тез оммалашади. Безорироқ кўриниш берадиган кийимларнинг бозори чакқон. Тўғри, бунда кийимнинг нима аҳамияти бор, оилада, мактабда, ўқув юртларида яхши тарбия, билим олиб, исталган кийимни кийиб юрса бўлаверади, дегувчилар топилади. Ҳамма гап шунда. Яхши тарбия топганлар киймайди бу коржомасифатларни.

Муҳтарам, хонанда! Сиз бу гапларнинг менга нима

DARDIM ESHIT,

(yoxud o'g'il bola tarbiyasi bobidagi ayrim hadiklar)

алоқаси бор? Бу журналчи опа нимага менга осилиб олди, деяётгандирсиз. Ҳамма иш менга нима аҳамияти бор, деган лоқайдликдан бошланади. Ўйлаб кўринг, инсон атрофдаги касалликларни юктирмаслиги учун олдиндан эмланади. Бу эмлаш шу касалликка қарши иммунитетни кучайтиради. Масалан, қизамиққа қарши эмланган бола қизамиққа чалинмайди. Унинг асоратлари билан қийналиб юрмайди. Энди жамиятни яхлит организм деб тасаввур қилинг, уни касалликлардан қандай асраш лозим? Жамиятда касаллик нима қилсин, деган ҳақли савол туғилади. Жамият ҳам бепарволик туфайли касаллиниши мумкин. Касалликларни санаб берайми? ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдоси сингари вируслар кириб келгани барчамизга аён-ку. Ярани даволашда илдизи қуритилади. Мана шу каби барча касалликларнинг илдизи “оммавий маданият” эмасми? Шу касалликларка қарши Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарлари даволовчи восита эмасмиди? Жасурбек, келинг, сиз ўз соҳангизда, биз ўз соҳамизда, ҳамма ўз иш жойида, ўқишида мана шундай маънавиятимизни юксалтирувчи воситаларни тарғиб қилайлик. Атрофимиздагиларни билиб-билмай қилаётган маънавиятимизга зид ишларидан қайтарайлик.

Шу юртнинг, шу заминнинг фуқароси сифатида бунга ҳақимиз бор.

Ориятли, ҳамиятли йигитларга барчамиз ҳавас қиламиз. Белида белбоғи бор, деган ўзбекона гап ўша биз айтаётган ор, ғурур, ҳамият, шаън сўзларини ўзида мужассам этади. Биз ўзбек йигити деганда, умуман, эр киши ҳақида гап кетганда мана шу ор, ғурур сингари жиҳатларни ўзида жо қилган одамни тасаввур қиламиз. Шунингдек, ўқтам, тартибли, тоза ва кўркем кўринишли одамларни ҳам ўзимиз айтган йигит деган қаторга қўшамиз. Булардан бири ошиб, бири камайиб кетиши меъёрни бузади. Масалан, кўркем кўриниш йигит киши учун яхши. Жуда кўркемли олифталик, ундан ошиб кетгани...

Бир куни қизлар йигитлар учун ҳам махсус пардоз ашёлари борлиги ҳақида гапиришди. Бу ашёларни ўзимча тасаввур қилдим: устара, бирор хил атир, тарок... Лекин қизларнинг сўзларини эшитиб, ҳайрон қолдим. Рангсиз лак, соч учун гел... Майлида дедим, ҳозир саҳналарга чиқадиган, эл кўзига кўринган йигитлар кўп. Уларга кунда, кунора бу ашёлар керак бўлиши мумкин.

Бироқ одатий кунларда, кўча-кўйда ясан-тусанни кун тартибига айлантириб олган йигитларга кўп бор кўзим тушади. Ҳар кунлик ўқишига ёки ишига тирноқча пардозлаб бориш шартми? Майли, йигитнинг кўркли

йигитлар қиёфасига чизик тортиб кўяди. Энг ёмони, қайнотанинг ишлари юришмай қолавергач, қизга нисбатан ҳам муносабат ўзгараверади. Бу кинолардан, ҳикоялардан олинган гап эмас.

Жасурбек! Бу мақола орқали асл йигитлар, ўзбекнинг шонини кўтараётган ака-укаларимиз ҳақида атай тўхталмадим. Биз орзу қилган йигитлар йўқ эмас, бор. Улар бугун жамятнинг турли соҳаларида фидойий бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Бу фидойилар ҳақида қанча айтсак, кам. Унгача эса, келинг, кичик ва арзимас кўринган, бироқ жамятнинг, тараккиётнинг эртанги кунига раҳна солувчи иллатлардан кутулиб олайлик. Сиз ва бизнинг, барча элим деган инсонларнинг муштарак мақсадлари жамланиб, буюк келажак учун хизмат қилсин. Ўзбек йигити деганда зирак тақиб, сочини ўстириб, тирноғини бўятиб юрган оммавий маданият қурбонини тушунмаймиз-ку, ахир. Ўзбек деганда беклар тушунилади. Ҳали бизнинг йигитлар энг камида бек бўлади. Юртнинг шонини кўтаради. Мен бунга ишонаман. Шоир айтганидай, бир йигитлар туғилсинки, бир йигитлар...

Куюнчак она

DARDIM, OG'ALAR...

бўлгани яхши. Бироқ, йигитлик сифатларини ёпиб кетадиган, қиз болага ўхшатиб кўядиган кўрк нима керак? Улардан нима кутамиз, билмайман. Кўчага қандай чиқиш, нима кийиш ҳар бир одамнинг ўта шахсий иши. Бировга ақл бўлиб кийим кийдириб бўлмайди.

Биз эркак киши деганда паноҳ бўлгучи, асрагучи мард ва жасур қавми ҳис қиламиз. Бизнинг паноҳ бўлгучиларимиз тирноғини аралатиб, бўятиб, “пуп-пуп”лаб авайлаб турса. Сочларини икки томондан ўртага йиғиб келиб, иягига бир нуқта соқол қўйиб, қулоғига зирак тақиб олиб кўчанинг кўркига айланиб юрса. Тўғри, кўчанинг кўрки бўлишдан ташқари ҳам жуда кўп ишларни зиммасига олишгандир бу йигитлар. Бироқ ёмон томони – тезда уларнинг шотирлари кўпаяди. Ёшларни атрофига тўплайди бу “кўркемлик”.

Мавзу давомида йигит шахси ҳақида, йигит қиёфасида қимларни кўришимиз ҳақида кўп тўхталдим. Бир куни фалончи йигит эпчил экан, фалон одамнинг қизига уйланиб олди, деган мазмунда бир гап эшитдим. Қайнотанинг ҳисобига кун кўришни мақсад қилган, қизнинг оқиллиги, саранжом-сарихталигидан кўра отасининг қимлиги, қўли қаерларга ета олиши, қизнинг ордидан келадиган мол-матохлар кўпроқ қизиқтирадиган ёшларнинг оз бўлса-да, мавжудлиги биз орзу қиладиган



Yo'llarda o'zaro xushmuomala bo'laylik

– Хўв, кўзингга қарасанг ўласанми? Қаёкка, чикиб келаяпсан?

– Кимга бақираяпсан, ўзинг кўзингга қара. Ол, шалдиروق аравангни!

– Ўзинг ол, йўл меники.

Бу каби на ўзбекчиликка, на одамгарчиликка тўғри келадиган нохуш сўзлар билан бир-бирларини аямасдан сийлаётган ҳайдовчиларни сиз ҳам кундалик турмушда кўрган бўлсангиз керак. Кўрганингиз аниқ. Мен бундай ҳолатларни ҳар куни бўлмаса ҳам, кун ора кўриб, гувоҳи бўлиб тураман. Баъзида уларнинг ўртасига тушиб келиштирокчи бўлсангиз, баттар жазавага тушиб бир-бирларини ҳақоратлай бошлашади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ходими сифатида йўлларимизда учраб турадиган бундай ҳолатларни кўриб, баъзан ўйлаб қоламан. Нима учун айрим ҳайдовчи ва пиёдалар бир-бирлари билан ўзаро муносабатларда ҳурмат-эътибор, хушмуомалалик тушунчаларини унутиб қўйишмоқда. Бундай ҳолат, айниқса, тирбандликлар юзага келган вақтларда чорраҳаларда, пиёдалар ўтиш жойларида тез-тез кузатилади. Айрим шошқалок ҳайдовчилар светафорнинг яшил чироғи ёниб улгурмасдан тўхтовсиз сигнал чала бошлашади. Баъзилари эса ойнадан бошларини чиқариб, “э, юрмайсанми, ё ухлаб қолдингми?” деб олдиндаги ҳайдовчига дўк уришади. Бундай ҳолатда олдиндаги транспорт воситасининг ҳайдовчиси индамасдан кетса, хўп. Агар у ҳам жиззакирок бўлса, гапирган одамга ўзига ўхшаб жавоб кайтаради. Ўртада низо келиб чиқади. Ҳозиргина шошиб турган ва олдиндаги транспортга сигнал бераётган ҳайдовчи энди уни қувиб ўтиб, муносабатларга ойдинлик киритмоқчи бўлади. Униси ҳам бир гапдан қолай, демайди. Ҳаттоки, иккаласи машинасини йўл четига тўхташиб олиб, даҳанаки жангни ҳам бошлаб юборади. Атрофдагилар эса бунга бепарво.

Яқинда пиёдалар ўтиш жойида шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. “Нексия” автомобили ҳайдовчиси пиёдаларнинг ўтиб бўлишини кутмасдан, машинасини пиёдалар ўтишини белгилаб берувчи йўл чизиғи ўртасига тўхтади. Бу вақтда ёши каттарок бир одам йўлни кесиб ўтаётган эди. У машина йўл чизиғи устига чикиб кетганини кўриб, жойида тўхтаб қолди. Ҳайдовчи эса тезроқ ўт, дегандай кетма-кет сигнал чала бошлади. Йўлни кесиб ўтаётган кекса одам ҳайдовчига қараб нимадир деди. Ҳайдовчи эса ойнадан бошини чиқариб жаҳл билан, қўлини силтаб пиёдага бақирди. Сал нарида уларни кузатиб турган ЙПХ ходими “Нексия” ҳайдовчисига тўхташ ишорасини берди. Ёши катта одамни ҳам олдига чақирди. Мен ҳам улар турган жойга яқин тўхтадим.

– Ҳурматли ҳайдовчи, сиз пиёдаларнинг йўлдан ўтишига ҳалакит бердингиз, – деди ЙПХ инспектори ўзини таништирар экан. – Йўлда юрганда шошилиш керак эмас. Сиз мана бу чизиққа етмасдан тўхташингиз, пиёда йўлдан ўтгач, ҳаракатни давом эттиришингиз керак. Хужжатларингизни тақдим этсангиз!

– Нимага хужжатимни берарканман, – деди ҳайдовчи қўполлик қилиб. – Мен қондани бузганим йўқ-ку.

– Қанақа ҳолатда, қаерга тўхтаганингизни ўзингиз ҳам яхши билиб турибсиз. Бу ҳаракатланишга жиддий хавф туғдирди.

– Ўғлим, сал оғирроқ бўлинг, – деди кекса одам суҳбатга қўшилиб. – Ҳали ёш экансиз, асаблар сизга кўп керак бўлади.

– Э, сиз аралашманг, қария, ҳаммаси сизни деб бўлди. – деди у хужжатларини ЙПХ инспекторига узатар экан. – Одамларга ҳам хайронсан, кексайганда жимгина уйда ўтиришса бўлмайди.

– Ёши катта одам билан бундай қўпол муомала қилиш яхши эмас, – танбех берган бўлди инспектор. – Отангиз тенги одам-а.

– Э, қўйинг, командир, насиҳат қилманг. Хужжатларимни кўриб бўлдингизми, нима гапингиз бор?

– Сизга нисбатан маъмурий баён-нома расмийлаштираман. Сиз “Йўл ҳаракати қондалари” талабларини буздингиз.

– Қанақасига бузаман, мен машинани тўхтадим-ку?

– Сиз пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган чизиқ устида тўхтадингиз ва бу ҳаракатингиз билан пиёдалар хавфсизлигига раҳна солдингиз. Бундай чизиқлар устида тўхташ эса таъқиқланади.

Хуллас, ҳайдовчига нисбатан тегишли чора кўрилди. Суҳбатнинг давомини айтиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Аммо бу суҳбат матни ва оҳанги муҳокама қилишга, фикр юритишга асос бўла олади, деб ўйлайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бундай муомала кимга ёқади. Ёши ўтиб қолган бўлса-да, турмуш ташвишлари билан юрган ўша кекса одамгами? Ёки бировга тилини бермай бидирлаётган ёш йигитгами? Эътибор берган бўлсангиз, ЙПХ ходими уни тартибга чақирганида йигитнинг жаҳли чикиб кетди. Лекин ўзи қўполлик билан бошқа бир одамга зуғум қилаётганлигини ўйлаб ҳам кўрмади. Келинг, шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Айтайликки, бошқа бир йўлда, бошқа бир ҳайдовчи шу йигитнинг йўлни кесиб ўтаётган отасига шундай муомала қилса, йигит нима қилган бўларди? Ўша ҳайдовчига қўшилиб, отасига ҳозиргидек танбех берармиди? Менимча, йўқ.

Бу масаланинг бир томони. Энди унинг иккинчи томонини ўйлаб кўрайлик. Дейликки, шундай жанжалдан кейин ҳар икки томоннинг ҳам асаблари таранглашиб, жаҳл отига минади. Жаҳл билан, асабий ҳолда транспорт бошқарганда эса эҳтиёткорлик унутилади. Бундай ҳолатда ҳайдовчи бирор-бир кўнгилсизликка учрамайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Демак, асаб-бузарлик устига яна бир кўнгилхиралик

келиб қўшилади. Энди ўша ҳайдовчига қўшилиб ён-атрофдагиларнинг ҳам асаблари бузила бошлайди.

Энди масаланинг учинчи томонини кўриб чиқайлик. Кўчадаги дилхираликдан кейин уйига борган ҳайдовчи унга пешвоз чиққан фарзандларига ҳам, умр йўлдошига ҳам бирор-бир ножўя гапни айтиб юборади. Энди уйдагиларнинг дили хуфтон. Кун бўйи уни интизорлик билан кутганларнинг қувончлари бутлутдек таркаб кетади. Бундай ҳолатни занжир реакциясига қиёслаш мумкин.

Қани бу ерда бизнинг ўзбекона одоб-ахлоқимиз? Қани ота-боболаримиз бутун дунёга дастуриламал қилган маданиятимиз? Қаерга йўқолди улар, ким йўқотаяпти уларни?

Бу саволларга жавоб топиш учун озгина мушоҳада қилиб кўрсак, айбни бошқалардан, ташқаридан эмас, балки айнан ўзимиздан, ичимиздан кидиришимиз лозимлиги аён бўлади. Замонавийлашамиз дея, кўр-кўрона ғарб маданиятига таклид қилиш, ёшлар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш бизнинг ўзбекона тақаллуфимизга ҳам, кийиниш, юриш-туриш маданиятимизга ҳам жиддий зарар етказмоқда. Бу ўринда яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, муомала маданиятининг йўқолиб бораётганлигига экранларимиздан тушмаётган ўта савиясиз, бизнинг урф-одатларимизга, миллий кадрятларимизга мутлако тўғри келмайдиган турли хил фильмларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ёшларимиз китоб ўқиш ўрнига компьютер ўйинларига ихлос қилишяпти. Бу ўйинлар эса фақат уришни, одам ўлдиришни, зўравонликни тарғиб этапти. Биз, катталар шуни билсак-да, фарзандларимизнинг бу қизиқишларига эътибор қаратмаяпмиз. Ушбу ҳолатни ёшликдаги ўйинқароқлик деб ўзимизни ҳам, фарзандларни ҳам ишонтираяпмиз. Натижа эса юқорида баён қилингани каби кўполлик ва дилхираликни келтириб чиқарапти. Бошқача айтганда, бу ҳолатлар катталарни ҳурмат қилмаслик, кўполлик ва энг ёмони, жиззақилик каби иллатлар илдизига сув қуймоқда.

Бугун бу иллатни таг-томири билан кўпориб ташлаш чорасини кўрмасак, эртага ҳар биримиз ундан озор чекишимиз тайин. Масаланинг ана шу томонини унутмаслик керак.

Мансуржон РИХСИЕВ

Beruniy – bilim timsoli

Оламда ҳеч нимарса илмдан яхшироқ эмасдир.

Ғазолий

Инсон танаси учун жон қанчалик зарур бўлса, маънавий-рухий дунёмиз учун илм ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Илм инсон тафакқурига нур бахш этади. У шу нур орқали ҳақиқатни топади. Илмга ҳурмат, илмга талпиниш, илмли бўлиш ва унинг учун умрни бахшида этиш инсонга хос фазилат. Бизнинг юртимиз оламга донғи кетган олимлар, оқилу орифларга бешик бўлган замин. Аждодларимиз Маъмун академиясига, Мирзо Улуғбек расадхонасига, Бойсунгур санъат академияларига асос солганлар.

Шу маънода, жаҳон тамаддуни тарихида Хивадаги “Билимлар уйи”нинг алоҳида ўрни бор. Бу академия қисқа муддат фаолият кўрсатса-да, улкан ишларни амалга оширди. Ушбу илм даргоҳининг раҳбари бўлган ал-Берунийнинг ҳаёт йўли ҳар бир илмга талабгор инсон учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди.

Беруний қаерда бўлмасин, ўз давридаги барча илмларни ўрганди, комусий олимлик даражасига етди. Шарқшунос В. Крачковский “Берунийнинг шуғулланган фан соҳаларини санаб чиққандан кўра, у шуғулланмаган фан соҳаларини санаб чиқиш осонроқдир”, – деб ёзади.

Беруний ўн олти ёшида ўз давридаги табиий ва тарихий билимларни ўзлаштириб олади. Йигирма бир ёшида йирик астроном сифатида эътироф этилади. У академиялар тарихида энг ёш, яъни ўттиз икки ёшида Хоразмшоҳ Маъмун фармойиши билан тузилган “Билимлар уйи”га раҳбар этиб тайинланди. Шу билан биргаликда, шохнинг фан бўйича бош маслаҳатчиси вазифасини бажарган.

Беруний тил ўрганишга алоҳида иштиёқ билан ёндошган. У ёзади: “Ёшлигимданок табиатимда билим олишга иштиёқ ҳаддан ташқари зўр эди. Бунинг учун шу нарсани ҳикоя қилишим кифоя: юртимизга бир румлик келиб қолган эди. Мен унга ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар, ўсимликлар ва бошқа нарсаларни келтириб, унинг тилида (яъни юнон тилида) бу нарсалар қандай аталишини сўраб олардим”. Беруний ҳинд фани, маданиятини ўрганиш учун қадимги ҳинд-санскрит тилини ўрганади. Кейинчалик, бир қатор асарларни араб тилидан санскрит тилига таржима қилади. У Ғазнада араб, юнон, турк, форс, сурёний ва ҳинд тилларида комусий китоблар ёзади.

Берунийшунос Убайдулла Каримовнинг аниқлашича, Беруний биргина доричиликка оид “Сайдана” номли асарида дориларнинг номларини ўттиз бир тил ва лаҳжада келтиради. Бу эса унинг кўп тиллардан хабардор эканлигини кўрсатади.

Америкалик олим Саргон буюк ватандошимизни ўз даврида жаҳондаги энг доно мутафаккир, деб атайди. Беруний биз учун билим тимсолига айланган. Бобомиз ҳаёт йўли ва ўғитларига амал қилиш ҳар бир илм толибига жуда зарур, деб биламиз.

*Собиржон ИСМОИЛОВ,
Саида КАРИМОВА*

Муяссар ТИЛОВОВА



SO'NGGI KO'ZYOSHLAR

Бутун овул кўчиш тадоригида. Уйлар ёнида юк ортишга мўлжалланган хачир ва отлар сафланган. Шундок ҳам кўчманчи чўпонлар бу йил қор қўнгунча яйловда қолиб кетишди. Аёллар кўч-кўрон, бўғчаларини йиғиштириш билан овора бўлганида, эркаклар ёввойи ҳайвонлар кириб ичини ифлос қилмасин, деб пахса чайлаларининг эшик, деразаларини лой билан суваб-битаб ташлашади. Ишкилиб, келаси йил кўкламгача нурамасдан жойида турса бўлгани. Аммо бу чайлалар камдан-кам бешикаст қолади. Ҳеч бир тўсиксиз, бийдай ялангликда сўппайган уйлар изиллаган қор бўронларига ёки баҳорги жала, селларга дош беролмайди. Тоғларда ўт кўклаши билан яна мол-кўйини ҳайдаб қайтадиган чўпонлар харобалар ўрнида янгиларини тиклашади ва қишда қишлоққа энгунларигача ўша ерда яшашади. Уруш тугаган бўлишига қарамай, ҳаёт ҳали изига тушиб улгурмаган. Қанчалик оғир бўлмасин, одамларнинг шундан бўлак чораси йўқ. Ҳамманинг юмуши турлича, одатий ишларини билиб-билиб қилишади. Бирок барчанинг юзида қандайдир ташвиш, қандайдир хавотир. Нимадандир безовталаниб сой томонга қараб-қараб кўйишади.

Чорва сурувларининг олди аллақачон пастликка қараб энишган. Қолганлар оксоқолнинг қарорини кутишмоқда. Ҳақим тов эса жим. Унинг лақаби аслида «тоғ», одамлар «тов» деб кетишган. Ёши олтмишлардан ошган бўлса-да, ҳамон тетик, қарашлари ўткир, қомати чўққилардек тик оксоқол ҳалиям йигит каби навкирон. У музликлардан бошланиб, охири пастдаги дарёга бориб қуйиладиган сойга ўрнатилган осма кўприк устида қаққайган. Қимир этмайди. Ёзда шовиллаб, тўлиб оқадиган сой суви ҳозир анча тортилган. Бори ҳам баданни увиштирадиган даражада совуқ. Бироз вақт ўтгач оқишдан тўхтаб, бутунлай музлайди. То кейинги йил кўкламгача.

Чолнинг кўлидаги халтада туғилганига икки кун бўлиб,

кўзи ҳали очилмаган кучук болалари ғингшийди. Ҳақим товнинг халта тутган темирдек мустаҳкам панжалари титрайди. Кўприк бошида эса хўжайинига илтижоли тикилган Окюлдуз жовдирайди. Она итнинг озиб кетганидан, бунинг устига икки кун олдин бўшангани учун ҳолсиз гавдасининг хурпайган, хунук юнглари изғиринда пириллайди. Унинг эгасига қарши чиқишга на кучи, на хоҳиши бор. Чунки Ҳақим товнинг феълини ҳамма билади. У айтдими, тамом! Тўғри, буни ит тушунмаслиги мумкин, аммо ҳозир оксоқолнинг уйилган ковокларини, доимгидан кўра қорайиб, чуқурлашган ажинларини кўриб исён қилишнинг бефойда эканига ҳайвон ақли етиб турарди. Окюлдуз ёзда кўшни овулдаги бир итга илакишиб беш ойча йўқ бўлиб кетди. Сўнгра бирдан пайдо бўлиб қолган итни овул кучуклари тўдага қайтиб кўшишмади, бегонасирашди. Яккаланиб қолган Окюлдуз барибир кетмади. Кетолмасди. Чунки борадиган бошқа ери йўқ.

То кўзи ёригунча овул теварагида чўпон итлардан қолган қолдиқ суяк, овқатлар билан жон сақлади. У кундузлари ҳеч кимнинг кўзига кўринмас, пана-пастқамда соялаб, тунда ташқарига чиқарди. Лекин ойни этак билан ёпиб бўлармиди? Болалаганидан сўнг барчанинг назарига тушиб қолди. Бўлиб ўтган шармандалиқдан бошини кўтаролмай юрган Ҳақим тов эса бор аламини шу кучуклардан олди.

– Бегонанинг этагидан тутиб кетганининг холи шу, – дея пичирлади чол халтадаги итваччаларнинг бирини олиб сойга улоқтираркан. Бундай шармандалар ўз пуштингдан пайдо бўлишса, алам қилар экан одамга. Уларни на ўлдириб ташлай оласан, на кечира оласан. Уятсизлар.

Муздай сувга шалолаб тушган кучукча кўпикланиб оқаётган тўлқинлар юзида бир қалқди-да, сўнг кўринмай қолди. Оксоқолнинг кирғий кўзлари порлаб кетди. Уларнинг туб-тубида ғалаба, интиқом сурури билан бирга ожизлик, нафрат, бирозгина раҳм ҳам миттиларди. Чол ўз ишидан кўнгли тўлибми ёки бу ҳолга ортиқ бардош беролмаслигини билганиданми қолган икки ит боласини бирварақайига пастга улоқтирди-да нари кетди. Сувга қарагиси келмади. Орта, оқбошли тоғларга тикилди. Шундай қилса, бироз тинчланадигандай, кўксига гуриллаган аланга тафти босиладигандай туйилди.

Гўдақларини бамайлихотир сувга ташлаб ҳалок қилаётган эгасини кузатиб тураркан, Окюлдуз чидолмади. Тик қирғоқ бўйлаб югурди. Дунёни бошига кўтаргудек увлади. Ўзини болаларининг ортидан сувга отмоқчи ҳам бўлди, лекин аллақачон чўкиб улгурган гўдақларини сойнинг қаеридан излайди? Она ит саргардон, кўприкдан сакраб сойнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ўтиб югуради. Дуч келган нарсадан илинж ўтингандай мунгли ғингшийди. Баъзида нафрат тўла нигоҳлари ҳамон чўққилардан кўз узмай қаққайиб турган оксоқолга қадалади.

Унга ташланиб, парча-парча қилишга тайёр. Аммо бундан фақат ўзига жабр. Шўрлик она! Қўлидан ўзга нарса келмайди. Агар болаларининг тақдири шу тахлит тугашини аввалроқ билганида эди! Ўзи билан бирга нобуд қиларди. Оқиб кетган уч жигаридан лоқал биттасини бўлса-да қутқаролмагач, шундоққина сой лабида, чалиштирилган олдинги оёқларининг устига бошини қўйганча ҳолсиз ёнбошлади. Увлайвериб чарчаган, энди бутун борлик, тириклик, инсон зоти ва лаънати тақдирни унсиз қарғарди.

Ҳақим товнинг тўпланиб турган одамлар ёнига ўзидан билиб қайтгани яхши бўлди. Чунки ҳеч ким юрак ютиб ундан кетиш ҳақида сўролмаётганди.

– Бўлди, йўлга тушамиз, – деди чол ҳали нарсаларини охиригача йиғштириб улгурмай чайла ёнида куймаланаётган хотини томон юраркан.

Ҳамқишлоқлар йўлга тушишга сабри чидамай депсиниб турган отларига камчи босишди.

Хадича опа эрининг келаётганини кўриб кўзларини ерга қадади. Ҳақим товнинг «Барчин қани?» дея берган саволига нигоҳи билан имлаб чайла ёқни кўрсатди.

– Унга айт, Қора товни амаллаб айланиб ўтса, пастликка беш чақирим юрар-юрмас кишлоқ бошланади. Бугун тунни шу ерда ўтказиб, эртага сахарлаб отлансин йўлга. Кечаси тоққа совуқ тушади, бунинг устига жондорлар бор. Тонгни оттириб кейин юришни бошласин.

Бу гапдан Хадичанинг кўз косалари каттариб, тишлари тақиллаб кетди.

– Бир ўзини қолдириб кетамизми?

– Болам бўлгани учун сўйиб ташлашга қўлим бормади.

Тирик қолдираётганим учун раҳмат де ундан кўра, – деди Тов бир ҳаракат билан отининг устига кўнаркан. Сўнгра тўриғига аччиқ камчи босиб йўлга тушаётганларнинг олдига ўтиб кетди.

Хадича опа бўлса турган жойида қақшади. Бошқа нарса дейишга журъати етмади. Аслида эрининг Барчинни кечирмаслигини яхши биларди. Жаҳл устида кизини бир бало қилиб қўйишидан кўрқканди, яхшиямки, бундай бўлмади. Худо асради. Ахир битта-ю битта фарзанди кимсан оқсоқол Ҳақим товни бутун кишлоқда шарманда, бошини ҳам килди. Барчага сўзини ўтказиб, қариллаб юрган Тов энди нима деган одам бўлди? Тўрт кишига бош бўлиб, гапини ўтказмоқчи бўлса, одамлар устидан қулмайдами? Битта кизини йиғштиролмаган ношуд демайдами? Оқсоқолнинг сўзи синганидан кўра, ўзи ўлгани яхшироқ. Хадича эридан ҳар қандай жазони кутиш мумкинлигини билса-да, барибир хувиллаган тоғда кизининг битта ўзини қолдириб кетмоқчилигини эшитганида довдираб қолди. Яқинда кўзи ёриган Барчин зормандаси билан нима қилади? Бошини қайси тошга уради? Бу бемаврид туғилган бола ҳаммининг бошига битган бало бўлди. Ундан кўра ўлдириб қўя қолса яхшийди. Бироз қийналарди қутиларди. Бечора онанинг бир кўнгли кишлоққа қайтса, бир кўнгли тоғдаги кизи билан қоладиган бўлди.

Аёл қўлидаги ишини ташлаб чайлага кирди. Барчин отасининг гапини эшитган, шекилли, гўдагини маҳкам бағрига босганча изиллаб йиғлаб турган экан. Дарди

бўғзига келган она кизининг бу ҳолини кўриб баттар фиғони кўтарилди. Барчинга ташланиб, унинг елкаларига муштлай кетди.

– Нимага йиғлайсан, жувонмарг? Қилар ишни қилиб бўлдинг-ку. Энди ўзингдан хафа бўлмайсанми, ерюткур? Ўзинг-ку майли, бизниям кўмдинг, қора ер қилдинг. Бўйгинанг гўрда чирисин сени. Шу умид билан тукқанмидим?

Барчин юмдаланаётган сочларини зўрға онасининг чангалидан тортиб оларкан, ожизгина нола қилди.

– Энажон, ундай деманг...

– Эна деган тилларинг кесилгур, эна дема мени.

Хадича опа ерга чўккалади-да тиззаларига шапатилади. Аёлнинг юрагида дунёга сиғмас аламли кўзёшлар бор эди, бироқ одамлардан уялди, истиҳола қилди. Бунинг устига эрининг ўшқирган овози уни сергаклантирди.

– Хадича, чиқ, кетяпмиз.

Шоша-пиша кўзидаги ёшни кафти билан артиб, Барчиннинг қулоғига шивирлади.

– Қора тоғдан ўтганингдан кейин бироз пастлаб юрсанг, кишлоқ бор экан. Отанг билади, ўзи айтди. У сени ўша ёққа бориб жон саклашингни истаяпти. Бугун йўлга чиқма. Қоронғига коласан. Сахарлаб кет. Керакли нарсаларни ташлаяпман. Бир кунингга ярайди. Оч қолмайсан, фақат ўзингни асра, болам. Пешонада бўлса, яна дийдор кўришамиз.

Хадича опанинг қақалоққа қарагиси ҳам келмай, шарт бурилиб кетди. Аммо эшикка етганида тўхтади, шитоб билан ортига қайтиб, кизини маҳкам кучоқлади. Овозим баланд чиқмасин, деб тишини-тишига босди. Ичида йиғлади. Барчиннинг қайноқ вужудини оналик меҳри билан силади, эркалади. Қизидан ҳалиям худди туғилган пайтидагидек хуш бўй анқирди. Чорасиз она гўё қайтиб учрашмайдигандек тўйиб-тўйиб хидлади. Чанқоғини қондирди.

– Сени худога топширдим, болам. Қаерда бўлсаям омон бўл. Асра ўзингни. Сен билан жон деб қолардим, лекин отангни биласан-ку. Ғинг десам иккимизниям ўлдиради. Сени тирик қолдирганига шукур. Ҳар куни дуойи-жонингни қиламан.

Она-бола бир неча лахзагина бир-бирини кучиб туришди. Сўнг истамайгина айрилишди. Хадича отига миниб йўлга тушгач, бирор мартаям орқасига қарамади. Бошини тик кўтарганча, йўлдагилар қаторига қўшилди.

Барчин кишлоқдошлари жўнаб кетмагунча ташқарига чиқмади. Чайла ичидаги туйнуқдан термилиб, қон ютиб ўтирди. Аввалига қулоқларини қоматга келтирган лашлушларнинг тақир-туқири, мол-қўйларнинг овози тиниб қолгач эса чидолмади, ташқарига отилди. Кетаётганлар изидан югурди. «Тўхтанлар, шошманлар» дея бақирди. Лекин шунча шовкин ичида уни ким эшитиб, ким қайтарди? Қор тушиб шилталанган ерда югургани билан қаёққача борарди? Етиб олганидаям кизни ким қабул қилади? Ким Ҳақим товдай одамнинг юзидан ўтиб, у қаргаган кизга қўлини чўзади? Барчин асл ҳақиқат аччиқ эканини билса-да, ундан кўз юмаётганди. Бор кучи билан олдинга интиларди. Бу кимсасиз ерда бир ўзининг тирик қолиши ўлим билан баробар-ку. Нега отаси кизига шу қисматни

раво кўрди? Ахир фарзанд – ғурур, ор-номусдан устунрок турмайдими? Нахотки, ундан воз кечиш шунчалар осон бўлса! Бир пайтлар ёлғиз арзандасини ер-у кўкка ишонмай елкаларида кўтариб катта қилган тов, бугун унга қайрилиб қарагиси келмаса? Қиз югураётди бир неча бор йўлдаги тошларга мункиб, йикилиб ҳам тушди. Бироқ ўзини ўнглаб яна олдинга интилаверди. Юзига урилаётган қор учкунларини шўр кўзёшлар эритиб борарди. Тиззасига лой сачраган этакларини кўтариб чопганча тўхташни ҳаёлига келтирмайди. Бироқ кетаётганлар қуюқлашаётган туман ва қорда тобора кўринмай, йўқликка сингиб боради. Қиз ахирги ҳолдан тойди. Ёмғир сувидан тўпланган кўлмак ўртасида чўк тушиб ўтириб қолди, хўнграб йиғлаганча совуқдан кизарган бармоқларида лой чангаллади.

Бу пайтда Ҳаким тов бир маромда йўртаётган тўриғида тебраниб борар, чуқур ҳаёлга толганидан от каттиқрок ҳаракат қилса, эгардан учиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ҳозир оксоқолни ўзидан бошқа тушунмайди. У қанчалик қаҳри каттиқ бўлмасин, шунчалик кўнгилчан ҳам эди. Ичини олов бўлиб куйдираётган дардни бировга айтгиси, ёрилгиси келади, аммо одамлар нима дейди? Устидан қулмайдими? Тоғдай одамнинг қилчалик ҳоли қолмабди демайдими? «Яхшиям қор ёғаяпти, – дея ўйлади хўрсиниб. – Бўлмаса йиғлаётганимни бошқалар билиб қоларди». У қишлоқдошларини олдинга ундаш баҳонасида ортига қараб-қараб қўяди. Аммо бирор кишини кўзи илғай олса қани! Нигоҳлари кўришни истаган инсондан дарак йўқ. Ахир, қайданам дарак бўлсин! Уни ўзи қувиб солди, узини бурди-ку. Шундан сўнг ҳам нимадан умид қилияпти?

Барчин кўлмак устида қанча ўтирганини билмайди. Охири чайлада қолган гўдаги ёдига тушиб орқасига қайтди. Қаровсиз болакай биғиллаб йиғлар, совуқда музлаб қолай дебди. Барчин шоша-пиша уни кигизга ўради-да, ўчоққа ўт қалашга киришди. Яхшиям онаси қуруқ ўтин ташлаб кетган экан. Гуриллаб олов ёнғач, боласини қўлига олган аёл унга кўкрак тутди. Олов тўлғаниб ўрлаган сайин изғирин шашти пасая бошлади. Чирсиллаган гулхан ёруғида кизнинг юзи кизариб кўринади. Барчин бир ютоқиб эмаётган боласига, бир ловуллаб ёнаётган ўтга қарайди. Гўё бу оламда фақат боласи билан ёлғиз қолгандай ҳис этади ўзини. Энди қаерга боришади, қандай яшашади? Қондошлари қабул қилмаганда, етти ёт бегонага ким эшигини очаркан? Барчиннинг шуури тўла савол, бироқ барчаси жавобсиз. Ориқ елкаларини олам юки босган муштипар ҳеч нарсадан хабарсиз қорин ғамй билан овора гўдагига қараб синик жилмайди. «Пешонанг бунча шўр бўлмаса, болам. Бахтиқаро деб сенга ўхшаганларни айтишса керак-да. Туғилганингдан ким қувонди, фақат ташвиш, кулфат келтирдинг».

Худди онасининг гапига тушунгандек болакай гингший бошлади.

– Йўқ-йўқ йиғлама, жоним. Бунда сенинг заррача айбинг йўқ. Бари гуноҳ менда. Бевакт дунёга келтирганим учун қарғаяпсан-а? Қарға-қарға, бунга ҳақинг бор, болам. Бечорагинам, борлигингдан ҳатто отангинг хабари йўқ.

Сенга отанг ҳақида жон-жон деб гапириб берардим, лекин уни ўзим ҳам яхши танимаيمان. У ҳаётимда юлдуз каби ёниб ўчди. Қандай қутилмаганда пайдо бўлган эса, шундай изсиз ғойиб ҳам бўлди. Бироқ бир умр кўнглимдан ўчмайдиган бўлиб кетди. У мен билган одамлар ичида энг яхшиси, меҳрибони. Ҳеч кимга ўхшамасди, қандайдир бошқача. Эҳтимол, шунинг учун каттиқ боғланиб қолгандирман? Худо хоҳласа, катта бўлганимда унга ўхшайсан. Отанг бир куни қайтиб келганида сени кўрсатиб мақтанаман. Жуда хурсанд бўлиб кетса керак.

Барчин тўлиб сўзларкан ёш қалқиган қароқларини ўчоқдан узмасди. Юрагида ҳам ўчоқдаги каби гулхан ёнар, агар қаловини топса, бутун заминни куйдиришга тайёрдай кўринарди. Чақалоққа онасининг гаплари алла каби туйилиб кўзларини уйқу элита бошлаганини Барчин сезгани йўқ.

– Сен менинг энг тотли лаҳзаларим, ўзимни чин инсон, суюкли маъшуқа ҳис қилиб кечирган ширин дамларимнинг мевасисан. Фақат жуда эрта гуллаган дарахтнинг қорда қолиб кетган мевасисан, болам. Энди сени қандай асрайман? Қандай ҳимоя қиламан? Қаҳратонда пананг бўлолармиканман?

Алла айтай, саманим, алла,
Менинг гулим, чаманим, алла,
Толенинг қулиб порласин-о
Қалбга ботган аламин алла.

Ёз бўйи одам гавжум бўлиб, энди хувиллаб қолган кенг яйлов, қор қоплаган замин, мудраётган тошлар, ковоғи солиқ осмон, олови ўчман деётган ўчоқ аллага ҳалакит бермаслик учун сукут сақлашади. Улар чорасиз онанинг дардига мотам туггандай жим.

Куни билан тик оёқда туриб чарчаган Барчин мулғий бошлади. Бироқ унинг ухлашга ҳақи йўқ. Эрта тонггача хушёр туриши керак. Шу пайтгача киз қадрдон яйловларидан ҳеч ҳайиқмаган экан. Бугун ёлғиз қолгани учун биринчи марта кўрқди. Биринчи марта бегона ҳис қилди ўзини. Қош қорайиши олдидан олов ёқишни кўпайтирди. Бу ҳам иссиқ, ҳам ёввойи ҳайвонларни чўчитади. Худонинг марҳаматини қарангки, чақалоқ на совуқдан, на очликдан қийналгани йўқ. Мириқиб ухлаётди. Унинг ғуборсиз, беташвиш чехрасига боқаркан, Барчиннинг дилида умид учкунлай бошлади. Бутун вужудини қоплаган кўркув қаергадир чекинди. Бармоқларининг учгинаси билан фарзандининг юзини оҳиста силаб ўтирди.

Шу пайт ташқарида, чайланинг ёнгинасида, қорни ғирчиллатиб босган қандайдир ҳайвоннинг кадам товушлари эшитилди. Юраги борликни тўлдириб дуқурлаётган Барчиннинг бутун танаси қулоққа айланган. Ҳаёлига минг бир гумон келди. Чақалоғини маҳкам бағрига босиб, қўлига ўчоқнинг чала ёнган ўтинидан олди. Бир пайт ичкарига чақирилмаган меҳмон бош сукди. «Бўри» ўйлади аёл қалтираб. У олов ёруғида шундай кўринди. Жим туришни ҳам, ҳайдаб юборишни ҳам билмай қолган Барчин яхшилаб разм солди, ҳайрият бўри эмас, ўзининг Оқюлдузи экан. Кўрққанидан бўрига ўхшатибди.

– Сенмидинг, Оқюлдуз?! Мен эсам тамом бўлдим деб ўйлабман.

Ит жимгина ўчоқ ёнидаги бўш жойни эгаллади. Унинг

совукда силласи қуригани кўриниб турарди.

– Сен ҳам бошқалар билан кетгансан дегандим, – деди итга худди яқин дўстини учратган одамдек қувонган қиз. – Яхшиям қолибсан. Бир ўзим нима қилишни билмаётгандим. Энди кўркмайман, ахир учтамыз. Сахарлаб йўлга тушамизда, кечга қолмасдан қишлоққа етиб оламиз. У ердаям яхши одамлар бордир, кўчага қувиб солишмас. Яхши ният қилиб турайлик-чи. Энди эса ухлаймиз. Эртага олдимизда машаққатли йўл турибди, кўп куч тўплашимиз керак.

Боягина кўрканидан ухлолмаган аёл, энди анча хотиржам тортиб чақалоғининг ёнига ёнбошлади.

Барчин кўп ухлолмади. Сахарлаб йўлга тушишни уйқусида ҳам ўйлаб ётгани учун бирозгина мизғигач, уйғонди. Гулхан ўчган, бироқ чўғнинг иссиқ ховури кетмаган экан. Чақалоғи ва Оқюлдуз уйғониб кетмасин, деб оёқ учида юриб ташқарига чиқди. Туни бўйи гупиллаб ёккан қор аллақачон тиззабўйи бўлибди-ю, тўхтайд демасди. Борлик оқ кўрпага ўранган, бунинг устига катта-катта ёғаётган қор туфайли олисни кўриб бўлмайди. У харсанглари сўппайиб турган Қоратоғ томон тикилиб тураркан, хаёлан йўлни чамалади. Сўнгра ичкарига қайтиб кирди-да, тугунига энг керакли нарсаларини солди.

– Йўлга тушадиган пайт бўлди, Оқюлдуз, – деди у кучугига. – Атрофни қалин қор қоплабди, бироз қийналамиз, лекин кечгача амаллашимиз керак.

Барчин онаси устига пўстак бостириб, яшириб кетган озгина егуликнинг бир қисмини ўзи еди, қолганини қувват бўлсин, деб итига тутди. Йўлда имкони бўладими йўқми, чақалоғини тўйгунча эмизди. Туғилганига бир ҳафтадан ошган бўлса-да, ҳали исм қўйилмаган болақайни музлаб қолмаслиги учун яхшилаб ўраб-чирмади. Аммо бундай қорли, музлаган сўқмоқлардан кўтариб ўтиш ноқулай бўлганидан тугунидаги нарсаларнинг баъзиларини қолдиришга мажбур бўлди. Фақатгина эғнидаги қалин кийимлар ва боласини ўраган кигизга тегмади, холос.

Ҳали тонг ёришмаган. Бироқ қорнинг ойдини ургани учун атрофни кўрса бўлади. Аёл юраги дов бермайгина йўлга тушди. Ит эса она ва боланинг ортидан эргашди. Қалин қорда қадам ташлашнинг оғирлиги бошида билинмаганди. Аммо ҳали узок юриб улгурмасларидан Барчин чарчай бошлади. Қадам ташлаши оғирлашди, нафаси бўғзига келди. Аммо унинг тўхташга ҳақи йўқ, кеч тушгунча Қоратоғни айланиб ўтиши шарт. Агар қоронғида тоғда қолиб кетса нима бўлади? Шу саволни ўзига бериши билан юрагига кўркув оралади. Илдамрок ҳаракат қилишга ошиқди. Яхшиям чақалоғи йиғлоқи эмас, ҳар-ҳар замон онасининг оёғи тошга қоқилиб, силкинганида уйғониб кетишини айтмаса, фақат ухлайди. Барчин бора-бора ҳам ҳолсизликдан, ҳам кўп ҳаракат қилганидан терлай бошлади. Қалин жун рўмолининг устини қор қоплаган, чаккаларидан эса тер сиркирарди. Бутун бадани кизиб кетгач, чидалмади. Устидаги пўстинни ечди. Иссиқ вужуди совуқ шамол урилиши билан сесканди, бироз енгиллашгандай ҳис қилди ўзини. Юриш қийин бўлмасин, деб пўстинни кўлига олмади, ўша ерда қолдирди. Нима бўлса бўлсин, аммо тезроқ юриши, тезроқ қишлоққа етиши керак. Анча

юргач, ортига ўтирилди. Бироз аввал чайласининг қорайиб кўриниб турган эшиги кўздан йўқолибди. “Бу ёғи оз қолди, болажоним. Чида. Қишлоққа етамиз хозир”, деди ўзига, ёнидагиларга таскин берган бўлиб.

Она ўзини чалғитиш учун гоҳ боласига, гоҳ итига гап қотади. Лекин уларнинг иккисидан ҳам жавоб ололмади. Яна юришда давом этади. Бир муддат тин олмай, нафас ростламай юради. Тўхтаб дам олишни хаёлига келтиргани йўқ. Аммо негадир йўлнинг охири кўринмасди. Аввалига эътибор бермаган Барчин энди кўрқа бошлади. Чунки ҳамон қор элашдан тўхтамаётган осмон қорайиб келарди. Оч-наҳор, силласи қуриган аёл тўхтаб атрофга разм солди. Тўрт томон ҳам бир хил. Ҳар-ҳар ерда сўппайган катта харсанглар ва охири кўринмайдиган қорли замин. Бунинг устига аллақачон излари бекилиб кетган. Асли қаердан келди, қай томон юриши керак, билиб бўлмасди. Зум ўтмасдан, қуюқ қоронғилик чўқди. Гўдак очикканидан йиғлай бошлади. Уни эмизиш учун тўхтаган Барчин пўстинини ташлаб кетганига афсусланди, чунки совуқкота бошлаганди.

– Энди нима қиламиз, Оқюлдуз? Биз йўлдан адашиб кетдик. Энди қандай қилиб қишлоқни топамиз? Ёки шу тоғларда ўлиб кетамизми?

Дардини эшитишга шу итдан бошқа биров йўқлигидан аёлни боттар хўрлиги келди. Оқюлдуз бўлса бепарво. Ўзи йиғлаб, ўзи овунаётган эгасига ҳайрон тикилади.

– Ҳайвон ақлинг нимагаям етарди? Келиб-келиб сендан маслаҳат сўраган мен аҳмоқман. Нима қилишни биламан. Совуқдан музлаб қолмаслик учун фақат юрамиз. Қаерғалигини билмайман, лекин ҳаракат қилиш керак. Мен тақдирга осонликча тан берадиганлардан эмасман. Юравераман-юравераман. Керак бўлса, бутун ерни айланиб чиқаман. Ўшанда албатта, бирорта одам яшайдиган жой топилади. Мана, кўрасан.

Барчин боласини эмизиб бўлиб, ўрнидан турди. Қалин латта-путталарга ўраб чирмалган чақалоқни бағрига маҳкам босди-да, номаълум томонга қараб кетди. Аммо ўн қадам ҳам юрмасдан тўхтади. Чунки қулоқларига ёввойи йирткичларнинг овози чалинганди. Оёқ-қўли қалтираб боя дам олган харсанг панасига қайтди.

– Йўқ, тонг отганидан кейин юрамиз. Агар музлаб қолмасак, тонггача етсак, албатта.

Аёл шундай дея йиғлаб юборди. Атрофидаги воқеаларни бепарво кузатиб турган Оқюлдуз бироздан кейин боласини маҳкам бағрига босиб катта харсангнинг зах ковагида орқасини тошга бериб ўтирган эгасининг ёнига борди. Унга маҳкам тикилиб олди. Туни билан шу тахлит ўтириб кўзи илинган онани тонгга бориб боласининг йиғиси уйғотди. Яхшиям ёнида ити бор экан, шунинг учун музлаб қолмабди. Тонг ёришган, бироқ ҳамон бўралаб қор ёғарди.

– Худога шукур, – деди Барчин боласини эмизишга киришаётиб. – Кеча бизни бало-қазолардан ўзи асради. Унинг бизга раҳми келди. Бу ҳаммаси сенинг шарофатинг билан, болажоним. Эгам – раҳмдил. У ожиз бандаларини хўрлатиб қўймайди. Тезроқ эмақол. Бутун нима қилсак ҳам қишлоқни топишимиз зарур.

Барчин беш дақиқа ўтар-ўтмас гўдагини эмизишдан тўхтади. Аммо қорни тўймаган болақайнинг кўкрақдан

(Давоми 26-27 саҳифаларда)

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан спортга эътибор мамлакат тараққиётига эътибор билан бир қаторда бўлди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, спортга ихтисослашган мактаблар, ўқув юртлари, спорт мажмуалари, стадионлар қурилди, мавжудлари таъмирланди. Мамлакатимиз нуфузли спорт анжуманларига мезбонлик қилмоқда. Чекка қишлоқларда ҳам спорт билан шуғулланиш учун тўлиқ имкониятлар яратилди. Амалий ишлар натижаси ўлароқ, бугун жаҳоннинг улкан майдонларида мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилиб, спортчиларимиз медаллар шодаси билан юртимизга қайтмоқда. Хусусан, хотин-қизларни спортга жалб қилиш борасида самарали ишлар қилинди. Спортда юқори натижаларга эришган қизлар юртимизда алоҳида эътибор билан рағбатлантирилмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофотига бу йил беш нафар спортчи қизлар сазовор бўлишди.

Матмуродова Ирода Бахтиёр қизи – Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультети 3-босқич талабаси.

Спортнинг дзю-до тури билан шуғулланади. 2012 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогида ғолиб бўлган.

Рашидова Шоҳиста Расул қизи – Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси.

Спортнинг бадий гимнастика тури билан шуғулланади. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда 1-ўринни кўлга киритган.

Суярова Комила Собировна – Самарқанд педагогика коллежининг 2-босқич ўқувчиси.

Спортнинг триатлон, дуатлон ва синхрон сузиш турлари билан шуғулланади.

2010-2012 йилларда дуатлон бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларида 1-ўринни эгаллаган.

НАФИСА МЎМИНОВА – ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ ОРАСИДА БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

Шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Нафиса Мўминова эндиликда халқаро гроссмейстер, деган юксак ном билан мусобақаларда дона суради.

Нафиса Мўминова учун 2013 йил омадли бошланди. Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) ўзбек қизига халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди. Нафиса Мўминова ўзбек хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб, халқаро гроссмейстер даражасига эришди.

Халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Президент Ислом Каримовнинг совғасига эга бўлди. Ўзбекистон шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Нафиса Мўминовага замонавий компьютер топширилди.



Халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова



Ирода Матмуродова



Шоҳиста Рашидова

Шайдуллаева Сарвиноз Жуманазаровна – Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси.

Спортнинг айкидо тури билан шуғулланади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси. 1-ДАН «қора белбоғ» соҳибаси.

Роҳатова Сабоҳат Умидбек қизи – Хоразм вилояти Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси.

Спортнинг шотакан каратэ-до тури билан шуғулланади.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси. 1-ДАН «қора белбоғ» соҳибаси.

2012 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро турнирда ғолиб бўлган.



Сабоҳат Роҳатова



Сарвиноз Шайдуллаева



Комила Суярова

SO'NGGI KO'ZYOSHLAR

айрилгиси келмай йиғларди.

– Бўлди, бўлди. Тўймаганиниги биламан. Қишлоққа етиб олайлик. Тўйгунингча сут эмасан.

Барчиннинг силласи куриганидан, қолаверса, очлигидан ўрндан тураётиб боши айланиб кетди. Сал бўлмаса йиқиларди. Бироқ ўзини тутди. Олдинга кадам ташлашга куч топди. Учовлон яна худога таваккал қилиб йўлга тушишди. Аммо иккинчи кун ҳам бесамар кетди. На тоғнинг охиридан, на қишлоқнинг бошидан дарак бўлди. Бунинг устига болакай тинимсиз йиғлар, эмизса ҳам овунамасди. Охири қоронғи тушгач, Барчин юришдан тўхтади, аламини кимдан оланини билмай тўйгунича хўнграб-хўнграб йиғлади. У чақалоғининг оғзига қуруқ кўкракларини тутаркан, иложсизлигидан, ожизлигидан тақдирини қойирди.

– Кўнақолсанг-чи. Сенга ҳозир овқатни қаердан топаман? Икки кундан бери туз тотмаган бўлсам, сут қаердан келади?

У гўдагига алла айтди, кўтариб эркалади. Аммо болакай тинчланишни хаёлига келтирмас, қайтага баттар биғиллаб йиғларди. Охири тақдирга тан берган она боланинг овозига парво қилмай қўйди. Чақалоқни ўз холига ташлаб, пана ердан ташқарига чиқди. Осмонга тикилди. Юлдузлар кўринмайди. Уларнинг ўрнига ҳам, оламдаги бошқа нарсаларнинг ўрнига ҳам фақат қор. Яхшики, ҳаво унчалик совук эмас. Шу тун панага қайтиб ўтмади, боласининг йиғисини эшитишга дош беролмасди. Киприкларига, кош мўйларига қор қўниб номаълум томонга, ададсиз дунёга тикилиб тураверди. Қанчалик кулгили туйилмасин, ўтган умрини, қувончли кунларини ёдга олиб жилмайди. Кўз



олдига бир умр севган, бир умр талпинган инсонининг сиймосини келтирди. Бўйи баланд, ўзи қорачадан келган, ўсик соч-соқоли хушбичим юзига ниҳоятда ярашган йигитнинг хатто бир оёғини оқсоқланиб босиши ҳам ўзига ярашарди. У Барчиннинг отаси билан узок суҳбатлашар, бошидан ўтказган қийинчиликлар, жанг майдонидаги дўстлари ҳақида тўлқинланиб гапирар ва чой келтирган кизга ҳар-ҳар замон ўғринча бўлса-да узок тикилиб қоларди. Бора-бора яширинча учрашадиган бўлишди. Ҳақим товдай одамдан кўркмай қизига кўнгил қўйган йигитдан Барчин доим хайратланар, қанчалик хайратлангани сайин шунчалик қаттиқроқ боғланиб борарди. Аммо бир куни тўсатдан у ғойиб бўлди. Қачон кетди, қаерга кетди, нима учун кетди ҳеч ким билгани йўқ. Лекин қиз юрагининг туб-тубида доим бир овоз нидо бериб турди: “У мени алдагани йўқ, чиндан севарди”...

Эртасига эса доимгидек олдинга шошилмади. Боши оққан ёққа қараб қоронғи тушгунича тентиради. Чарчаган болакайнинг эса йиғлашга ҳоли қолмаган, баъзи-баъзида ожизгина ингиллаб қўярди. Дунёга қўл силкиган она худди қар ва соқовдек лом-мим демайди. Қай томон кетаётганини ўйламай юраверади. Учинчи тун аввалгиларига қараганда тинч ўтди. На Барчин йиғлади, на чақалоқ биғиллади. Оқюлдуз доимгидек сукутда. Тўртинчи куни Барчиннинг юришга ҳоли ҳам, хохиши ҳам бўлмади. Қор ёғишдан тўхтаган, хатто тушга бориб кун милтиллаб кўрингандай бўлди. Аммо бу офтобнинг кимга кераги бор? На совук танни илитишга кучи етади, на қоринни тўйдирди. Қайтага шу ўлимтик милтираш бугун тунда аёз забтига олишидан, адашганларнинг эса толе битиги хиралашиб бораётганидан дарак берарди. Аёл панада ўлик каби қилт этмай ётган боласидан кўз узмай ўтиради.

Шу чокқача қор ёққани учун кун совуғи сезилмаётганди. Борлиқни тун чойшаби ўрагач, Барчиннинг тишлари тақиллай бошлади. Чақалоқ эса деярли музлаб қолганди. Она ўзининг ҳам, боласининг ҳам қисмати тайин эканини ҳис этиб турар, лекин бўйсунганини, тақдирнинг адолатсиз ҳукмига итоат этишни истамасди. Қанийди ўрангани пўстак, тотинишга бир парча эт бўлса! Одам минг йил худодан ўзига ўлим тилагани билан, Азроил ёнига келса, ўлишни истамай қоларкан.

“Шунчаки ўлиб кетавераманми? – дея йиғламсиради Барчин бир боласига, бир ёнида ўзига ўхшаб ҳолсиз ётган итига қараб. – Қандайдир йўли бўлиши керак-ку. Ўлим доим охири чора, лекин унғача қурашиш керак. Мени олдинда нималар қутаётганини билмайман. Балким яхши кунлардир, балким ёмон. Майли, нима бўлсаям яшашим керак. Истамайман ўлишни”.

Барчин худди яратган тепасида туриб унинг таъналарини эшитаётгандай бақирар, тараshadeк мушти билан ёнидаги харсангларга мушларди. Аммо ожиз банданинг чора топишга, лоқал қаттиқроқ йиғлашга мадори келса қани? Ҳансираганча тақир тош устига чўзилди. Негадир тани совуқни ҳам, очликни ҳам ҳис қилмай қўйганди. Бемаъно боқаётган кўзлари билан атрофга аланглади. Ости, тепаси, ён-вери тўла тош, фақатгина бир томондан, изиллаб совук

кираётган ковак оғзидан қоронғи тун мўралайди, холос. Лекин буларнинг ҳеч биридан наф йўқ. Одамнинг тиригида қилт этишмаган, ўлганидан сўнг ҳам шу тахлит сўппайиб тураверишади. Гўё тирик жон ўткинчи-ю, ўзлари боқийдек.

Аммо одам тушунарсиз, сирларга тўла, англаш қийин бўлган мавжудот. Инсоннинг яширин қирралари, юрагида ухлаб ётган жасорат кўпинча иложсиз дамларда ўзини намоеън қилади.

Барчин жон талвасасида ўйлаб-ўйлаб чора топгандай бўлди. Харсангнинг зах ковагини пайпаслаб қирралари ўткир бир нечта тош бўлагини ўпира бошлади. Очликнинг зўридан бармоқларининг шилиниб, қонталаш бўлиб кетганини ҳам сезмади. Ҳозир унга озгина, жиндек бўлса-да егулик керак. Қиррали тошларни чангаллаганча туртиниб-суртиниб ити ёнига келди. Оқюлдуз ухляптими ёки ҳозир нима бўлишини кўнгли сезиб, ўзини ҳеч нарса кўрмаганга олиб пайт пойляптими? Аёл буни билолмади. Бироқ ўйлаб ўтиришнинг мавриди эмас...

“Мени кечир, Оқюлдуз, бундай қилмоқчи эмасдим. Лекин шундан бошқа чорам йўқ. Мен ўзимни ўйламаяпман. Боламни... у гуноҳсиз. Иккимизам бахтиқаро оналармиз. Ўйлайманки, мени тушунасан, кечирасан. Болам тирик қолиши, яшаши керак”.

Барчиннинг Оқюлдуз бўғзига қиррали тошни ботиришидан аввал айтган гаплари шу бўлди. Озиб, қучсизланиб қолган итни таслим қилиш унчалик қийин бўлмади. Аввалига томоғи остига ботган тиғдан талвасага тушиб қолган жонивор, қаршилиқ қилиб бироз типирчилади. Ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб кўрди. Иккисининг ҳам бошига бир хил қисмат тушиб, тақдир уларни бир-бирига ўхшаш синовда роса тоблаган бўлса-да, эгаси ундан қучлироқ, ундан сабрлироқ чиқди.

Барчиннинг юз-кўзи аралаш иссиқ қон сачраб кетди. Кейин эса нима бўлганини, нима қилганини эслолмайди. Фақат уйкуга кетишидан аввал қорни тўқ, устига эса иссиқ тери ёпингани.

Тонгга бориб уйқуси ўчди. Кўзларини очиши билан, кигизга ўраб ташланган боласига қаради. Чақалоқ миқ этмасдан жим ётарди. Бадани эса музлаб қолган.

– Йўқ, – дея бақирди Барчин боласини ўзига келтириш учун силқиларкан. – Бундай бўлиши мумкин эмас. Ўлишинг керакмас. Кўзларингни оч, болам.

Аммо бола қимир этмади. Тақдирга тан берган она эса сўнги ризки дея уни эмизишга киришди. Эмизаётиб жигарининг жонсиз чехрасига қарашга чидолмади. Бошини тесқари ўтириб уввос солиб йиғлади.

Шу тахлит қанча ўтирганини эслолмайди. Бир пайт шундай туйилдими, ёки чинданми бола қимирлагандай бўлди. Аёл не кўз билан кўрсинки, кўкрақларига сут келган, чақалоғи ютоқиб эмарди. Барчин ғор ичида содир бўлган кечаги туннинг даҳшатини эслагиси келмай, болани кўтариб нари кетди. Тоғни қоплаган булутлар кетган, бир неча кундан бери тарқамаган қуюқ туман эса йўқ. У яна бироз юргач, жойида тахта бўлиб қотди. Чунки кўз ўнгида, ярим чақирим келмайдиган узокликда мўриларида тугун ўрлаб чиқаётган бир неча ўн уйли қишлоқ турарди. Аёл на олдинга, на ортга юришини билмай иккиланди. Хаёлида эса тинмай бир савол чарх урди. “Нега аввалроқ изламадим, юришда давом этавермадим? Шундай қилганимда Оқюлдуз ўлмасди-ку!”

Барчин яна йиғлади. Бу йиғи аёлнинг умри давомида тўққан кўзёшларининг энг аламлиси, энг қайғулиси эди.



ОНАЖОНИМ

*Сизсиз ёруғ жаҳоним,
Парвонам, армуғоним,
Шарафимсиз ҳам шоним,
Онажоним!*

*Қамолимиз орзунгиз,
Намунасиз ўзингиз,
Ёруғ қилай юзингиз,
Онажоним!*

*Фарзандим деб ёнасиз,
Бизларга намунасиз,
Сиз энг яхши онасиз,
Онажоним!*

ВАТАН ФАСЛЛАРИ

*Чаккасига гул тақса боғлар,
Қорларини эритса тоғлар,
Бунча гўзал, хушвақт бу чоғлар,
Баҳорингдан айланай, Ватан!*

*Ол мевалар шохларга қўнса,
Меҳринг тафти қуёшга дўнса,
Ҳовуридан меҳрингни туйсак,
Ёзларингдан айланай, Ватан!*

*Боғланган заранглар ечилар,
Тўрт томонга тилла сочилар,
Очил дастурхонлар очилар,
Қузларингдан айланай, Ватан!*

*Оптоқ қорлар элайди осмон,
Қиш зарини сочар ҳар томон,
Тўрт фаслли жон Ўзбекистон,
Қишларингдан айланай, Ватан!*

*Ҳабиба ХУШВАҚТОВА,
ТошДАУ қошидаги Қибрай Академик лицейи ўқувчиси*

Soʻnmas ishtiyoq ifodasi

Хатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди.

Йоганн Гёте

Синов ва тўсиқларга қанчалик бой бўлмасин, ҳаётнинг меҳригиёси одамни ўзига тортиб-қувватлантириб туради. Турли чигалликлар, ечими кўринмас мушкулотлар қаршисида чора излаб толган инсон учун қай тарзда яшаш эмас, яшашнинг ўзидек мохиятга айланади. Шу илинж – яшаш иштиёқи уни ҳаракатга ундайди, куч бағишлайди. Муяссар Тилованнинг “Сўнгги кўзёшлар” ҳикоясида яшаш учун кураш инстинкти ор-номус масаласига мувозий кўйилади. Бир тарафда орият учун ёлғиз қизидан воз кечаётган ота, иккинчи ёқда муқаррар ҳалокат қаршисида умидгагина суяниб қолган қиз изтироблари ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

...Беш ойча дайдиб келгани учун хўжайинларининг қаҳрига учраган, айни пайтда овулнинг бошқа итларидан ҳам ёлғизланиб қолган Оқюлдуз яна бир аччиқ синовга рўбарў бўлади: икки кунлик кучукларини чўрткесар оқсоқол Ҳаким тов сувга улоқтиради... Бир қарашда

оқсоқолнинг бу қарори шафкатдан йирокдай туюлади. Аммо чол Оқюлдуз тимсолида ўзининг қаддини буккан, эл-юрт ўртасида гап-сўзга қўйган, яъни етти кун аввал отаси номаълум фарзанд кўрган кизи Барчинни кўради. Шу боис ҳам кучукларни сувга қарата сермаётган Товнинг ҳукми қатъий – у “кўксиде гуриллаган аланга тафти”ни босишни истайди: *“Бегонанинг этагидан тутиб кетганинг ҳоли шу... Бундай шармандалар ўз пуштингдан пайдо бўлишса, алам қилар экан одамга. Уларни на ўлдириб ташлай оласан, на кечира оласан. Уятсизлар”*. Муаллиф Ҳаким товни изтиробдан холи, инсоний туйғулардан бенасиб одам сифатида тасвирламайди, билъакс отанинг кизига кўллаган чораси мажбурликдан экани, ҳақиқатда эса дилининг туб-тубида ўзга истаклар яширинлиги куйидаги тасвирларда яққол кўринади: *“Ҳаким оқсоқол” ичини олов бўлиб куйдираётган дардни бировга айтгиси, ёрилгиси келади, аммо одамлар нима дейди? Устидан*

Иктисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги истиқболли ислохотларнинг ажралмас қисми бўлиши молия-банк тизимидаги изчил таркибий ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Бунда, биринчи навбатда, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш ҳамда банклар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш каби вазифалар долзарб саналади. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда сўнгги йилларда мамлакатимизда монетар сиёсат индикаторлари таъсирчанлигини ошириш, тижорат банклари фаолиятини тўлақонли баҳолаш ҳамда қатъий назорат этишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари шакллантирилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 7 январдаги “2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иктисодиётида ислохотлар масштабини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда тadbиркорлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури

тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ молия-банк тизимини ривожлантириш индикаторлари яратилди ва ушбу индикаторларни ҳар чорақда баҳолаш тизими жорий этилди. Қайд этиш лозимки, мазкур индикаторлар асосида банк тизимининг асосий кўрсаткичлари 2011 йилдан буён баҳолашиб, барча кўрсаткичлар бўйича ижобий натижалар қайд этилаётганлиги таъкидланмоқда. Банк тизимида кузатилаётган бундай ижобий натижалар нафақат халқаро стандартлар талабларига жавоб бермоқда, балки айрим кўрсаткичлар юзасидан юқори даражага эгадир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса кўринадики, 2005-2012 йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг номинал миқдори юқори ва барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда 2012 йилда ушбу кўрсаткич 8,2 фоизга ўсди ва 96,5 трлн. сўмни ташкил этди. Бу эса макроиктисодий барқарорлик таъминланганлигидан гувоҳлик берувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ушбу макроиктисодий

ўсишни таъминлашда монетар омиллар муҳим ўрин тутади. Банк тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар шароитида тижорат банкларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларини кредитлаш фаолияти ҳам жадаллашмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, республикамиз тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг аксарият қисми узоқ муддатли бўлиб, улар асосан иктисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда. Кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг ошаётганига асосий сабаблардан бири сифатида тижорат банклари депозит операцияларига қўйилган мажбурий захира нормасининг муддатлар бўйича табақалаштирилганини эътироф этиш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумот-

кулмайдими? Тогдай одамнинг қилчалик ҳоли қолмабди демайдими? “Яхшиям қор ёзганми, – дея ўйлади хўрсиниб. – Бўлмаса йиғлаётганимни бошқалар билиб қоларди”.

Ҳикояда икки ўт орасида коврилайётган Хадича тасвири ҳам ишонарли чиккан. У эрининг йўриғидан чиқа олмайди, шу билан бирга якка-ю ягона кизидан ҳам осонгина кўнгил узолмайди. Чўрткесар Товдан “Болам бўлгани учун сўйиб ташлашга қўлим бормади. Тирик қолдираётганим учун раҳмат де ундан кўра”, деган иддаони эшитган Хадича кизининг елкаларига муштираб, қарғанаётган эса-да, аслида унинг кўнгли боласи билан бирга қолмоқда: “Сени худога топширдим, болам. Қаерда бўлсаям омон бўл. Асра ўзингни... Ҳар куни дуойи-жонингни қиламан”. Она қалбига ҳаётдаги ходисалар заха етказолмаслиги қуйидаги тасвирда ҳам бўртиб кўринади: “Барчиннинг қайноқ вужудини оналик меҳри билан силади, эркалади. Қизидан ҳалиям худди тугилган пайтидагидек хушбўй ҳид анқирди. Чорасиз она гўё қайтиб учрашмайдигандек тўйиб-тўйиб ҳидлади”.

Яқинлари юз ўгирган, “орик елкаларини олам юки босган муштипар” Барчин ҳолати ҳикоянинг асосий драматик нуқталаридан биридир. Зеро, тоғда ёлғиз қолган жувоннинг нажот йўллари кўп эмас, шу боис у қийинчиликка осонгина бўйин эгиши, ўзини ҳам, гўдагини ҳам тақдир ҳукмига ташласа, ҳаёти ғоятда аянчли яқун топиши муқаррар эди. Рухан эзилган кишининг гоҳида чора излашга ҳам ҳафсаласи қолмаслиги сир эмас. Ҳикоя муаллифи эса ҳаётинг

(ва энг тўғри) асосни топа билади. Барчиннинг ёнида етти кунлик чақалоқ бор: “...чақалоқ на совуқдан, на очликдан қийналади. Мириқиб ухлайди. Унинг гўборсиз, беташивиш чехрасига боқаркан, Барчиннинг дилида умид учқунлай бошлайди. Бутун вужудини қоплаган кўрқув қаергадир чекинади”.

Яшашга бўлган интилишнинг оналик ҳислари билан уйғунлашиб кетиши алал-оқибат тинимсиз ёғаётган қор туфайли йўлни йўқотиб, уч кун оч-наҳор, юпун тентираган, мадорсизликдан ўзи ҳам, боласи ҳам жон таслим қилгудай аллоҳда қолган Барчинга яна йўл кўрсатади. Аёлнинг нигоҳлари ёлғизликда ҳамроҳ бўлган Окюлдузга қадалади: “Мени кечир, Окюлдуз, бундай қилмоқчи эмасдим. Лекин шундан бошқа чорам йўқ. Мен ўзимни ўйламаймман. боламни, у гуноҳсиз. Иккимизам бахтиқаро оналармиз. Ўйлайманки, мени тушунасан, кечирасан. Болам тирик қолиши, яшаши керак”.

Муаллиф қаҳрамонлар тақдирига аралашмайди, уларни муҳокама этмайди, тўғри ё нотўғри қилаётганини ҳам баҳоламайди. Билъакс, қаҳрамонлар ўз йўлини ўзи белгилайди ва феъли-хўйига яраша ажр топади. Бу эса ҳикоянинг жозибалигини таъминлайди; ўқувчи инсоннинг мураккаблиги, у ҳақдаги сўнги сўзни айтиш деярли имконсизлиги борасидаги мулоҳазаларга чўмади. Шу боис “Сўнги кўзёшлар”ни изланаётган ёш адибанинг ютуқларидан бири, десак хато бўлмайди.

Отабек САФАРОВ

MOLIYAVIY BARQARORLIK SHARTLARI

лардан кўринадики, 2005-2012 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ва уларнинг умумий капитали миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредит қўйилmalarининг юқори суръатларда ўсишига имкон яратади.

2012 йилда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 5 760 миллиард сўм ёки 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилди. Шунингдек, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан жами 168 та иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинган бўлиб, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида

банклар томонидан 388 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда фаолияти тикланган корхоналарнинг 120 таси янги мулкдорларга 919,3 млрд. сўмга сотилди. Банклар балансига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда эса, жами 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилиб, шундан, 480,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсишини таъминлашда, давлатнинг халқаро молиявий муносабатлардаги позициясини сақлаб туришда, шунингдек, хорижий давлатлар ҳамда халқаро молиявий муассасалар билан қарз мажбуриятлари соҳасида эҳтиёткорлик билан ёндашишда амалдаги банк тизими фаолиятини мунтазам равишда таҳлил этиб, оқилона баҳолаб бориш долзарб аҳамият касб этади. Бу эса, нафақат молия-банк тизимини, бал-


ки бутун иқтисодиётнинг истиқболини белгилаб беради.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Жаҳон банки томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам доирасида, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель-2 ва Базель-3 тавсияларини мамлакатимиз банк тизимига жорий этиш тижорат банклари олдига ликвидликни таъминлаш борасидаги янги шартларни қўяди.

Республикамиз молиявий-иқтисодий ҳамда банк тизимининг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлашда уларнинг химоя механизмларини кучайтириш, шунингдек, Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш инструментларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ саналади.

Сардор ҚУРБОНБЕКОВ,
ТДИУ магистри

Nafis majlislar



**Зулфизар
МУҲАММАДИСОҚОВА**

Мен ватаъни согинмоқ учун,
Четга чиқиб кўришим шартми?
Унга қалқон бўламан десам,
Ўғил бола бўлишим шартми?

Нозиккина елкаларимда,
Кўтараман ватан юкини.
Согинаман юриб бағрида,
Ва севаман гулдай тўкилиб.

Мен бошқача айтаман уни,
Меҳр товонимдан бошгача.
Юрсам оёғимдан ўт чиқар,
Тафтим кўчар тупроқ, тошгача.

Мен ватанни согинмоқ учун,
Шартмас қаергадир боришим.
Ватан, десам ўзимга аён,
Чап кўксимнинг титраб оғриши.



Кумуш ЎСАРОВА

Изтиробга тўла бу уйдан,
Шошиб чиқиб кетаман ишга.
Кўчадаги гала-говурдан,
Фурсат йўқдир назар солишга.

Қутганим сен, талпинганим сен,
Йўл қаърида кўзларим тонди.
Хабар берди бир сутчи аёл,
Етиб келинг, уйингиз ёнди.

Ҳеч кўрқмадим ва шошилмадим,
Ёнсин дедим дардимнинг бари.
Назаримда чирсиллаб ёнар,
Изтиробнинг қобиргалари.

Қаргаларнинг жанжалларидан,
Тутаб борар ҳар кунни севгинг.
Бутун боили юрагим ёнди,
Сутчи аёл қаерда эдинг.




Рухшона АШУРОВА

Болаликдан кўп дакки едим,
Онам “кирни тоза юв” дерди.
Ҳар на қилсам мен калтафаҳм
Кирлар тоза ювилмас эди.

Ҳали ўйинқароқман билсанг,
Кўча-кўйда ўйнаб девона
Қара, чанга ботиб юрибман.
Юрагимни кир қилиб, Она.

Тақдирдан ҳам даккилар есам,
Йиғлаб-йиғлаб дийдам қотмасми?
Юракка лой сачради десам,
Она, гапим оғир ботмасми?

Мана, келдим,
мен ҳам бир юкман,
Иш орттириб юрибман яна.
Кирларимни ўзим ювман,
Юрагимни ювиб бер, Она.



Мақфуза ИМОМОВА

Сен томонни гўзал дер, гулим,
Сен томонда баҳор авжсида.
Тушларимни нурга тўлдирган,
Сен томонни соғиндим жуда!

Мен томонда ҳар кунги ҳолат,
Йиғи, ташвиш, учта-тўртта шеър.
Шеърларимдан аввал ёлғизим,
Ҳаётимга керакдир таҳрир.

Сен томонни соғиндим, гулим,
Сен томонда йўқдир – сенизлик.
Сен томонда қолар шўҳомим,
Мен томонда мудом шеърсизлик...



Наргиза ЮНУСОВА

Сен яшилда шув ўтиб кетдинг,
Мен қизилда қолдим тутилиб.
Эҳтимолки, манзилга етдинг,
Мен кетмадим ундан қутилиб.

Енгилдим мен сен эса ютдинг,
Лойқаланди тинган туйғулар.
Ёнгинамдан кўрмайин ўтдинг,
Хотиралар дилни бўғдилар.

Сен яшилда шув ўтиб кетдинг,
Мен қизилда қолдим тутилиб.
Эҳтимолки, манзилга етдинг,
Мен кетмадим ундан қутилиб.

Дардим айтдим симёғочларга
Ток ургандай сакраб тушдилар.
Қўлларини боғлаб сочларга,
Бир-бирларин маҳкам тутдилар.

Сен яшилда шув ўтиб кетдинг,
Мен қизилда қолдим тутилиб.
Эҳтимолки, манзилга етдинг,
Мен кетмадим ундан қутилиб.

Дақиқалар жойидан кўчди,
Ҳеч ўрнидан туролмаяпман.
Неча яшил ёниблар ўчди,
Лекин сира юролмаяпман.

Сен яшилда шув ўтиб кетдинг,
Мен қизилда қолдим тутилиб...



Дилрабо НОРҚУЛОВА

ТИЛСИМ

Афсонавий орзу ушалиб борар,
Инсон тафаккури самони кучди.
Бугун темирқушлар булутни ёрар,
Учар гиламчада одамзод учди.

Эртак туюларди «Ойнаи жаҳон»,
Кўзгу қаршисида лол эди Фарҳод.
Зангори экранни кашф этди инсон,
Ойнада акс этар тугал бу ҳаёт.

Не-не мўъжизалар бугун оддий гап,
Инсон изланишида яшайди албат.
Лекин ҳамон ошиқ ҳоли мураккаб,
Бугун ҳам тилсимдир ўша муҳаббат.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг устоз-мураббийлари, талаба ва тадқиқотчилари “Гулистон” журналининг доимий муаллифларидан. Улар маданият, санъат мавзусидаги долзарб мақолалари билан журналимиз мазмун-мундарижасини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ушбу сонда мазкур институтнинг Санъат журналистикаси факультетида ўқийдиган бир қатор талабаларнинг илк мақолалари эълон қилинмоқда. Уларнинг дастлабки машқлари мукамал мақола даражасида бўлмасада, талабаларга рағбат ва эътибор нуқтаи назаридан эътиборларингизга ҳавола этилмоқда.

Таҳририят

O'zbek multiplikatsion filmlari: yutuq va muammolar

Мультипликация эртақнамо, шартлилик ва умумийлик каби ифода воситаларига эга бўлган кино санъатининг ўзига хос туридир. Эртақлар каби мультфильмлар улгайиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир мамлакатнинг санъати унинг анъаналари, урф-одатлари асосида шаклланади. Ўзбек мультипликацияси тарихи 1965 йилда режиссёр Дамир Салимовнинг “6х6 квадратидан” мультфильми билан бошланади. Ўзбекистонда мультипликация санъати кўғирчоқ филмлар кўйишдан бошланиши ўзбек халқининг миллий хусусияти, қадимий халқ санъати бўлмиш кўғирчоқбозлик тарихий анъаналарга эгаллиги билан боғлиқдир.

Эртақлар болалар томонидан осон ва тез ўзлаштириб олинади, бадий образлар ёрқин тасвирланиши ва яхши-ёмонни аниқ ажратиб берилиши билан муҳимдир. Шунинг учун ҳам кўғирчоқ фильмларини яратишда ижодкорлар эртақларга мурожаат қилишади. Ҳаммамизнинг калбимиздан жой олган “Зумрад ва Қиммат” эртаги асосида яратилган “Сехрли сандик” кўғирчоқ фильми режиссёр Д.Салимов ва расмю Ю.Петровларнинг ҳамкорлигида яратилган. Дастлаб,

фильмлардаги персонажлар ҳаракатида ҳали майинлик етишмаса-да, лекин кейинчалик ушбу камчиликлар аста-секин бартараф этила бошланди. Жумладан, бу ижобий ўзгариш режиссёр К.Камоловнинг “Булутни ким ясайди?”, “Карим ва кўнғиз”, “Олтиндан қиммат”, “Қайт, бахтим”, “Шумтака” каби бир қатор фильмларида сезилади.

1970 йиллардан эътиборан чизма графикали мультфильмларни яратиш бошланади. Расмли фильмлар каторига “Жасур чумчукча”, “Айвон”, “Айик саёҳатда”, “Каккунинг сирлари” каби фильмларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда мультипликаторларимиз анъаналарни давом эттириб, асосан, халқ эртақлари, дostonлар, қиссалар ва ривоятлар асосидаги анимацион фильмларни яратиш келмоқдалар. Ушбу мультфильмлар кучли ибратли мазмуни билан ажралиб туради. Масалан, “Мешкобнинг бахти” мультфильмида нафсининг қулига айланган инсоннинг бойлиги бир кун келиб, ўзига, албатта, зарар етказиши ғояси илгари сурилиб, хасислик қораланади. Инсоннинг ҳар қандай ҳолатда ўзлигини сақлаб қолиши кераклиги ҳақида сўз боради.

Кўпчилик ғарбда ишланган мультфильмларнинг салбий таъсирларини ҳис қилишса-да, шу фильмларни маъқул кўришади. Чунки уларда шакл устида ишлаш анча яхши йўлга кўйилган. Айниқса, Уолт Дисней компаниясининг мультфильмлари кўпчиликка ёқади. Чунки шаклан чиройли нарса моҳияти қандайлигидан катъий назар, албатта, ўзига эътиборни жалб этади. Бу, айниқса, ёш болаларга хос хусусиятдир. Тахлилларга кўра, шу кунгача анимацион фильмларнинг аксарияти тарихий, афсонавий, халқ оғзаки ижодига асосланган мавзуларда яратилган. Тўғри, улар абадий мавзулар, аммо ҳозирги кунга мос замонавий асарлар ҳам яратиш, уларни ишлашда анимациянинг мукамаллигига эришиш лозим. Мультфильмларни ишлаб чиқаришда янги технологиялардан фойдаланиш керак. Абдулла Ориповнинг “Самовий меҳмон, беш олим ва фаррош” шеъри асосида ишланган “Самовий меҳмон” 3D замонавий форматда яратилган. Мазмунан яхши. Фанга, техника ривожига берилиб кетиб, оддий инсонийликни унутиб кўйган олимларга, қалбида меҳр-муҳаббат жўш урган оддийгина фаррош онахон намуна бўлади. У қайноқ қалби ва чексиз меҳри билан ўзга сайёраликни ҳушига келтиришга муваффақ бўлади. Ушбу фильмда одамзоднинг ҳаддан ортик фанга берилиб, меҳр-оқибат ҳақида унутиб кўйиши ножоиз эканига урғу берилади. Фильм персонажлари ўзбек актёрлари прототиплари асосида олинган бўлишига қарамай, истараси совук, инсонга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Ҳар бир халқ бошқаларнинг ижодий маҳсулотларини ҳам кўриш керак, лекин, энг аввало, ўзининг санъати ҳақида маълумотга эга бўлиши лозимдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, юқорида келтириб ўтилган камчиликлар бартараф этилса, ўзбек мультипликацияси янада катта муваффақиятларга эришади.

Шахноза ПЎЛАТОВА

Kliplarda nima gaplar?

Инсон рухиятини тарбиялаш, ёшлар қалбида эзгуликни уруғлантириш, эстетик дидни ошириш санъатнинг мукаддас вазифаларидандир.

Замонавий кўшиқчилигимизга кириб келган клип санъатининг шундай аҳамияти борми? Клипларнинг устунлиги мусиқий композиция ва тасвирнинг уйғунлигидадир. Бунда эса кўшиқ матнининг маъно жиҳатдан клипда акс этиб, унинг рухиятига мос бўлиши бирламчи хусусиятлардан саналади. Клип кўшиқнинг мазмунини теранроқ очиб, томошабин онгига кучлироқ таъсир кўрсатишга хизмат қилади.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: хўш, бугунги кунда клиплар томошабин онгига қай даражада таъсир кўрсатаётти, уларнинг маънавий савияси қай даражада? Клипларнинг сюжети, уларнинг мақсади нималардан иборат?

Албатта, тасвир шунчаки томоша қилиш учун эмас, балки ўша тасвирдан бирор маъно-мазмун англаш мақсадида намоёиш этилади. Бизнингча, бугун телеканалларимизда томошабин эътиборига ҳавола этилаётган аксарият клипларимизнинг мазмун-мундарижаси жуда саёз. Яна ҳам ажабланирлиси, клип сюжети умуман бошқа нарсани "сўзлайди-ю", унинг кўшиқ матни эса умуман ўзга мазмунда бўлади. Баъзида кўйланаётган кўшиқдан кўра сюжетнинг ёки аксинча, клип мазмунидан кўра кўшиқ матнининг устунлиги сабаб баъзи камчиликларни, ҳеч бўлмаганда, бир томондан "ямаб" кетишга ҳаракат қилинаётгандек фикр уйғотади. Яъни мазмунан саёз кўшиқ ва "қурук" мусика, ажабтовур хатти-ҳаракатлар, антика машина каби ашёларни кўз-кўз қилиш орқали "беркитилади".

Шунингдек, клип орасида мусика янграб турган пайт ижрочилар томонидан бегона сўзлар кўшиш, айниқса, кўшиқ матнининг устидан сўз қўллаш ҳолати ҳам учраб турибди ва бу урфга айланмоқда. Клип мусиқий композициянинг тасвирий ечими бўлиб хизмат қилар экан, унда сўзларнинг ишлатилиши клипнинг мукамал эмаслигидан ва кўшиқ мазмунини очиб бера олмаётганлигидан даракдир.

Баъзи клипларда томошабиннинг ғашини келтирувчи бақир-чақирларга дуч келамиз. Бу ҳолатни ҳатто ўз услубига айлантириб олган кўшиқчиларимиз бор. Назаримда, кўп нарса хонандаларнинг ўзларига боғлиқ, яъни клип суратга олаётганда унинг кўшиққа мос келиши ёки нима мақсадда ишланаётганини билиши лозим.

Хонанда ва клипмейкерлардан видеоклиплар ҳам санъат маҳсули бўлиши ва томошабинга маънавий озуқа бериши учун меҳнат натижасининг ҳар жиҳатдан сифатли бўлиши талаб этилади.

Ирода ҚЎЧҚОРОВА

Mehnat – ijodning asosi

Ўзбек актёрлик санъати тарихида миллий анъаналар асосида мустаҳкам мактаблар яратилган ва ана шу мактаблар асосида забардаст санъаткорлар шаклланиб, улғайган. Бугунги кунда ҳам устоз санъаткорлардан мерос мактаб анъанаси давом этмоқда. Ўзбекистон Давлат Санъат ва Маданият институтининг профессори, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Турғун Азизов бадий раҳбарлигидаги "Драма ва кино актёрлиги" бўлими талабалари ижодий устахонасида ўтадиган жараёнлар негизида, асосан, "Академик мактаб" анъаналарига мурожаат қилинади. Машҳур режиссёр Тошхўжа Хўжаев сабоқларини олган Турғун Азизовнинг ўзи ҳам бугун шогирдларининг севимли устозидир. Турғун Азизов билан биргаликда унинг шогирди, ҳамфикри, маслакдоши, яқин кўмакчиси бўлган педагог – Замира Аҳмедова ҳам талабаларга актёрлик маҳоратининг нозик сир-асрорларини кунт ва юксак маҳорат билан ўргатиб келмоқда.

Ижодкор тарбияси ўта мураккаб ва нозик жараён саналади. Буни чуқур англаган устозлар талабаларга жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан синчков, эътиборли бўлиш кераклигини ва сахнада, энг муҳими, самимийлик устувор бўлиши лозимлигини таъкидлашдан чарчашмайди.

Бўлажак актёрлар театр компонентлари ҳисобланган сахна безаклари, мусиқий тўплам, сахнавий либослар, сахнани перспектив йўналишда ёритиш каби масалаларга нисбатан мустақил равишда ёндашадилар. Улардаги бу жиҳат соҳа маҳсулининг бадий яхлитлигини таъминлайдиган вазифалар бобида ҳам анча саводхон, ташкилотчи эканликларидан далолатдир.

Ҳақиқий истеъдод доим захматли меҳнат билан улғайиши керак. Шундагина истеъдод ўткирлашади. Буни устозлар ўқитиш жараёнида шогирдларга уқитириб борадилар.

Бу курсда таҳсил олаётган истеъдодлар санъатда ўз йўналишини, ўз услубларини топиб, устозлар анъаналарига содиқ, етук актёрлар бўлиб етишишса, ажаб эмас. Улар ҳозир сабоқларда санъатнинг тарихи, кечаги куни ва бугуни, тараққиёти ҳақидаги устозлар ўғитига ҳайрат билан қулоқ тутишмоқда. Бўлажак артистларнинг ижро маҳоратини кузата туриб, келажакда уларнинг Гамлет, Отелло, Қирол Лир, Алишер Навоий, Амир Темури, Нодирабегим каби залворли қаҳрамонлар образларини устозлар даражасида талқин эта олишларини ишонч билан айтиш мумкин.

Устозлар ҳар бир талабанинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун жон куйдириб, меҳнат қиладилар. Бундай устозлар бор экан, ёрқин истеъдодлар кўплаб кашф этилаверади.

*Нафосат ЭРКАЕВА,
Лобар ҚОБИЛОВА*

Dirijor bo'lolmagan bastakor



Роберт Шуман 1810 йил 8 июнда мусикадан йирок, аммо санъатга ошно бир оилада туғилди. Отаси Фридрих Август Шуман матбаачи эди. Ота-она беш боланинг кенжаси Робертнинг ҳуқуқшунос бўлишини исташар ва уни шу йўналишда тарбиялашга ҳаракат қилишарди. Роберт эса кичиклигидаёқ шеърятга қизиқар ва шеър машқ қиларди.

Гўзаллик шайдоси бўлган ота – Фридрих Августнинг ҳам шеърятга ихлоси бўлакча эди. Бахтга қарши, Шуман отасидан жуда эрта айрилди. Робертнинг онаси ҳам кенг дунёкарашли, адабиётни чуқур тушунадиган аёл эди. Ана шу муҳитда тарбия топган Робертнинг орзулари эртагина катъий ният, ўзгармас ғоя даражасига ўсди.

Онасининг маслаҳати билан Роберт Лейпцигда ҳуқуқшунослик билан шуғуллана бошлайди. Аммо энди уни мусиқа ўзига жалб қила бошлаган эди. Охирикват у “...тавсия қилинган соҳани сева олмаслигини ва ҳатто хурмат ҳам қилмаслигини” эътироф этади. Роберт мусиқа назарияси ҳамда фортепиано чалиш бўйича Фридрих Викдан сабоқ ола бошлайди. Мусиқа бобида Франц Шуберт маҳорати уни ниҳоятда илҳомлантирган эди. Гарчи Гейдельберг шаҳрида ҳуқуқшунослик бўйича таълим олаётган бўлса-да, бу шаҳарнинг гўзал табиати ва манзараси уни ўзига ром этган ва шоирона мисралар ёзишга ундаганди. Ўша дамда у шоир Жан-Поль ижодига қизиқиб қолади. Шу сабабдир Шуман ижодида мазкур шоир шеърятини анъаналарини сезиш мумкин. Шунингдек, у Байрон, Гёте ва Гейне ижодига ҳам алоҳида эътибор ва эҳтиром билан қарайди. Мусиқада эса Шопеннинг дастлабки асарлари билан танишиш Шуман ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Дарҳақиқат, бу давр ижтимоий-маданий муҳити-

нинг ёш санъаткор ҳаётида тутган ўрнини у шундай қайд этади: “Ҳар окшом тасодифан бир неча ёш мусиқачилар тўпланиб қолишар, бу ўтиришлар гарчи одатий жамоавий мажлисга ўхшаб кетса ҳам, аслида мусиқа ва санъат борасидаги фикр алмашиш эди”. Ўша пайтдаги мусиқанинг тангаҳволи бундай йиғилишларга сабаб бўлган эди. Маълум бир муддатдан сўнг ёшлар шунчаки хаваскор эмас, балки мусиқа ривожига ҳисса қўшишни истовчи санъаткорлар сифатида ўзларини намоён эта бошлашади. Бунинг натижаси ўлароқ, Шуман Фридрих Вик, Людвиг Шунке ва Юлий Кнорр билан биргаликда “Янги мусиқий газета” номли ҳафтанома нашр эттиришади. Ўз навбатида, мазкур нашр Германия мусиқа санъати ривожига сезиларли таъсир кўрсатади.

Худди шу даврда Шуман мусиқа композицияси билан ҳам жиддий шуғуллана бошлайди. Гарчи бу пайтда унинг бир неча муҳим пьесалари яратилган бўлса-да, қатор мусиқа назариётчиларида бу асарлар санъат қонун-қоидаларидан йирокдек тасаввур қолдиради. Қолаверса, ноширлардан бири Шуманда мусиқага нисбатан иқтидор йўқлигини, аммо лоқал сотувчи-харидорларни хурмат қилиши ҳамда омма талабини инобатга олиши лозимлигини уқтирган ҳолда, мактуб битади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Шуманнинг дастлабки асарларида қандайдир номуаносиблик мавжуд эди. Унинг даҳо мусиқачи бўлиб етишиши учун ҳали олдинда Вена мусиқа муҳитига ошно бўлиш ҳамда Мендельсондек устоздан сабоқ олишдек улкан вазифалар турарди.

1838 йилда Шуман Венада муҳим яшаб қолишни орзу қилиб, мазкур шаҳарда хусусий журналини нашр эттиради. Аммо тез орада унинг Венадан ҳафсаласи пир бўлади. Буни у ўз кундалигида “Мен бу ерда бир ёки

икки мусиқа асбобида мусиқа чаладиган артистларни эмас, балки Жан-Поль ва Шекспири тушунадиган артистларни кидирмоқдаман”, дея эътироф этади.

Энди уни Лейпциг шаҳри ўзига жалб қила бошлайди. Зеро, айна дамда мусиқа даҳоси – Мендельсон ҳам шу ерда истикомат қилмоқда эди. Шуманнинг эътироф этишича, у Мендельсонга “буюк бир токка бокқандек” қарарди. У билан танишган кундан бошлаб, ёш Шуманнинг асарлари аста-секин авж олиб, бадиий жиҳатдан сайқал топа боради.

1833 йилда Роберт Шуман ва устози Фридрих Викнинг қизи Клара Вик ўртасида пайдо бўлган севги ниҳоят, 1840 йилнинг 12 сентябрида никоҳ билан якун топади, яъни икки ёш оила қуришади. Роберт Шуман ҳаётининг Клара билан кечган бу дамларида энг ажойиб ва етук мусиқа асарларини яратади. Клара билан биргаликда Москва, Петербург шаҳарларида гастрол сафарларида бўлишади. Бу сафарлар ҳар икки ёшга ҳам хуш ёқади, чунки мазкур шаҳарларда уларни мухлислар чуқур эътиром билан кутиб олишади. Бу орада Шуман “Иккинчи Симфония”, “Женовева”, “Қуёш нурларига”, “Баҳор туни” каби мусиқа асарларини ёзади.

Анча вақт ўтиб, Шуман Лейпцигни тарк этиб, Дрезденга кўчиб ўтади. Ўта каттик меҳнат ва ақлий фаолиятни зўриктириш натижасида Шуман асаб билан боғлиқ касалликка чалинади. Уйқусизликка мубтало бўлган санъаткор энди темир асбобларни кўрганда даҳшат ҳиссини туяр, заҳарланишдан қаттиқ кўрқарди. У имкони борича одамлардан қочар ва сайр қилиш учун овлок жойларни кидира бошларди.

1846 йилда ўзини яхши ҳис қила бошлаган Шуман яна мусиқа асарлари устида ишлашга киришади. Санъаткорнинг муҳим яратикларидан бири – Иккинчи симфония охирига етай деб қолган 1847 йилда Прага ва Венага қилган гастрол сафари ҳаётига тагин ёқимли ўзгариш олиб киради.

1850 йилда Шуманни шаҳар мусиқа мудирини вазифасига ишга таклиф этишади. Буюк мусиқачиларнинг барчаси ҳам етук дирижёр бўлавермайди. Шуманни ҳам моҳир дирижёр деб бўлмасди. Дирижёрларга хос бўлган чаққонлик, эпчиллик, тез илғаб олиш хусусиятлари унда йўқ эди. Шунинг учун кўп ўтмай, у билан тузилган шартнома бекор қилинади. Бу эса шундоқ ҳам нозик бўлган Шуман асабларига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Шуман ҳаётидаги порлоқ хотиралардан бири ва сўнггиси унинг 1853 йил ноябрида Голландияга қилган сафари бўлди. Суюкли хотини – гўзал Клара Вик билан кечган мазкур сафар ниҳоятда завқли ўтади, қайси шаҳарда бўлишмасин, уларни ҳурмат-иззат билан кутиб олишади.

1853 йили Шуманда касалликнинг жиддий белгилари намоён бўла бошлайди. Санъаткорнинг назарида у руҳларнинг товушларини, ҳатто песа



ижро этишларини ҳам эшитадиган бўлиб қолади. 1854 йилнинг бошида касаллик қаттиқ хуруж қила бошлайди. Энди у марҳум дўстлари Франц Шуберт ва Мендельсон руҳлари билан гаплашар, кечалари эса “унга юборилган” мусиқани ёзиб олиш учун ўрнидан туриб кетарди...

Бу бебаҳо қалб эгаси Ленау исмли шоирга қисматдош бўлганлиги ҳақидаги хабар мусиқа ихлосмандларини бефарқ қолдирмади, яъни Шуман ақлий фаолиятнинг бузилиши хасталигига учраб, рухий касалликлар шифохонасига ётқизилади. Анча вақт ўтиб, санъаткорнинг мухлислари узоқ давом этган ушбу бахтсизлик ҳақида эсламай кўйишди.

1856 йилнинг 29 июлида Роберт Шуманнинг ўлими ҳақидаги хабар тарқалди. Бу хабар кўпчиликни афсуслантирмади. Аксинча, улар бир бечора касал узоқ давом этган оғир азобдан охир-оқибат кутилибди, деб енгил тортишди.

Гарчи Шуман ҳаётининг якуни қанчалар ачинарли кечган бўлмасин, уни доимо етук санъаткор сифатида тилга олишади. Чунки у ўзининг ҳаётдаги энг олий мақсадини ажойиб тарзда амалга оширди. Роберт Шуман авлодларга бебаҳо мусиқий мерос қолдирди.

Шермурод СУБҲОН тайёрлади.

Кўғирчоқ театрида спектакл сахналаштириш жараёни жуда мураккаб бўлиб, унда ҳамма ижодий ҳаракат билан адабий асарни сахнавий яхлит ҳолатга келтиришга интилади. Рассом, актёр, бастакор, режиссёр ва асар муаллифларининг таклиф ҳамда маслаҳатлари спектаклнинг сахнавий ечимини тўғри ва аниқ топиш имкониятини беради.

Кўғирчоқ театрида спектакл сахналаштириш жараёнида режиссёр, асосан, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган икки мақсадни кўзлаб драматургик асар танлайди: биринчиси, театр жамоасини моддий маблағ билан таъминлаш, иккинчиси, театр жамоасининг ижро маҳорати, бадий савиясини оширишдир.

Кўғирчоқ театри режиссёри танлаётган асарни қайси ёшдаги томошабин учун сахналаштирадигани эканини яхши билмоғи лозим. Машҳур кўғирчоқ театри режиссёри Сергей Образцов “Менинг касбим” китобида “Ҳар доим “кимга?” деган савол қўйинг ва бу саволга жавоб топмай туриб, эртак ҳам ёзманг, спектакл ҳам сахналаштираманг, расм ҳам чизманг”, деб ёзган эди. Бу чакирик режиссёр, драматург ва расмларга қаратилган бўлиб, юқоридаги фикрни асослайди.

Асар танлангач, режиссёр уни яхши таҳлил қила билмоғи, асарнинг жанри, ғояси, мавзуси, асосий ва иккинчи даражали воқеалари, карама-қаршилиқ, ривожланиш, кульминация ва ечимини аниқлаб олиши тақозо этилади.

Шу вақтдан бошлаб, режиссёрнинг рассом билан бўлғуси кўғирчоқ спектакли эскизлари устида ишлаш жараёни бошланади.

Кўғирчоқ спектаклининг образли ечими унинг ифодавий услуби ва жанридан келиб чиқиб аниқланади. Режиссёр ва рассом ҳамкорликда, пьеса персонажлари тилидан доим ҳам айтилмайдиган спектаклнинг муҳитини томоша-

бинга кўрсатиш ва ҳис эттира олиш имкониятига эгадирлар. Саҳна томошасининг эмоционал муҳити спектаклда сахнавий макон, ранг ва нур, пластика, спектакл темпоритмини тўғри танлаш ҳамда ташкил этиш орқали вужудга келади. Бу вақтда уларга мусика кўмакчи восита сифатида хизмат қилади. Саҳна макони ҳамда кўғирчоқларни безатиш қонуниятларини билиш, режиссёр билан рассомга, шакл ва ранг-тасвир воситаларини ўз ўрнида қўллаш орқали, юқори даражадаги ифодавийликка эришишда ёрдам беради. Декорация ва кўғирчоқларни ясашда қанчалик умумлаштириш тамойилларига кўпроқ таянилса, томошабин эътиборини чалғитувчи элементлар шунчалик камайиб, томошабинда бадий таъсирланиш кучли кечади.

Кўғирчоқ спектаклини сахналаштириш жараёнида режиссёр аҳамият бериши лозим бўлган яна бир жиҳат декорация ва кўғирчоқларнинг ўртасидаги ҳажм ҳамда бўй мутаносиблигидир. Бу мутаносиблик саҳна асари ҳаётийлигини таъминлайди. Кўғирчоқ характерининг режиссёр ва рассом томонидан тўғри топилиши актёрнинг сахнавий образни очиб беришида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун режиссёр кўғирчоқнинг ҳаракатланиш имкониятларига катта эътибор бериши керак. Кўғирчоқ ясашда инсон хатти-ҳаракати ва имо-ишораларини яхшироқ ифода эта оладиган механизмларга эга эканлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Кўғирчоқнинг пластик ечимидеги юмшоқлик, томошабинда ҳаракатчанлик ва энгиллик таассуротларини уйғотса, қаттиқ-бурчаксимон воситалар ҳаракатнинг чекланганлик, секинлашиш таассуротлари вужудга келишига сабаб бўлади. Декорация ва кўғирчоқларнинг оғирлик ёки энгиллик таассуротларини уйғотишида ранг ҳамда мато фактурасининг ҳам аҳамияти катта. Ёркин ранглар томошабинда ҳажм катталашуви таассуротини уйғотса, бўғик ранглар ҳажм кич-

Qo‘g‘irchoq teatrida rejissorning o‘rni

райини хиссини уйғотади.

Кўғирчоқ театр спектакли устида ишлаш жараёнида эътибор берилиши лозим бўлган яна бир жиҳат театр ёритиш воситаларининг имкониятидир. Нурлар рангини мақсадга мувофиқ танлаш, тўғри бурчаклар остида тушириш ва уларни тўғри ишлата билиш спектаклнинг бадий ғоясини очиб бериш имкониятларини кенгайтиради.

Кўғирчоқ спектакли тайёр бўлиб томошабин эътиборига ҳавола қилиниб, театр репертуаридан жой олганидан сўнг ҳам режиссёрнинг иши тугамайди, балки бошқа кўринишга ўтади.

Режиссёр спектаклнинг бадий яхлитлик ҳолатини назорат этиш, янги актёрларни спектаклга киритиш, кўғирчоқлар ҳолатини текшириб, вужудга келган камчиликларни барта-раф этувчи кучдир.

Ҳозир техник ривожланиш асри. Лекин ҳеч нарса ҳаёлий, мўъжизакор театр ўрнини боса олмайди. Театр доимо ривожланиш жараёнида, шиддатли ҳаёт билан ҳамкадам бўлиши керак. Театрлар миллий ўзликни сақлаган ҳолда бугунги кун томошабинларининг талабларидан келиб чиқиб, асарлар яратиши лозим.

Мана шундай шиддатли ривожланаётган ҳаётимизда ўсиб келаётган ёш авлод интернет, компьютер технологиялари, юқори техника имкониятларидан баҳраманд бўла туриб, театр каби мўъжизакор санъат қошонасида ҳам маънан, ҳам



руҳан қувват олади. Бола онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда замонавий кўғирчоқ театрининг ўрни бўлак.

Истиқлол кўп асрлик санъатимизнинг бошқа соҳалари каби кўғирчоқ театри санъатининг тарихида ҳам янги саҳифалар очди, янги-янги жамоалар пайдо бўлишига имконият яратиб берди. Президентимизнинг ёшларимиз тарбияси ва маънавий дунёсига бўлган катта эътибори натижасида вилоят марказларида иш бошлаган кўғирчоқ театри жамоаларининг юксак профессионал даражада ижод қилишлари, бадий пухта, серзавқ, ёшларимиз маънавий-эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган саҳна асарлари яратиши катта аҳамиятга эга. Ёш бола қалбида ватанпарварлик, садоқат туйғуларини шакллантириш, уларни мард ва жасур қилиб тарбиялаш муҳим вазибалардандир.

Феруза ҚУРБОНОВА

Sher

kelbatli it



Оламда ҳар бир яратилган бир ҳикмат. Ҳар бир жоннинг, ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, ўз ҳаёт йўли бор. Бу дунёда минг йиллар жойидан жилмаган тошнинг ҳам бажариб турган иши, юмуши мавжуд. Одамлар ҳайвонот оламини ўзига ўргатиб, хўжаликнинг турли соҳаларида кенг фойдаланишни йўлга қўйган даврларданок уларнинг асосий вазифаси азалдан белгилаб қўйилгандек, инсониятга дўстлашиб кетди. Шундай жонзотлардан бири итдир.

Ер юзидеги итларнинг турли зотлари кенг тарқалган. Бугунги кунгача ит зотларининг чатишиши натижасида янги гибрид зотлар ҳам пайдо бўлган. Шу сабаб итлар зоти, айниқса, зотдорлиги борасида иккиланиш табиий ҳол. Биз танишаётган зотли ит – тибет мастифининг қони тоза сақланган. Ушбу ит зоти жуда қадимий ҳисобланиб, ўзининг ташқи кўриниши ва танасининг йириклиги билан бошқа турдошларидан ажралиб туради.

Бунга асосий сабаб Тибет ўлкасининг жуғрофий жиҳатдан сайёрамизнинг энг баланд ҳудудларидан бўлган Ҳимолай тоғлари бағрида жойлашганлигидир. Атрофи ўтиб бўлмас

қорли тоғлар билан ўралганлиги ушбу зотли итлар қонининг аслигича сақланиб қолинишига асосий сабаб бўлган, десак нотўғри бўлмайди. Суратларга эътибор берсангиз, тибет мастифи йирик ва бақувват бўлибгина қолмай, танаси тўлиқ узун ва қалин юнг билан қопланганлигини кўрасиз. Бу эса Ҳимолай тоғларининг қаҳратон совуқларида жуда қўл келади. Қорли қоялар оша узоқ юришлар, кечаю кундуз қор-бўронларда умр кечириш фақатгина ушбу зотли итларга хосдир. Тибет мастифини кўринишидан ҳатто арслонга ҳам ўхшатиш мумкин. Юнгдорлиги билан арслонга ўхшаб кетса-да, барча ит зотлари орасида генетик жиҳатдан айнан тибет мастифининг қони бўриларга энг яқини ҳисобланар экан.

Соҳиб ЖОНТОЙ тайёрлади

Хосият РУСТАМОВА

Kundalik



Мен она бўлдим

Миямнинг ич-ичига ёзилиб қолган бу ўйдан кутулиб бўлмасди. Қирк ёшимда ўлсам керак, дея ўйлайверардим. Ва шунинг учун бўлса керак, янги йилни шундай бир хурсандчилик билан кутиб олдимки, асти қўяверасиз. Демак, ўлмаслик яхши. Ўлиб ҳам нима қилдим, тўғрими?

Энди менда ўзимга нисбатан катта одамларга қарагандай қараш пайдо бўлди. Хурмат қила бошладим ўзимни. Ҳаётга эса кичкина болага қарагандай қараяпман. Менда бу ҳолат олдин ҳам бўлган. Ўшанда уч ёшда эдим. Онам касалхонадан киз чақалоқ олиб келганлар. Айтишларича, демак, мен опа бўлдим. Ўзимни катталардай тута бошладим. Аммо атрофдагилар мендан кўра латта-путталарга ўралган зиғирдеккина бир нарсани яхши кўришар, ялаб-юлкашарди. Хуллас, ҳамманинг эътибори унда эди. Мен эса уни яхши кўришимни ҳам, ёмон кўришимни ҳам билмасдим. Баъзан уни йўрғакдан бўшатсалар, аллақандай ҳашаротларни эслатадиган қўлларини ҳар томонга чўзиб, шундай ҳаракатлар қилардики, шу хунук нарсани ўпаётган оғим кўзимга алламбало бўлиб кўринарди. Баъзан опалигим эсимга тушиб, меҳрим товланиб, оғимга кўринаётган “ширинлик” менга ҳам зора кўрина қолса, деб чақалоқнинг тепасига борсам, ҳамма менга ёпишиб, мени четга суришарди. Мен ҳам кўйиб бўпман! Шундай хархаша бошлардимки, қани энди мени тўхтатиб бўлса?! Бу хархаша мени кўрпачага ўтқазиб, чақалоқни қўлимга тутқазгунларигача давом этарди. Мен бу ишни зинҳор-базинҳор чақалоқни яхши кўрганим учун эмас, мени эътиборсиз қолдирганлари учун ўйлаб топгандим. Аммо қўлимга тутқазиб, тўрт томонидан оғим, дадам, бувим ушлаб турган нарсани бағримга боссам, юрагимда қандайдир илиқлик пайдо бўларди. Фақат мен унга қандай атир сепишганини билмай ҳайрон бўлардим. Онамнинг шкафага бекитиб, бирор жойга кетаётганда сепадиган атирларининг ҳиди эмас эди бу...

Чақалоқ қирк кунлик бўлганда бувим уйларига кетиш учун тайёргарлик кўра бошладилар. Ҳар сафар “Менам кетаман”, деб эргашадиган мен бу сафар пинагимни ҳам бузмадим. Уйни жимитдеккина бир нарсага қолдириб кетгим келмади, тўғриси. Ҳеч сўрамай мени уйгами,

кўшниникигами чиқариб, жуфтакни ростлаб қоладиган бувижонимнинг меҳрибончиликларини айтмайсизми? Нима эмиш, “Сени олиб кетайми”, дейдилар ўзларини яхши кўрсатгилари келиб. Мен эса ер қизиб туравераман. Лом-мим деб оғиз очмайман. Олдинлари роса тўпалон қилардим ер тепиб. Кетганларидан кейин ҳам ярим соатларча йиғлардим. Бугун индамай турганимни кўрган бувим қаттиқроқ ёпишдилар. Ва энг қизиги, машинага чиқаётиб, оғимга чақалоққа зарур нарсаларни тушунтирган бўлдилар-да, “Анавидан эҳтиёт қил”, дея тайинладилар. “Анави” деганлари мен эканлигимни кейинроқ тушуниб қоламан.

Бувимнинг айтганларича бор экан, баъзан оғим нима биландир банд бўлган маҳалда чақалоқ ётган хонага секин кираман, оёқларим ўз-ўзидан чақалоқ пишиллаб ухлаётган бешик томонга юриб боради. Қўлларим чақалоқнинг юзларига қандай кетиб қолганини ўзим ҳам билмай қоламан. Бурнини ушлаб кўргим келади. Айниқса, бурнини ушлаганимда оғзиларини очиши менга ёқиб қолади. Фақат йиғлаши ёмон-да овоз чиқариб. Ташқаридан югурган оёқ товуши эшитилади ва оғим ҳовлиқиб кириб келадилар. Мен эса унғача бешиқни тебрата бошлайман.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир кун... бир кун қарасам, синглим кўзларини очиб ётибди. Кичкина оғизчалари ичидан тилларини ҳам чиқариб қўяди. Нимаси биландир кўғирчоққа ўхшаб кетади. Кўтармоқчи бўлгандим, бешикка чандиб ташланган экан: жаҳлим чиқиб кетди. Мендан оғимни, дадамни, бувимни тортиб олгани учун кўзларига қўлимни тикиб олгим келган...

Аммо вақт ўтган сари уйимдаги мушукка қўйган меҳримни унга ҳам қўя бошладим. Секин-секин у ҳам менга ўргана бошлади. Мени кўрса типирчиладиган одат чиқарди. Момикдеккина бўлиб қолган қўлларини мен томонга чўзадиган, мен ҳам уни яхши кўрадиган бўлдим. Энди ўйлаб қарасам, мен тақдирга тан берган эканман. Чунки, бундан бошқа иложим ҳам йўқ эди-да...

Ҳа, мен нима демоқчи эдим? Демоқчи эдимки, бугун менда кечаётган аллақандай ҳолат нотаниш эмас, бундан анча йиллар олдин ҳам бўлган...

Маша бўлиб сувга кетардим...

Мактабга борган кунимдан бошлаб, исмим тез-тез ҳавога тараладиган, менинг қулоқларим эса уни илиб олгунча бор диққатимни ҳаво ва овоз пардаларига қаратадиган бўлди. Бу эса маймуннинг бананини илиб олишига ўхшаган бир манзарани эслатарди кўпроқ.

Ўзи боғчага борган илк кунларимданок бу исм менга ёпишмаганини, икки кадам нарида юришини сезиб қолганман. Сабаби, исминг нима, деб сўраганларида оғзимдан кўпол бир нарса отилиб чиқар, исмимни айтиб чақиршганда ҳам қулоғимга алланарса қаттиқ урилганга ўхшарди.

Аммо бу ҳақда оғзимдан сўраганимда менинг исмим шунчаки исм эмаслигини, қишлоқнинг энг обрўли, авлиёсифат мўйсафиди томонидан берилгани ва у киши ҳаммага ҳам исм кўйиб беравермасликларини кимларгадир неча марталаб мақтаниб гапиришларига қарамай, мен исмим ҳақида ўйлайверардим. Ва ўзимни синфдошларимнинг исмлари билан чақириб кўрардим. Биринчи чақирганимда ёққан исмлар ҳам кейинги чақирганимда ўз маъносини йўқотиб, ҳеч қандай аҳамият касб этмай кўярди.

Секин-секин дунё адабиёти билан танишиб, китоблар ўқий бошлаганимдан кейин асар муаллифларининг исмлари-ю асар қаҳрамонларининг номларигача мендан қочиб қутилмади. Юлдузларга қараб ҳаёл суришда давом этавердим. Марина, дедим ўзимга пичирлаб. Ёқимли куй эшитгандай кўзларимни юмиб олдим. Бутун вужудим

эриб кетгандай бўлди. Анна, дедим ўзимга эшиттириб. Марина озгина Мадинага ўхшаб кетади-ю, аммо Анна ўзбек тилимнинг кўчасига ҳам яқинлашмасди.

Менинг дастимдан ўзбек тилига таржима қилинган бирор бир асар қаҳрамонлари қолмади. Бир куни Настя бўлиб уйқуга кетсам, тонгда Лиза бўлиб уйғонар, челақларни ҳавода ўйнатганча Маша бўлиб сувга кетардим. Тобим қочиб қолган кунлари эса ўзимни Марья Кириловна деб атар ва кўрпа ичига ғужанак бўлиб олардим. Бир куни эсимда, Татьяна бўлиб мактабга борганман. Табиатан ўйчан, босик бўлганим учун менинг Татьяналигимни ҳам ҳеч ким сезмаган. Пушкин-ку йўқ эди. Онегиннинг ҳам қора-қурасини тополмай уйга қайтганман.

Бугун исмимга анча ўргандим. Баъзан тилимга ёпишиб қолишига қарамай кўникдим, ҳисоби. Фақат чет элларда бўлганимда исмимни шундай бир талаффуз билан айтиб чақиршадики, қулгидан ўзимни базўр тияман. Билмадим, исмимнинг ёнида ҳеч қимниқига ўхшамайдиган Ватаним номи бўлмаса, ким ҳақида гапираётганларини ҳам билмай, бошқа томонларга қараб тураверардим...

Балки айб ўзимдадир. Ҳаётнинг беаёв савалашларига қарамай, нақ 168 смга ўсдим. Вазним ҳам анча-мунча тош босади. Хаёлларимни алмаштириш вақти келган. Ҳаёт ҳам аллақачон кичкина келиб қолгандай...

Dugonalar

Республика Олий ўқув юртлари ўртасида “Кувноқлар ва зукколар” кўрик-танлови қарийб 20 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Ушбу кўрик-танлов “Қамолот” ЁИХ Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги ҳамда “ҚВЗ” жамоалар ассоциацияси ташкилотчилигида юқори савияда олиб борилади.

Кўрик-танловнинг 2013 йил янги мавсумида Бўстонлиқ тумани Хумсон қишлоғидаги 19-умумтаълим мактабининг ўқувчиларидан ташкил топган “Дугоналар” жамоаси “илк қизлар жамоаси” сифатида иштирок этди. Ушбу жамоа беллашувда мактаб ҳамда туман шарафини химоя қилиб, юқори ўринга сазовор бўлди. Бундай ютукни қўлга киритишда шу мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси Элёр Уккиевнинг алоҳида ҳиссаси бор. У ўқувчи қизлар Малика Миразимова, Доноҳон Ахтамова, Мадина Тўхтабоева, Нигина Улхонова, Мафтуна Эрматова, Динора Шавкатова, Нигина Пирмонова ҳамда Лайло Шоносироваларнинг истеъдоди, қобилияти ва актёрлик маҳоратларини

мактаб тадбирларида, дарс жараёнида ўрганиб бориб, уларнинг бир жамоа таркибида, яъни “Дугоналар” номи остида ўз фаолиятларини олиб боришларига замин яратди. Бу эса жамоанинг мактаб, туман миқёсидаги танлов ва тадбирларда иштирок этиб, маҳоратларини янада бойитишига, кучайтиришига имконият берди.

Қизлар кўрик-танловда Олий ўқув юртлари талабалари билан бир қаторда иштирок этиб, мусобақа давомида томошабинлар ва ҳакамлар хайъати аъзоларида илик таассурот қолдиришди. Кўрик-танловда иштирок этган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти “Интеллектуал”, Тошкент давлат техника университети “Мухандис”, “Ёшлик” талабалар шаҳарчасининг “Ёшлик” жамоалари катори “Дугоналар” жамоаси энг юқори балл билан ярим финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди. “Дугоналар” жамоасига кейинги босқичда ҳам омад тилаб қоламиз.

Улғабек ЖАМШИДОВ,
Бўстонлиқ тумани, Хумсон қишлоғи

Tasvirlarda tovlangan jilo



Ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб келаётганлиги унинг равнақи, истиқболдан далолат беради.

Ислом Каримов

БАДИЙ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТ

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган йиллар давомида республикамизда халқ таълимини тубдан ислох қилиш, уни жаҳон андозаларига мос келадиган даражага олиб чиқиш масаласига катта эътибор берилди. Бу ислохотлар сўзсиз баркамол шахсни шакллантиришга замин бўлиб қолади. Ҳар бир инсонда, албатта, бирор туғма қобилият мавжуд. Болаликда кўзга ташланган қобилият келажакдаги катта истеъдоднинг белгиси сифатида намоён бўлади. Болалардаги қизиқувчанлик, яшириниб ётган истеъдод, кейинчалик мактабда ўқитувчи, тарбиячи устозлар томонидан ривожлантирилади. Катталар ва айниқса, тарбиячи устозлар томонидан уларга мақсадга мувофиқ тарзда йўналишлар берилмаса, қобилиятлар махсус машқлар асосида ривожлантириб борилмаса ёки бунга бутунлай беъэтибор бўлинса, боладаги бор сифатлар ҳам аста-секин сўниб боради. Бу жараёнда ўқитувчи бош ролни – бошқарувчилик ва ижрочилик вазифаларини бажаради. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанининг мақсади – болаларда маънавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланган бадий маданиятни шакллантириш, уларда тасвирий санъат борасидаги ижодий саводхонлик ва бадий-эстетик тафаккурни ўстиришдан иборат.

Тасвирий фаолиятга тегишли қобилиятлар ҳосил бўлиши ўта қийин жараён. Чунки ҳар бир ижодий фаолиятга дахлдор ўзига хосликнинг таркиби турли бўлади. Шунинг учун психологияда қобилиятларни бирламчи ва иккиламчи (асосий ва тўлдирувчи) бўлакларга бўлиб қабул қилинади.

Ижодий тасаввурнинг озуқавий манбаи бўлган фикрлаш ва ижодий хотира бадий асар яратишнинг ҳар бир босқичида қимматли аҳамиятга эга.

Ижодий иш жараёнида рассомнинг ишланаётган кўринишга нисбатан буткул берилиши, мақсадга эришиш йўлида ишга иштиёқ билан киришиши ҳолатларга тегишли ҳисобланиб, ушбу хусусиятларнинг етакчи бирлигини белгилайди.

Бу таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари қуйидаги талабларга жавоб беришлари

шарт: ўқувчиларни ён-атрофимизда рўй бераётган, жамиятда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва ниҳоят, шу фалакиётнинг маркази бўлган инсондаги гўзалликларни кўра билишга, ҳис этиш, сезишга ўргата билиш;

- болалардаги бадий-ижодий қобилиятни, уларнинг дидини, хотирасини, ранг сезишини, фазовий тасаввурларини, табиатга, атрофдаги ҳар хил кўринишларга нисбатан кузатувчанликни, чамалаш, мўлжаллаш қобилиятларини ривожлантира олиш;

- ўқувчиларда тасвирий санъатнинг, амалий безак санъатининг, ҳайкалтарошлик ва меъморлик санъатининг ўзига хос томонларини, тасвирий тилини, тасвирлаш усулларини эгаллашни такомиллаштира олиши;

- ўқувчиларда тасвирий санъат жараёнига, санъат буюмлари, барча ижод маҳсулларига ва ўз касбларига қизиқиш, касбидан, халқ миллий санъат дурдоналаридан фахрланиш, ҳурмат қилиш туйғуларини тарбиялай олишдан иборат.

Маълумки, тасвирий ва амалий санъат ўқитувчилари бўлажак фан, маданият ҳамда маърифат вакиллари бўлиб, фақат рассомлар, амалий санъат усталарини шакллантиришга ҳисса қўшиб қолмасдан, балки санъатнинг миллий ва умумбашарий қадриятлари тарғиботчилари, эъзозловчилари ҳамдир. Улар ўқувчи ёшларга фақат чизишнигина ўргатиб қолмасдан, ота-боболаримиз томонидан яратилган тасвирий ва амалий санъат асарлари, аждодаларимиз қуриб кетган меъморий обидалар, она табиат, борликдаги барча мавжудотлар ҳақида кенг маълумотлар бериб, уларни севиш, авайлаб асраш, фахрланиш ҳис-туйғуларини ҳам шакллантириб борадилар. Шунинг учун, аввало, бўлажак педагог-рассомларнинг ўзи табиат шайдоси бўлиши, санъат асарлари, табиатдаги, жамиятдаги ҳар бир ўзгаришларга нисбатан ўз фикрларига ва юксак касбий тайёргарликка эга бўлишлари керак.

*Ҳайитбой СУЛТОНОВ,
Низомий номидаги ТДПУ
катта ўқитувчиси*

ЁРУҒЛИК

Тасвирий санъат инсонларни гўзалликка чорловчи нафис ва чиройли асарлар орқали кўнгллардан жой оладиган санъат туридир. Тасвирий санъатни ўрганиш методикасида тасвирланаётган жисмлардаги ёруғлик-соя муносабатларига эътибор қаратиш жуда муҳим бўлиб, айнан ёруғлик ва сояни ифодалаш орқали биз тасвири кенг томошабин оmmasига тушунарли ҳамда кизиқарли ҳолда етказиб беришимиз мумкин. Атрофимиздаги жисмлар шакли уларга қай даражада ёруғлик тушгани билан намоён. Ҳар қандай жисм текис ёки эгри юзаларга эга бўлади ва ёруғлик тушишига монанд уларнинг кўринишлари ҳам ўзгаради. Ёруғлик нурлари турли юзаларга тушиб, уларни ҳар хил ёритади. Жисм юзаларининг баъзи қисмларига кўпроқ, баъзи қисмларига эса кам ёруғлик тушади. Жисм кузатувчидан қанча узоқлашса, ёруғ-соя контрасти шунча хиралашиб, сўниб боради.

Ёруғ-сояларни шартли равишда бир неча қисмларга бўлиш мумкин. Агар буюм сунъий равишда ёритилса, ундаги ёруғ-соя кўринишлари: шуъла, ёруғлик, ярим соя, соя, рефлекс ва тушаётган сояларни аниқ билиб олиш мумкин.

Шуъла – буюм юза қисмидаги ёруғлик манбаи акс этиб турган энг ёруғ жой.

Ёруғлик – буюм юзасининг ёруғлик манбаи томонидан 90 градус қияликда ёритилган қисми.

Ярим соя – 90 градусдан камроқ қияликда ёритилган юзанинг ёруғликдан сояга ўтиш қисми.

Соя ёки шахсий соя – бу буюм юзасидаги тўғридан-тўғри ёки қайтувчи нур билан ёритилмаган энг тўқ жой.

Рефлекс – буюмнинг бошқа қисмидан ёки шу буюм ёнида турган бошқа буюмдан қайтиб, буюм соясининг ёритилган қисми. Рефлекс ҳар доим ёруғликдан тўқроқ бўлади. Рефлексни аниқ тасвирлаш жуда муҳим, чунки айнан у туфайли тасвирда буюм ёлғиз эмаслиги, атрофида бошқа нарсалар ҳам мавжудлигини (ҳатто у жисм тасвирланмаган бўлса ҳам) сезиш мумкин.

Тушиб турган соя – тасвирдаги энг тўқ жой. Тушиб турган соядан буюм қанча узоқлашса, соянинг тўқлиги шунча очлашиб ва соя чегаралари ҳам хиралашиб боради.

Тасвири қоғозда тўғри ва жонли ифодалаш учун тасвирий санъат йўналишида таҳсил олаётган бўлгуси ўқитувчилардан композицион қуриш, жойлаштириш, перспектива, ранг-тус муносабатларини ўрганиш билан бирга табиатдаги ёруғ-соя муносабатларини ҳам мукамал билиб олиш талаб қилинади. Бунинг учун талаба берилган вазифаларни амалий жиҳатдан ўзлаштириш билан бирга, назарий ўрганишлари ва буни келажакда педагогик фаолияти мобайнида ёш авлодга ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан батафсил етказа билиши зарур.

Фарида ТОШПЎЛАНОВА

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ТАРБИЯ

Бола дунёни илк бор шакллар орқали англайди. Шу шакллар мажмуаси унинг ўз таассуротлари олами ташкил этади. Кейинчалик, шу шаклларни ўз билганича акс эттиргиси, тасвирлагиси келади. Ҳар бир бола битта буюм ёки манзарани ўз билганича акс эттиради. Ўзи англаган тафаккур бўйича ёндашади.

Расм чизиш бола тарбиясидаги энг асосий ва энг керакли шартлардан биридир. Кўпчилик боланинг расм чизишига эътибор бермасдан, шунчаки эрмак ёки ортиқча ҳаракат, деб ўйлайди. Бошқалар эса буни жуда фойдали машғулот, лекин ҳаёт учун унчалик катта аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблашади. Мактабда эса расм дарсларига асосий эмас, балки иккинчи даражадаги фан сифатида қаралади. Аслида ўсиб-улғаяётган бола онгининг ривожланишида, кўнглининг эзгуликка эш бўлиб шаклланишида тасвирий санъатнинг ўрни бошқа асосий фанлар билан бир қаторда туради. Чунки расм дарсида бола нарсанинг шакли, соя-ёруғи, ранг-тусига синчиклаб, диққат билан эътибор беради. Иккинчидан, унда кўз билан чамалаб ўлчаш, перспективани ҳис қилиш, кичик деталларнинг умумийга нисбатини, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлит тасаввур қилиш каби қобилиятлари ривожланади. Учунчидан, болада тадқиқ қилиш ҳисларини уйғотадиган аниқ-равшан кўз хотираси шаклланиб боради. Маънавий диди ва қарашлари ривожланиб боради. Ундаги олийжаноблик, нозик дид, фаросат, гўзалликни сезиш, ўз ҳаёти ва қарашларини тинимсиз маънавий озиқлантириб бориш каби ҳислатлар тарбияланиб боради. Расм чизиш болада ўзгалар юз ифодаси, ҳолати ва ҳаракатини психологик жиҳатдан баҳолаб олиш қобилиятини ривожлантиради. Ва ниҳоят, яратиш, фантазия қилиш, ҳаёт ва ижоддаги чуқур

тушунчаларни англаш орқали бола катта қониқиш ҳосил қилади.

Чизишни билган болада бошқа фанларни ўзлаштириш ҳам энгил кечади, чунки расм чизиш орқали бола катта маънавий озуқа олади, айниқса, унинг мантикий фикрлаши ривожланади. Бу жараёнда боладаги ҳаракат, кўриш, сезиш каби миянинг ташки таассуротларни қабул қилиб олувчи ва таҳлил қилувчи тизимлари ҳам фаол ишлаб бошлайди. Бундан ташқари, расм чизиш боладаги диққатни жамлаб олиш, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри баҳолаш, ўйлаб топиш ва тасаввур қилиш, кўриш хотираси каби ҳислатларни шакллантиради. Ўз билимлари захирасини кенгайтириш боланинг ақлий ривожланишига яхши таъсир қилади.

Бола ҳаёлот оламида яшайди. Унинг онгида мавжуд воқелик ва ўйлаб топилган ҳаёт ва эртақлар қоришиб кетади. Боладаги ҳис-ҳаяжон, сезги ҳамда ижодий имкониятларнинг ривожланиши, ўйин фаолиятидаги замонавий педагогика, шунингдек, психологиянинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Болалар ижоди – ўзига хос мустақил маънавий ҳаёт муҳити. Ижодий жараён янги моддий ёки маънавий қийматга эга бўлган ҳодисанинг яратилиши билан белгиланадиган инсон фаолияти бўлиб, ижод натижасида шу пайтгача мавжуд бўлмаган қандайдир янги нарсанинг юзага келишидир. Ижодий жараён собитқадамлик, қатъият ва ғайрат билан меҳнат қилиш демакдир. У ижоддордан фикрлаш фаоллиги, маънавий қобилиятлар, кучли ирода, ҳис-ҳаяжонлилик сифатлари ва ишчанлик каби фазилатларни талаб қилади.

Ўғилой ДОНАШЕВА

Кo'klam taomlari

КЎК СОМСА

СУМАЛАК

Сумалак одатда катта қозонда, кўпчилик бўлиб пишириладиган миллий таомимиз. Аммо уни кичик давра учун ҳам тайёрлаш мумкин. Қуйида ана шундай усул хақида сўз юритамиз.

Масалликлар:

- 0,5 килограмм буғдой,
- 2 килограмм ун,
- 15-20 дона ёнғоқ,
- 1 литр пахта ёғи.

Тайёрланиши:

Буғдойни тозалаб, ювиб, кейин уч сутка давомида ивитиб қўясиз. Мана шу муддат ўтганидан кейин буғдой сувини сиздириб, текис тахтага ёки матога 1-1,5 сантиметр калинликда ёйиб чиқинг. Устига эса дока ташлаб қўйинг. Буғдойни ёйиб қўйган жойингизга куёш нурлари тушмаслиги керак.

Шундан кейин ҳар куни эрталаб доканинг устидан буғдойга сув сепиб, намлаб турасиз. Бир неча кундан кейин буғдой униб чиқади. Унинг бўйи 3-5 сантиметр бўлганида кесиб-кесиб хавончада туйинг. Ёки гўшт майдалагичдан ўтказиб, эзинг. Сўнг тоғорачага солиб, озгина сув кўшасиз. Аралаштириб, докадан ўтказасиз. Сувини алоҳида олиб қўйиб, докада қолган буғдойни қайтадан тоғорача соласиз-да, яна сув кўшиб, кориштирасиз. Яна бир карра докадан ўтказиб, сувини ажратинг. Бу ишни учинчи марта ҳам такрорлайсиз. Ҳар уч марта сиздириб олинган сувни алоҳида-алоҳида идишларга солиб қўясиз.

Қизиб турган қозонга пахта ёғини солиб қиздириг. Кейин сал совутиб, унни қозонга соласиз. Ортидан биринчи марта сиздирилган буғдой сувини кўшасиз-да, ёғоч қошиқ билан тўхтовсиз кориштириб турасиз. Қозоннинг тагидаги олов баланд бўлиши керак. Қозондаги суюқлик қайнай-қайнай қуюла бошлаганида иккинчи марта сиздирилган буғдой сувини қозонга соласиз. Яна тўхтовсиз кориштиришда давом этасиз. Суюқлик қуюлгач, учинчи идишдаги буғдой суви ҳам солинади. Узлуксиз кавлаштириб турган ҳолда қуюлгунича қайнатилади.

Сумалакнинг таги қуймаслиги учун тозалаб ювилган 15-20 дона майда тошчани қозонга солиб юбориш керак. Тошнинг ёнига бутун ёнғоқ солса ҳам бўлади. Қуюлиб, ранги кўнғир тусга киргач, қозонни оловдан олиб, 2-3 соатга қопқоғини ёпиб қўйинг. Ана ундан кейин сумалакни пиёларга солиб, дастурхонга тортишингиз мумкин.

Айни кўклам кунлари баҳорий таомлар – кўк сомса, кўк чучвара, кўк манти, сумалак, халим кабилар дастурхонимизнинг кўркига айланади. Юқорида санаганимиз ўзбек таомлари ҳар бир хонадонда айрича завқ ва иштиёқ билан тайёрланади. Шунингдек, таомларнинг номи ва тайёрланиши бир хил бўлгани билан ҳар бир хонадоннинг ўзига хос “сири” ҳам бор. Лекин ҳар бири ўзгача ширин, ўзгача мазали...

Масалликлар:

Тайёр қат-қат хамир, 200 грамм куйрук, 1-2 бош пиёз, 1 боғ исмалоқ, 3 боғ кўк пиёз, 1 боғ отқулоқ, 1 ҳовуч ялпиз, 1 дона тухум, туз ва мурч.

Тайёрланиши:

Авалло, кўк сомсанинг киймасини тайёрлаб оламиз. Юқорида берилган масалликлардан ажойиб кийма тайёрласа бўлади. Шунингдек, таъдан келиб чиқиб, гўшт ҳам қўшишингиз мумкин. Албатта, олдин уни гўшт майдалагичдан ўтказиш ёки чопқида чопиб олиш керак.

Биз ҳозирча гўшт қўшмасдан фақат баҳорий кўкатларнинг ўзидан кийма тайёрлаймиз. Демак, кўкатларни ювиб, тозалаб, майда қилиб тўғранг. Кейин уларни битта идишга солиб, устидан бир дона тухумни чақиб, аралаштирасиз. Энди куйрукни майда тўғраб, қизиб турган товага соласиз ва эритасиз. Кейин қизариб қовурилган бўлакчалар – жиззаларни кўтариб олиб, ёғига майда тўғралган пиёзни қўшинг. Бироз қовурилгач, тухум аралаштирилган кўкатларни ҳам соласиз-да, қовуришда давом этасиз.

Қовуриш асносида кўкатлардан сув ажралиб чиқиб, юмшоқ қоришмага айланади. Масалликларни тахминан 15-20 дақиқа давомида қовуриб турасиз. Охирида кўтариб олинган жиззаларни ҳам қўшиб аралаштирасиз-да, қиймани тоғорачага кўтариб, совутиб қўясиз. Мана шу кийма кўк сомсанинг асосини ташкил этади. Аммо уни фақатгина кўк сомса учун эмас, балки чебурек, қовурма чучвара каби бошқа таомларга ҳам ишлатиш мумкин.

Энди хамирни ёясиз. Агар тайёр варақи хамир бўлмаса, албатта, уни ўзингиз тайёрлайсиз. Демак, хамирни ёйиб, 200 грамм маргаринга эритилган куйрук ёғидан озгина кўшиб, хамир устига суриб ўрайсиз. Ўзингиз истаган шаклда – думалоқ, учбурчак, тўртбурчак шаклда сомсалар тугиб чиқинг.

Тугилган сомсаларни листга териб, газ печига жойлайсиз. Улар 230 даража ҳароратда усти қизғиш тус олгунича пиширилади. Сомсаларни имкониятингиз бўлса, тандирда пиширишингиз ҳам мумкин. Тандирнинг сомсаси эса ўзгача бўлиши, шубҳасиз.



КЎК ХАМИР

Масалликлар:

хамирга: бир пиёла ялпиз япроқчалари, бир пиёла сув, икки ховуч ун, туз;

қайласига: 200 грамм гўшт, 2-3 дона пиёз, помидор ёки тоmat.

Тайёрланиши:

Ялпиз япроқчалари майда қилиб чопилади, бир пиёла сув қўшиб, хамир қорилади. Хамир шилпилдоққа ўхшатиб ёйиб, кесиб, пиширилади. Устига пиёз, гўшт, тоmatдан қайла қилинади.

КЎКАТЛИ РУЛЕТ

Баҳорий таомлардан яна бири кўкатли рулетдир. Бу таом баҳорги иштаҳасизлик, дармонсизлик пайтида организм учун жуда қувватли ҳамда тўйимли. Бунинг учун лаҳм гўшт, кўкатлар ва тухум керак бўлади. Қийма ҳар хил кўкатларни тўғраб, қайнатиб пиширилган, тўғралган тухум билан аралаштириб тайёрланади. Гўшtdан манти хамири катталигида жилдлар кесиб олинади. Улар ёғоч болғачада уриб чиқилади. Ички тарафига туз, мурч, зира сепади, тухум ва кўкатли қийма солинади. Жилдлар рулет килиб ўралади. Устига қуруқ қизил зиравор сепади. Фольгага конфетга ўхшаб ўраб, қизиган духовкада 40-50 дақиқа пиширилади.

Тайёр рулетлар помидор қайласи билан дастурхонга тортилади.



КЎКАТЛИ КОТЛЕТЛАР

Масалликлар:

500 грамм мол гўштининг қиймаси,

200 грамм кўкатлар,

2 дона пиёз,

100 грамм нон

200 мл сут,


50 грамм сариёғ,

Ўсимлик мойи, туз ва мурч

Тайёрланиши:

Пиёз ва кўкатлар майда қилиб тўғралиб, қизиган ёғда бир қовуриб олинади. Ёғсиз гўшт қиймасига сутда ивиган нон қўшилади, туз ва мурчни ростлаб яхшилаб қориштирилади. Тайёр қиймадан зувалачалар узиб олиниб, думалоқланади ҳамда қулча шаклида ёйилади. Ўртасига пиёз ва кўкатли қийма ва кичик бўлак сариёғ солинади. Котлетлар ўралиб, чиройли шаклга келтирилгач, қизиган ёғда қовуриб олинади.

*Нигина ФУЛОМОВА
тайёрлади*



Жо'кланда ко'ркамлик сiri



Кийимлар

Киш совукларидан чарчаган, узун тунларидан зерикканлар кўнгилларга кўрк бахш этадиган, бутун борликка мухаббат уйғотадиган кўкламни катта қувонч билан қабул қилишади. Баҳор янгиликни, яшариш ва ёрқин кайфият фасли бўлгани сабаб, кийимларимиз ҳам шунга монанд ёрқинлашади, рангинлашади.

Сиз оилангиз, дугоналарингиз билан 2013 йил баҳорда қандай кийинишни маслаҳатлашиб олганмисиз? Шундай қилганингизга ишончимиз комил. Кийим бисотингизни янгилашга шоямай туринг. Чунки сизга бизнинг янги тавсияларимиз бор.

Авалло, баҳор келганини билдирувчи адрас ва атлас матоли либосларни танланг. Негаки, ўз байрамларимизга ўзлимизни англаувчи миллий либослар мос. Қолаверса, уларнинг кўрган кўзни қувнатувчи кўрки ҳамда гигиеник жихатдан мавсумга мувофиқлиги бор.

Баҳор ойи шамоллар ва янги уйга қўника олмаётган келиннинг кайфиятидек ўзгарувчанлик даври. Шунинг учун бу пайтда енгил ва қулай камзуллар афзалдир. Баҳорий камзуллар ёқаси баланд ва иложи борича қалпоқчали бўлгани яхши. Ўзгарувчан об-ҳаволи кунларда бундай кийимлар, енгилгина пальтолар сизга қўмакка келади.

Бу йилги либосларда пушти, сарик ва оқ ранглар устунлиги яққол сезилади. Адрас, атлас, беқасам, шойи ва бошқа матолардан кенг камзул, узунроқ нимча, кўйлақлар, кенг шимлар, ўргача узунликдаги, узун, хаттоки ер ўпар даражадаги замонавий кийимлар урф бўлади.

Соч ҳам хусн

Аёл кишининг ярим гўзаллиги – сочи. Бақувват, узун ва соғлом сочларнинг ўзи бир хусн. Аммо, афсуски, улар бир умрга берилмаган. Агарда сочларингиз ҳар доим чиройли ва соғлом кўринишини хоҳласангиз, уларга ҳар куни алоҳида вақт ажратишингиз зарур бўлади. Аёл киши чиройли кийимда, кимматбаҳо тақинчоқларни тақиб олса-ю, сочи қаровсиз бўлса, барча ҳаракатлари бесамар бўлади. Ҳозир замонавий косметика шу даражада ривожландики, соч парвариши, турмаги осон иш бўлиб қолди. Калта, сийрак, хаттоки, жуда қисқа сочлар ҳам узун сочлар сингари кўрк бериши, ёш ва кўркам кўрсатиши мумкин.

Сочларни тез-тез ҳар хил рангларга алмаштириб бўяшда соч илдизини эҳтиётлаш муҳим. Сочнинг илдизини доимо кузатиб боринг, агарда илдизларда ўзгариш-кузатсангиз, дарҳол мутахассисга учрашингиз зарур бўлади. Бу ҳолат кўпроқ тез ўсадиган сочларда кузатилади.

Шунингдек, бу йил ўрилган ва йиғилган сочлар урф бўлди. Ўримнинг минг бир усулини мутахассислардан ўрганиш мумкин. Йиғиш эса соч эгасининг маҳорати ва фантазиясига боғлиқ. Аслида ҳам йиғилмаган сочлар кўп ноқулайликлар келтиради.

Соябон хақида

Бугунги кунда соябонларнинг қатъий урф бўлган ягона тури йўқ. Уларнинг факат автоматик ва ярим автоматик очилиб-ёпилувчи ҳамда ретро усулидаги турлари бор. Буни ҳар бир аёл ўз диди ва эҳтиёжига қараб танлаши мумкин. Бироқ соябоннинг ранги аёллар учун муҳим. Бугунги кунда ишлаб чиқарувчилар томонидан турли мавсумга хос расмлар бериш урфга кирди. Соябон харид қилаётганда ўзингизнинг кузлик ва кишлик кийимларингиз рангини эсингиздан чиқарманг. Яхшиси, бу буюмнинг ёмғирсиз пайтда ҳам олиб юришга қулайини танланг.

Агар бисотингиздаги либослар турфа рангли бўлса, соябоннинг ранг-барангидан олинг. Ҳозир буқаламун соябонлар, нам тегса, гуллари кўринадиган соябонлар ҳам ишлаб чиқарилаёпти. Бу турдаги соябонлар ҳар қандай кийим билан уйғунлаша олади. Соябон нафақат чиройли, балки пишиқ ҳам бўлиши керак. Соябоннинг симлари мўрт ва юмшоқ металл ёки пластикдан ясалган бўлса, у хатто кучсизроқ шамолда ҳам синиб кетиши мумкин. Чидамли соябонлар эса сизга бир йилгина эмас, узоқ вақтлар давомида хизмат қилади.

Буклама моделдаги соябон заифроқ, бироқ салки бўлиб қолмайди. Ипак соябон узоғи билан икки мавсумга чидайди.



Нейлон соябонлар дағалроқ бўлса ҳам, пишиқ. Бундан ташқари соябонлар резина аралаштирилган сагиндан ҳам тайёрланади. Бундай соябонлар тез селгийди. Соябоннинг энг яхшиси, пахта қўшилган полиэстердан тайёрланганидир.

Дўст бошга...

...душман оёққа қарайди, дейишади. Дўсту душманни қўя турайлик, ўзимизни ўзимиз хурсанд қилиш учун оёқ кийим расталарини бир айланиб чиксак, ёмон бўлмасди. Ахир, кийган кийимимиз қулай ва ўзимизга ёқсагина гўзалдир. Бу йил баҳорда ўзида ранг-барангликни акс эттирган чарм туфлилар расмга кирди. Шунингдек, темиртовонлар, темир аксессуарли оёқ кийимлар, балеткаларнинг турли гулликлари урф бўлади.

Сумкалар

Баҳорда табиат минг тусда товланганидек, сумкаларнинг ҳам ёрқин, турфа ранглилари урф бўлади. Мода ишқибозлари аёл кишининг туфлиси ва сумкасига қараб баҳо беришар экан. Қундалик сумкалар ишимизга муносиб, барча ашёларимиз жойлашадиган бўлса, мақсадга мувофиқ. Сайрга, байрамлар ва бошқа тадбирларга ихчам ва қулай сумкалар ярашади. Бу йил қизлар ўз қўллари билан тўқиган, тиккан сумкаларни аппликация, гул ва темир тақинчоқлар билан безатиб ишлатишлари мумкин. Чунки қўл меҳнати доим қадри ва асосийси, ягона нусхада.

Дарвоқе...

Мода ўз йўлига. Аёл ифбат, латофат, фасоҳат сўзларига эгиз қилиб яратилган. Урф бўлган кийимларга алоҳида сарф-харажат қилмасдан, борини урфга мослаб безатиб олиш ўзимизга боғлиқ. Оддийгина аёл бўлиб, қадами етган жойни баҳор қилганлар бор. Зеро, аёл бўлиб яралишнинг ўзи саодат.

ГУЛЮЗ тайёрлади.



ТОПШИРИҚЛИ АЙЛАНМА СКАНВОРД
 Сканвордни ҳал этгандан сўнг шакл остидаги рақамларни жавоблар ёзилган хоналардаги харфлар билан алмаштириб, муаммонани ҳал этинг. Бундан улардан икки мисра ҳикматли сўз ва унинг муаллифини билиб оласиз.

МУАММОНОМА

3	5	4	*	3	5	2	*	9	3	4	17	3	17	15	*	6	3	5	3	*	10	2	11	16	2	17
14	10	7	10		7	*	13	2	4	1	17	*	3	18	10	2	*	8	2	5	1	4	2	12		
12	2	17	*	14	10	7	10		19	2	10	3	6	3	6	6	3	17	*	2	12	12	1	10		

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Erni ERITISH qoidalari

(ҳажвия)

Вой ўлмасам! Эрим билан уришиб қолдим, дейсизми, сабаби бордир? Йўғ-е, “Сериал кўри-и-иб овқатни тагига олдириб юборибман”, дедингизми? Шўргинам курсин. Нима? Гапирмаяпти? Гапирмаса, гапирмас, қайтанга зўр-ку! Қулоғингиз тинчийди. Унда сериалларимдаги воқеаларни кимга айтиб бераман, дейсизми? Ҳа-я, бу ёғиям бор. Ичингизга бор гапни ютиб, “пақ” этиб ёрилиб кетманг, тагин. Йўлини топиш керак.

Айтгандай, биринчи марта шундай бўлишими, ишқилиб? Нима-нима? “Тангем”нинг охирги серияси бўлган куни, манти қасқонни эритиб қўйганман, дедингизми? Қизиқиб кети-и-иб қасқон эсингиздан чиқиб, манти-пантиси билан куйиб қул бўлганмиди?! Уй қаро тутунга тўлибдиям, манти кўмир бўлибдиям сезмабман! Қойил-ей, сериалсеварлик ҳам эви билан-да. Ўшанда бир ой гаплашмаганми? Тўппа-тўғри қилган экан!

Бўлди, бўлди, йўли топилди. Аразнинг эвазига манти қилиб берасиз. Бунинг ўзи камлик қилади-ёв, ёнига битта совғаям қўшасиз.

Бўлмайди, дедингизми? Нега бўлмас экан? Яқинда, туғилган кунида нима совға қилай, деб сўраганингизда, соқов бўлиб берсанг бўлди, деган!

Оббо, ишлар чатоқ-ку! Унда энг осон йўли – раҳмини келтириш. Ишдан келишини йиқилиб тушдим, деган баҳона билан худди Гваделупага ўхшаб оқсоқланиб кутиб оласиз. Тавба, бу усулни аллақачон қўллаганман денг. Маставани “Маҳаллада дув-дув гап”дагига ўхшатиб шавла қилиб сузиб келганда, оқсоқланиб гап эшитишдан кутулиб қолганмидингиз? Бўлмаса, фойда бермаслиги аниқ.

Ўшандаям фойда бермаганмиди? Йўғ-е, Эсмералдага ўхшаб кўзларини олайтириб берганмиди?! Чаток. Демак, эрингизга унча-мунча баҳона ўтмайди. Ҳа-а-а, топдим, маънавий хужумга ўтамыз, башарангизни тунд қилиб: “Дадаси, ўз кўзим билан газетада ўқидим, эр-хотин ўртасидаги жанжал одамнинг умрини беш кунга қисқартирар экан”,

“ОБОД ТУРМУШ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Кошона. 2. Барака. 3. Хурмат. 4. Оқибат. 5. Қандил. 6. Мехмон. 7. Накқош. 8. Мехнат. 9. Қудрат. 10. Лайлак. 11. Иморат. 12. Ғайрат. 13. Гулзор. 14. Таълим. 15. Тартиб. 16. Ҳиммат.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Кунгура. 2. Оромгоҳ. 3. Шанбалик. 4. Фаввора. 5. Дехқон. 6. Фазилат. 7. Касана. 8. Кўшк.

Ибратли сўзлар: Мустақил Ўзбекистонимизни обод қилган заҳматқаш инсонларнинг қалблари обод, турмушлари фаровон бўлади.

дейсиз. Бу гапниям айтиб кўрганмисиз? Қўрқиб кетиб инсофга келиб қолгандир? Пинагини бузмай: “Ундай бўлса, мен аллақачон нариги дунёнинг ҳисобидан яшаётган эканман”, деганми? Оббо, ўзиям доноларнинг доносига теккан экансиз-да.

Нега йиғлайсиз, ахир бир кун ўзи гапирар... Синглингизнинг тўйига кийиб боришга қўйлак олмоқчимсиз? Ярашволмасам бўлмайди, денг. Унда, бундай қиламиз. Дикқат билан эшитинг.

Энг аввало, эрингизнинг йиғилиб ётган ҳамма қирларини ювиб, дазмол босиб, шкафга чиройли қилиб илиб қўясиз. Бу – “Муҳаббат қахваси”ни кўрмайсиз дегани.

Бунинг ўрнига қахва тайёрлаб, ёнига битта чиройли торт пиширасиз. Йўқ, йўқ, тайёрини сотиб олишни ҳаёлингизгаям келтирманг.

Меҳр билан пиширганингиз бошқача-да. Нега бошингизни эгиб олдингиз? Тушунарли, торт пиширишни билмайсиз! Уят! Мен бўлсам, торт пишириб устига чиройли безаклар қаторида: “Жоним, мени кечиринг!” деган сўзларни ёзиб, дастурхонга тортасиз-у, эрингизнинг аразидан асар ҳам қолмайди, демокчи бўлиб турувдим. Эсизгина-я!

Ҳа, майли, торт бўлмаса, бирор пирог пиширишни биларсиз? Биламан, деган тилларингизга шакар. Эсим борида, айтиб қўяй, пишириққа шакарни кўпроқ солинг. Ширинлик эркакларни эрити-и-иб юбориш хусусиятига эга, ўргилай. Демак, “Тонгги шудринг”дан ҳам қуруқ қолишингизга тўғри келади. Чунки у бошланганида сиз аллақачон пирогни духовкага қўйиб, манти тугаётган бўласиз.

Хамирли овқатга уста эмаслигингизни биламан, бир қасқон мантини тугиб, оловга қўйгунингиз-ча, “Аччиқ ёлғон”нинг навбатдаги серияси ўтиб кетади.

Нега башарангиз буришиб кетди?

Буям ҳали ҳаммаси эмас, “Қирол Сежонг”ниям кўролмайсиз. Қанақа кино? Ахир эрингизнинг юрагига йўл топиш учун қайнонгизни бориб олиб келасиз-ку. Атрофида парвона бўлиб, яхши келин родини ўйнамайсизми? Агар эплай олмасангиз, бор камчиликларингиз қайнонгизга ошқор этилиб, “Туташ такдирлар”даги келинга ўхшаб, “шўлқиллаб” онангизникига равона бўлишингиз аниқ. Туф-туф-ей, оғзимдан ел учирсин. Борган жойингизда тиниб-тинчиб, “тош котинг”, илойим. Агар шундай бўлишини истасангиз, мен айтган ишларнинг ҳаммасини эплашингизга тўғри келади. Маслаҳатим, сериалсеварлик касаллигини ўз вақтида даволаб арзанда эмас, пазанда келин бўлишга ҳаракат қилинг! Тагин, эрингизни уйдан бездириб, бошингизни чангаллаб қолманг!

Тухфа НАЗАРОВА,
 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Oddiy odam haqida

Юртимизда ҳар кимнинг ҳар турли хайрли истеъдодини рўёбга чиқариш учун яратилган имкониятлар самараси ўларок, тасвирий санъатнинг ривожини юқори поғоналарга чиқиб бормоқда. Бу соҳада ёшларга сабоқ бераётган мураббийлар ҳақида кўп ёзилган. Бироқ шундай ўқитувчилардан бири ҳақида кўп илиқ фикрларни эшитганим боис, у киши билан яқиндан танишиш мақсадида А. Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежига бордим. Бир кўргандаёқ коллеж биносининг замонавийлиги, худудининг озодалиги, ободлиги, бинонинг ичи дид билан безатилганлиги, ўзига хос бадий муҳити билан ўзига тортди. Мен суриштириб, ўзимга керакли аудитория эшиги олдига келдим. Атроф шунчалар осойиштаки, “Ҳозир бу ерда дарс бўлмаётган экан” деган фикрга бордим. Беихтиёр эшик тутқичини тортганимда, синф тўла ўқувчилар махсус сурат чизиш мосламаси – мольберт қаршисида ишлаётганлигини кўрдим. Излаб келганим инсоннинг исми-шарифини айтиб чақирганимда, ўйлаганимдан ёшроқ бир аёл чиқиб келди. Бу киши Раҳима Қўнғирова эканлигини билиб, жуда хурсанд бўлдим ва мақсадимни айтдим.

Танаффус вақтидаги суҳбатимиз икки дугона ўртасидаги илиқ, мазмунли гурунга айланиб кетди. Менинг мақсадимни тинглай туриб, чой дамлашга улгурганларини фақат чойга таклиф қилганларидagina билдим. Мен улар ҳақида ёзмокчи эканлигимни эшитиб, “Мен сизни бошқа ижодкор рассомлар билан таништириб қўяй. Улар ҳақида ёзсангиз бўлади. Менинг хаётимда барчанинг эътиборини тортадиган воқеа-ходиса йўқ. Бутун умримни, билимимни фарзандим ва шогирд-ўқувчиларимни тарбиялашга бағишлаганман. Оддийгина инсонман”, деб жавоб бердилар. Менга эса, айнан оддий инсон керак эди...

Гўзал водий вилоятининг Данғара тумани Чанкат қишлоғидаги оилалардан бирида жажжи қизалоқ дунёга келди. Унга меҳр билан Раҳима деб исм қўйишди. Оиладаги тўққиз фарзанддан бири бўлган Раҳима ёшлигиданоқ адабиётга, шеърятга кўнгили кўйиб, санъатга ошно бўлди. Онаси Турсуной ая қишлоқ кутубхонасида, дадаси Қўнғирбой ака эса ҳайдовчи бўлиб ишлар эди.

Ота ва онанинг адабиётга бўлган қизиқиши оиладаги фарзандларига ҳам ўтган бўлиб, болалар, албатта, ҳар бир янги чиққан китоб билан танишиб, ўзларига

ёққан барча шеърларни ёд олишарди. Шу билан бирга, ўзаро баҳс-мунозаралар, шеърини айтишувлар орқали адабиётга қизиқишлари янада ортарди. Ёш Раҳима ҳам бошқа фарзандлар қатори адабиётга яқин ошно бўлиб, кўплаб шоирларнинг шеърларини ёд олди. Балки унинг ана шу хислати келажакда ўқитувчи касбини эгаллашга бўлган интилишини кучайтирган бўлса, ажаб эмас.

Раҳима ёшлигиданоқ расм чизишга қизиқар, ҳеч бир рассоми йўқ оилада унинг расм чизиш қобилияти намоён бўла бошлади. Мактабга боргач, расм чизишга бўлган қобилияти, интилишини кўрган устози унга турли қўшимча вазифалар бера бошлади. Бу вазифаларни доим аъло даражада бажарган Раҳима, бора-бора мактабда чиқариладиган деворий газеталарни безаш билан шуғуллана бошлади.

Тошкентда, институтдаги ўқиши давомида у бошқа курсдошлари қатори ўз устида тинимсиз ишлади. Талабалар билан машҳур шоирларнинг шеърларини ёдлаб, турли адабий ва шеърхонлик кечаларида катнашди. “Ўзбек шоирлари” мавзусида бир туркум асарлар яратиб, битирув ишини “аъло” баҳога ҳимоя қилди. Ўқишдан сўнг Раҳима опа “Гулистон”, “Саодат”, “Шарқ юлдузи” каби журналлар ҳамда “Футбол” газетасида безакчи рассом бўлиб ишлади. Шу билан бирга, қўшимча равишда Азим Суюн, Омон Мухтор, Ҳалима Худойбердиева, Қутлибека, Асад Дилмурод каби шоир ва ёзувчиларнинг асарлари, китоблари, сайланмаларини бадий безаш, иллюстрациялар ишлаш билан ҳам шуғулланди.

Сўнги 10 йилдан бери эса у ўзининг болалиқдаги орзуси бўлмиш ўқитувчилик билан шуғулланиб келмоқда. Раҳима опа аввал П. Беньков номидаги Республика рассомлик коллежида, кейин А. Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежида ёшларга чизматасвир ва рангтасвир фанларидан дарс бериб келмоқда. Дарс жараёнида у болаларга яқиндан ёрдам бериб, уларнинг қизиқишлари ва интилишларини рағбатлантиришга ҳаракат қилади. Баъзи ўқувчиларнинг қизиқиши кучли, лекин қобилияти етарли бўлмайди, баъзиларда эса аксинча. Шунинг учун у ҳар бир боланинг кўнглига йўл топиб, керак бўлса, улар билан алоҳида ишлаб, ўз касбларини севишга, бўш вақтларини бекорчиликка сарф қилмай, фойдали машғулот билан шуғулланишга чақиради.






Rassom Rahima Qo'ng'irova ijodidan namunalar


“Ўзимиз чизматасвирдан дарс берадиган ўқитувчимизни жуда хурмат қилар, у айтган барча топшириқларни ўз вақтида бажарар эдик. Бир сафар устозимиз касал бўлиб, бир ҳафта дарсга келолмай қолганида, биз унинг ўрнини билдирмасдан хурсанд қилиш мақсадида натура топиб, ишлаганмиз. Устозимиз тузалиб ишга чиққач, ишимизни кўриб, жуда хурсанд бўлган ва бизга мамнунлик билан ҳазиломуз “Сизларга дарс ўтишимнинг ҳождати йўқ экан. Чунки ўзларингиз жуда яхши ишлабсиз” деган эди.

Мана, энди ўзи ҳам ўқувчиларга дарс бериб, устозлик туйғуларини ўзида тўла туяди. Агар ўқувчиларининг ишлари яхши чиқса, худди ўзи бажаргандек уларнинг ютуғидан жуда хурсанд бўлади. Агар улар ишни бажаришда қийналаётганини кўрса, ўзи ҳам қийналади, лекин буни уларга билдирмайди. Ўқитувчининг билим кучи, нутқ маданияти, артистлик қобилияти ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблайди Раҳима опа. Зеро, у кишининг иқрорича, болаларни тарбиялаш машаққатли, лекин меваси ширин.

Бу ҳақда у “Ўқитувчилик касби кўп вақтни олар экан, кўнглимдагидек ижод қила олмадим. Лекин бунга афсус қилмайман. Чунки ўз билимимни фарзандларим қатори бўлган шогирдларимга ўргатиб, қайсидир маънода тарбиячи-устоз бўлиш билан бирга, уларнинг билимларини оширишга, тўғри йўл кўрсатиб, мақсад сари интилишга қорлай олганимдан бахтиёрман. Шу билан бирга, ўзимнинг ижодий режаларим, бажара олмаган ишларимни қизим Яйра амалга оширишига ишонаман. У ҳозир Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Компьютер графикаси ва бадиий фото” бўлимида таҳсил олмоқда. Умид қиламанки, мен эриша олмаган ижодий ютуқларни қизим, невараларимнинг ижодида кўраман” деб қулибгина қўйди. Бу оҳангда ҳам она, ҳам мусаввир, ҳам тарбиячи, ҳам ўқитувчи бўлган аёлнинг орзу-умидларини кўргандек бўлдим. Ўтган йиллар давомида у юзлаб ўқувчиларга расм чизиш маҳоратини ўргатди. Унинг шогирдлари Республика ва хорижий кўرғазмаларда ўз ижодий ишларини намойиш этиб келмоқдалар...

Дарсга кўнғироқ чалиниб, ярим соатлик катта танаффус қандай тугаганини сезмай ҳам қолдим. Раҳима опа узр сўраб, дарсга кириши кераклигини эслатди. Хонадан чиқиб кетяпман-у, Раҳима опа билан яна узок суҳбат қургим келади.





OBUNA DAVOM ETMOQDA

ISSN 2091-5330

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.